



Василий Шукшин

ИККИНЧИ СЕАНСГА ЧИПТА

Kitob shu yerda ko'rsatilgan muddatdan
kechiktirilmagan holda topshirilishi shart

ilgarigi berilmalar miqdori _____

--	--




Василий Шукшин

ИККИНЧИ СЕАНСГА ЧИПТА

Ҳикоялар

Тошкент
«O'ZBEKISTON»
2016



УЎК: 871.512.133-3

ҚБК 84(2Рос=Рус)

Ш 91

Таржимон Ўроз Ҳайдар

Машҳур рус ёзувчиси Василий Шукшин асарларида оддий қишлоқ одамларининг серқирра ҳаёти ўзига хос тарзда қаламга олинган. Унинг ёзганлари шунчалик оддийликка қурилганки, бундай ҳикояларни ҳар қандай киши ёза оладигандек туюлади. Аммо ана шу оддийликда ҳаёт унсурлари рангини товланадики, беихтиёр адиб истеъдодидан ҳайратланасиз. Оддийликдан мураккаблик ва мураккабликдан оддийлик – асарлар мазмуни шундай. Бундан ҳар қандай ўқувчи беқиёс лаззат топади.

Василий Шукшин нафақат адиб, балки киноактёр, режиссёр, умуман олганда, улкан санъаткордир. Унинг актёрлик ва режиссёрлик маҳорати «Кўл бўйида», «Ҳалоскорлик», «Миш-ка», «Сережа ва мен», «Журналист», «Улар ватан учун жанг қилдилар» сингари фильмларининг яратилишида яққол кузга ташланади. Адиб қисқа умри давомида жаҳон адабиётига арзигулик маънавий хазина қолдириб кетди.

Азиз китобхон!

Унинг ана шундай асрларни бўйлаган дилтортар ҳикояларини сизга ҳам илиндик. Ўйлаймизки, Шукшиннинг ҳикоялари ўзи каби қалбингиз тўридан жой олади.

ISBN 978-9943-28-562-0

© Ўроз Ҳайдар (тарж.), 2016

© «O'zbekiston» НМИУ, 2016

ИККИНЧИ СЕАНСГА ЧИПТА

Кейинги пайтларда нимагадир Тимофей Худяковнинг кўнглига қил сиғмас, ҳамма нарсадан хуноби чиқиб юрарди. Тўртоёқлаб турса-ю, боши қалтираб, итдай ирилласа, ҳуриб юборса. Балки, йиғлаб ҳам олармиди.

– Сени нима жин урган ўзи? – муғамбирона раҳмдиллик билан сўради Ермолай.

Тимофей унинг атай ўсмоқчилаётганини тушунди, аммо, барибир, нолиди.

– Тақдир бевафо... – деди-ю, гапнинг давомини чигаллаштириб юборди. – Боши тош қотсин унинг... Дастурхони нон кўрмасин...

Тимофей руҳан қийналган дамларда сукишни қотириб қўяр, гўёки ёмон кўрган одамини дарра билан ана шундай саваларди. Кучли эҳтирос билан тақдирга лаънат ўқишни хоҳлаб қоларди. Тақдирни, «ун икки ҳаворий», «кетига терак қозиғи», «чуқинтирганни онаси» – барини қушиб тинмасдан сукишда давом этарди. Унинг бу ҳолатини кўриб, ҳатто Ермолай ҳам ҳайрон тикилиб қолди.

– Ҳа, қийин бўлти сенга!

- Осонми, шум тақдир сенга шунақанги кўргилигин кўрсатиб турса, - Агар сен тақдирдан нолисанг... билмадим. Сенга нима етишмайди? Уйингда ҳамма нарса етарли бўлса...

Тимофей қоровулга руҳан қийналаётганини тушунтиргиси келмас, айтгани билан у тушунмас, ҳатто ўзи ҳам ҳеч нимани тушунмаётган эди. Рост-да, уйда камчилиги йўқ, болаларини институтларда ўқитди... Баъзи пайтлари у яшашни билишидан мағрурланар, энди эса жаҳли чиқар ва негадир юраги сиқиларди.

Аҳмоқ қоровул Ермолай бўлса: «Сен иблисни виждон еяпти, бутун умр умардинг... уйга ташидинг, бирон марта қўлга тушмадинг, текинхур», дея алаmidан тутақарди.

- Кўнглимни нимадир емиряпти, Еремажон... Назаримда, кўнглим ғалаён кўтармоқчи. Нимаданлигини ўзим ҳам билмайман.

- Парво қилма. Утиб кетади.

Утиб кетмади.

Шу куни шанба эди (ўзи эрталабдан ҳамма иши чапла келаверди). Тимофей оморни тамбалаб, қоровул билан «яримта»ни бўлишиб кунни кеч қилди.. Уйига жунаш

олди яна биттасини «ер тишлатгач», урнидан қўзғалди. Уйига боргиси келмас – борса хотини яна минғирлаб, таъбини баттар хира қилади.

Куз ёмғири шивалаб ўтганди. Намчил шамол эсганидан халқоб сувлар юзаси ажиндай тиришди. Осмон этаги ёришиб, қуёш куринди. Ёғоч уйлар деразасида қаҳрабон ёғдулар зарҳалланиб, атрофга ёруғлик тушарди. Кун совуқ ҳам зерикарли эди. Барчасининг ёқимсизлиги-чи?

Тимофей уйга чумди: «Мана – яшаб қўйдим, бу ёғи оз қолди... нари борса ун -ун икки йилми, умримни шунчаки судралиб ўтказиш-у, бусағада ётиб олиб кун санаш қолди. Бу ҳаёт эмас, чайнаб ташланган суякдай ҳаёт кимга керак! Нима ҳам дердинг, ҳаёт – бу ҳаёт-да. Уйлаб қоласан. Туф-у! Бутун умр югурдим-елдим, устомонлик қилдим, уй қурдим, ҳар хил ёлғон-яшиқлар билан бирни унга уриб, гоҳ у нарсани, гоҳ бу нарсани топиб келдим. Ермоха булса, узи учун яшади. Жонини койитмай балиқ овлади, уз курпасига бурканиб тинч-осуда, ғамалам нималигиниям билмайди. Қуртларга эса, барибир, иккаламиз ҳам биргаликда ем буламиз.. Эҳ-ҳе, у куримсиз ҳаётда дав-

ри-даврон сурди. Сен-чи? Худди цирк артистидай дор устидан юриб ўтдинг; ўтишга ўтдим-а, лекин энди тиззаларим дармонсизликдан қалтираяпти.

Тимофей йўл-йўлакай уй суриб борарди... Бирдан ўзини таниш кўчага урди. Бу кўчада Поля Тепляшина яшарди... Қачонлардир – анча илгари Тимофей Поля билан жиноят-корона «севги ўйинини» ўйнаганди. Жанжаллар бўлган, деразалар синган, шармандаси чиққан. Гутя – Тимофейнинг хотини Полядан Тимофейни қайтариб олиш учун етти йил жон-жаҳди билан курашганди. Гутяни қишлоқда ҳамма мақтар, у бўлса бундан ғурурланиб, қишлоқнинг ёш хотинларини кўча-кўйда учратиб қолса, маслаҳат ошидан бечўмич узатарди. Яъни, ўзининг аҳволига тушиб қолмасликларини эслатиб, уларни эрлари учун курашишга ургатарди:

«У хонимчасининг уйига борганида, сен қўлингда косов билан дераза тагида тур! Кучоклашмоқчи бўлганида, косов билан дераза ойналарини чил-чил қил. Лаззатдан маҳрум эт. Қаноти қирқилган қуш қайта учолмайди».

Бунақа «ошиқ-маъшуклик» хангомалари қишлоқда бўлиб турарди. Ҳозир бошқача –

ажралишади, тамом! Илгарилари йиллаб ғазабини босолмай аламзада бўлиб юришарди. Ушанда Тимоха билан бу «ошиқлик» бирдан узидан-узи тугаганди. Полянинг угли Колька улғайиб қолганди. «Николай Петрович» Тимохани онасининг ёнидан қувиб юборарди.

Тимофей кузлари чақчайиб, Поляга уда-гайларди:

– Тойчоғингни тийиб қуй!

Жувон эса бирданига оғзига урарди:

– Тошингни тер!.. Нима, сени уғлимга алиштираманми? Бекорларни айтибсан!

Шу можародан сунг Тимофей яна бир - икки марта айланиб борганди. Кольканинг бақувват муштига дуч келгач, «уйин»ни йиғиштириб қўя қолди. Энг аҳмоқона воқеа кейин бўлди; Поля ва Гутя дустлашиб олишди, энди эса икковлашиб унинг устидан мазах қилиб кулишиб, мағзава ағдаришарди. Гоҳо Поля одамлар тудаланиб турган жойда Гутя билан юзма-юз келиб қолса-ку, чироғи порларди. Тимоханинг битини тукиш баҳонасида:

– Қалай, бизнинг арғумоғимиз яхши юрибдими? – дея журттага сурарди.

Гутя бундан яйраб куларди-да:

– Печка устида канасини эзаяпти, – дерди хумордан чиқиб.

Нима бало – бу атай ундан ўч олишмиди, тушуниш қийин!

Тимоха бундай воқеа устидан чиқса, хотини томон бостириб борарди, аммо эндиликда ўз болалари томонидан қаршиликка дуч келадиган бўлди. Мана, ҳозир Тимохадан нима учун у ерга – Полянинг ёнига бораётганини сурашса, тушунтиролмасди. Нега бораётганини ўзи ҳам билмасди. Поля эса ҳайрон.

– Ановини!.. Бу меҳмонни куринг. Нима гап?

– Нима бўлти.. Нима, юқумли касалнинг бормидики, айланиб утсам? Гаплашиб... утирамиз. Эски хотираларни эслаймиз, мана ичимлик... Тимофей ўзи билан шиша олволганди. Шишани столга қўйди. – Утганларни, эслаймиз.

– Эслайдигани қоптими?

Поля кексайиб, хунуклашиб қолганди. Тимофей: «Аслида у ҳуснда урвоқ эди», дея ўйлаб, ўз аҳволига ачиниб кетди.

– Латифа айтиб беришимни хоҳлайсанми?

– Қара-я!

– Нимага ҳадеб «қара-я, қара-я» дейсан попнинг бефаҳм хотинига ухшаб. Ёввойилар-

га ухшайсан... Ҳуш, мана келдим... Нима бўпти? Тугриси, сиз аёллар ёввойига ўхшайсизлар. Ростдан ҳам.

– Нега унда эси пастларнинг ёнига келасизлар?

– Қаердан топаман ақллисини? Ҳаммаси бир гур бўлса, алмаштирсанг ҳам совунни игнага алишгандай гап.

– Тафтиш босдим, ғазабноксан?

– Ҳали мени қармоққа илинтирадиган тафтишчи туғилмаган.

– Куриниб турибди. Демак, туғилибди...

Тимофей стакандаги арокни шартта сиймиди, газакка ҳеч нарса сурамади ҳам. Поля газакка чуп ҳам тутмади. Тимоха ҳам Поляни ичишга ундамади.

– Латифани эшит. Бир рамақижон эркак шаҳарга келибди, сунг кучада кетаверибди. Чунтаги тула муллажиринг. «Қаердан бирон-та шаҳарлик ойимқизни илинтирсам», деб уйлабди. У шаҳарлик аёлларни осон илинтирса бўлади, деган гапни эшитган экан-да. Шу пайт, бир сулуvgина жувон унинг ёнига келиб, мулойимлик билан: «Меникида тунай қолинг. Уйим бир қадам», дея хушнавозлик курсатибди. Худонинг узи етказди, деб суюнибди эркак ва аёл билан унинг уйига

борибди. Уйга келгандан сунг аёл эркакка қараб: «Сиз ечинаверинг, мен ҳозир келаман», дебди-ю, узи нариги хонага утиб кетибди.

Эркак ечиниб, уни кута бошлабди. Анча кутибди. Бир пайт аёл бир этак болаларини етаклаб чиқиб келибди ва уларга қараб: «Мана, болаларим, агар сизлар ҳам туйиб-туйиб овқат емасаларинг, мана шу амакига ухшаб, қоқсуяк булиб қоласизлар», дермиш.

Поляни бу воқеа кулдиролмади, бу Тимофейнинг узига ҳам унча қизиқ туюлмади. Лекин эрталаб ҳайдовчилар билан айнан шу латифани эшитиб кулганида, латифа ибратли экан, деб уйлаб ҳам қуйганди.

– Сен бу билан нима демоқчисан? – деди Поля. Тимофей тушунтирди:

– Шум тақдир мени ҳам, худди шундай қилиб чиқитга чиқариб ташлади. Яшаб қол, Тимофей! – дабдурустдан қуюшқондан чиқди у. – Елкангда бош борми? Бор! Яна ҳеч кимдан қўрқма! Мана, Тимофейнинг сочлари тукилиб булди... энди.

– Туғри яшаганингда, ҳеч кимдан қўрқмасдинг, – дея чақиб олди Поля.

Тимофей ҳам қандай қилиб қаттиқроқ оғритиб чақишни уйлади.

– Билмайсанми, ким мана бу жойда, – у каравотни курсатди, – бегона эркак билан ачом-ачом уйнашган? Мобода эшитганинг йўқми?

– Эшитганман, Сен-чи, ким худди мана шу жойда, уз хотини бўла туриб, бегона аёл билан чалкашиб ётган? А... Мен ёлғиз бева эдим, сен эса оилали эдинг. Бузуқсан, Тимоха!

Тимофей яна ичди. У энди ҳаммасини бироз тушунгандай бўлди; эссиз умри, эссиз ҳаёт. Яшагани қурсин.

– Бизнинг ишимиз оқ буқача ҳақидаги эртакка ўхшаб кетади, Поля.

Поля кулиб юборди.

– Нимага куласан? – суради Тимофей.

– Нимага кулмас эканман?

– Керакмас... Сенга ярашмайди, тишларинг суйлоқ.

– Бир пайтлар буни пайқамас эдинг-ку...

– Пайқаганман, нимага энди пайқамас эканман, фақат... Аттанг! Биласанми, нима алам қилади, азизам, кимгадир бу ҳаётда ҳамма нарса етарли; олий маълумотли, катта маош эгаси, хушруй, тишлари текис ва оппоқ, ширингина уйнаши ҳам бор. Тимохага эса сал бундайроғи ҳам булаверади...

- Вой илон-эй! - ажабланди Поля. - Сассиқ така. Қани, кутар шишангни, бу ердан қорангни учир-чи! Ҳозир уқлоқ оламанда, мана шу ақлли бошингга... Кошки, ақл битса!..

Тимофей шиша оғзига яна тунука қалпоқчасини кийдирди-да, пиджагининг ички чунтагига яхшилаб жойлади ва шошмай кета бошлади. Сал енгил тортгандай сизди ўзини. Лекин, яна кимнингдир жиғига тегишни истарди. Кимгадир мана шунақа секин, шошилмай чақадиган сузларни айтса, ниш санчса!

Уйига етиб келса, кираверишдаги хона четида тирсакларини столга тираб... Ҳазрат Николай хаёл суриб утирарди. Ҳазратнинг қиёфасини одамлардан кул бор эшитган. Қуйиб қуйгандай Ҳазрат Николайнинг ўзи: оқ юзли, паст буйли, қуғирчоққа ухшаган қарияча. Бошини эгиб мулойимгина тикилиб ўтирибди. Уйда бошқа ҳеч ким йуқ.

- Қани, саломатмисан, Тимофей? - мулоимлик билан сурашди Ҳазрат.

Тимофей атрофга аланг-жалаң қаради... Ва бирдан гурс этиб қариянинг оёқлари остига йиқилди. Иложи борича майин ва луғда қилиб, секингина:

- Салом, Ҳазратим. Мен сени дарров танидим, отахон, - деди у.

Ҳазрат нимагадир силкиниб тушди, ҳайрон булди ва кулумсираб бармоқлари билан ниқтаб, секин удағайлади:

- Кайфинг бор-ов?

- Ҳа, озроқ бор! - қандайдир қизиққонлик билан ва шодликдан суюниб давом этди Тимофей. - Ҳаммаси сиқилганимдан... отахон, маъзур тутасиз. Ҳаммаси сиқилганимдан. Тиним билмайман. Мана болаларимни ўстирдим, энди ичсам нима қилади, деб ўйладим. Нега бунчалик қариб қолгансан-а, отахон... Нимага келгандинг ўзи?..

Ҳазрат кузларини пирпиратди, яна кулиб юборди.

- Нимага сиқиласан?

- Ўзим ҳам билмайман. Э-э, Худо билади! Унга сиғинмаймиз - шунинг учун булса керак. Худога ишонмай қўйдик; мана, у булса курсатиб турибди. Черковларни ёпдик, сукинамиз, ҳар хил йулларга кирамиз... Сиқилишимизнинг боиси шундан.

- Сен илгари Худога ишонармидинг?

- Отахон!.. Чуқиниб айтаман, кичкина пайтимда ишонардим. Рождестволарда бутга сиғиниб юрганман. Агар большевиклар келмаганида эди, ҳозир ҳам сиғиниб юрган булармидим.

– Узинг-чи, коммунист эмасмисан, иш-қилиб?

– Қаёқда! Сенга ёлғон гапирмайман. Агар қайнотам улиб кетмаганида, балки коммунист булармидим! Уни уттизинчи йилларда қулоқ қилишган...

– Хуш.

– Шундан бери оғзимга латта тиқилган, ҳеч кимга, ҳеч қачон гинг деб овоз чиқармаганман.

Ҳазрат баттар ҳайрон бўлди. Унга ачиниб қаради.

– Сен нима демокчисан, Тимофей?

– Кунглимдагики айтаяпман, отахон! Хуш, сен нега келгандинг-а! Яхши ният биланми ёки ёмон ният биланми? Қандоқ тушунай?

Ҳазрат тиришган кичкина кафтлари билан оппоқ соқолини силаб қўйди.

– Нима учун келганман... Хуш, мана... тавбадасан, сизларни кургани келдим. Менга қара, урнингдан тур-чи!

–Тураман! Нега турмас эканман? Ҳеч нарса қилмайди. Отахон, мана, сен дунё кезиб, куриб юрибсан, одамлар айниб бораётибди-а?

– Ҳаммаси ҳам эмас. Демак, сенинг фикрингча, қайнотанг йулингни кесиб утдими?

– Кесиб ўтди. Туғрисини айтганда, у қулоқ ҳам бўлган эмас, ҳеч қачон. Шу фақат жамоа хўжаликлари тузиш масаласида қайсарлик қилиб туриб олганди ушанда. Вайсақи эди қайнотам, тилини тиёлмасди. Аҳмоқни аҳмоғи эди. Аммо қатъиятли, ўзига туқ одам эди, мен эса уртаҳол эдим. Партияга қабул қилишлари мумкин эди.

– Ҳуш, қайнотанг-чи, нима қилди?

– Муддатини ўтаб келди. Мен уни ушандан буён курганим йўқ, бир биримиздан узоқда яшаймиз. У қари тентак ўғли билан туради. Ўғли бўлса, қаердадир узоқда яшайди. Демак, одамлар айниган дейсанми?

– Ҳа, халқ яхшигина айниган, – деди жиддий боқиб Ҳазрат.

– Умуман, ҳеч нарсага арзимаЙди, бу халқ! – гапни илиб баттар алжирарди Тимофей. – Ичкиликбозлик, ўғрилик... Мен ҳам омбордан ўғирлардим сал-пал. Биламан, бу гуноҳ, аммо ҳамма ўғирлик қилади. Атрофга қара, вой Худо, вой Худо-ей, нималар бўлмаяпти дейсан.

– Ўғирлик қилардим, дейсанми?

– Ҳа, отахон, у-бу нарса умариб турардим. Мана, болаларимни ўқитдим. Қайси пулга-а? Отахон...

Тимофей Ҳазратнинг ёнига янада яқинроқ эмаклаб келди.

– Биласанми, сендан нима сурамоқчи эдим?

– Хуш?..

– Сен у ерда, тепада бизнинг Худойимизга, пайғамбаримиз Исога ва Биби Марямга яқин утирасан-а... Шу, сен улар билан маслаҳат қилиб айтсанг-чи... хуш... ва... э-э! Шундай хурлигим келадики, юракларим эзилади, отахон! Ахир мен аҳмоқ эмасман-у, аммо саводим ҳаминқадар булса ҳам қарагин, олий маълумотли манаман деган азаматларни бармоғимни учида уйнатаман...

– Тушунмаяпман!

– Оҳ, қани, яна бир карра қайта туғилсам эди? А, нима дейсан? Ҳозиргиси, яъни яшаб ўтган умрим ҳисобга олинмаса-да, бошқатдан яна мени туғдирсаларинг...

Ҳазрат ихтиёрсиз кулиб юборди.

– Гоҳ сиқилиб кетдим, деб нолийсан... Гоҳ... эҳ, сен итнинг боласи -Тимоха!

– Ҳа-да, нолийман-да, ҳаётим ҳеч ўхшамади-да! – Тимофей йиғлаб юборгудай эди. – Мана, сен кулаяпсан. Ҳеч кулгили жойи йўқ! Отахон, фақат ғам-алам курдим. Кетмакет ғам. Аммо, ер юзида яшаш қандай яхши!

Нима, мен курмаяпманми, тушунмаяпманми... ҳаммасини тушуниб, куриб турибман. Аламим келаяпти. Тф-у – эзғилаб ташласанг!.. Менинг курган куним курсин.

– Хуш, айт-чи, қайта туғилганингда қандай яшардинг, а?

– Энг аввало, мен бошқа аёлга уйланган бўлардим. Муҳаббат ҳақида, ҳатто Библияда ҳам ёзилган-у, аммо мен учун муҳаббат юмшоқ жойдан чиққан чилқондай бўлди. Бу гапларим учун ўзинг кечир, Худойим. Ёшликда қандай йулиқдим, ана энди ихраб-сихраб, судралиб яшаб юрибман. Бўлмагур хотин учради. Аҳмоқ. Худди отасининг ўзи. Оғзи бир очилдими... фақат бер дейишни билади. Аёл эмас – кажава сандиқ. Ушани деб кўпроқ ўғирлик қилганман. Хасис!.. Утакетган очофат. Мендаги бу ақл билан катта бошлиқ бўлишим ҳам мумкин эди. Масалан, мендан яхшигина прокурор чиқарди деб уйлайман.

Тимофей пастдан Ҳазратнинг илоҳий кузларига тикилиб қараб қолди.

– Қўлимдан келганида эди, қайнотамни шундай жунатардимки, менга қолса, у ҳалиям уша ерда утирган буларди. У, бундан топган буларди.

2020/5

- Учир овозингни! – ғазаб билан ушқирди қария. – Мен сенинг уша қайнотангман-ку, иблис! Уғри! Кузларингни каттароқ оч, ароққа букибсан-да!

Тимофей урнидан турди, чолворини қоқди ва секин деди:

- Қара-я! Ростдан ҳам қайнотам. Қайнотагинам! Кел, ичамиз. Учрашганимиз учун. Қара, мен сени ким деб уйлабман-а...

- Букибсан-да, итвачча!

- Ҳамма сирларимни айтиб берибман-а, сенга?.. Жим-м! Ҳечқиси йуқ, билиб қуйдинг. Шундай ҳам адашаманми-а. Қовун туширганимни қара-я... Эй-й-а!.

Кейин иккаласи шишани бушатгач, ҳақоратланган қайнота Тимофейнинг бурни тагига бош бармоғини икки бармоғи орасидан чиқариб узи ва қизи учун жаҳл билан дерди:

- Мана сенга бошқа ҳаёт! Мана сенга иккинчи сеансга чипта!.. Уғри.. Шолғоми чиққан Тимофей эса фақат бир оҳангда гулдирарди:

- Воҳ, қандай тушдима-а, воҳ, Шунчалик ҳам буладими...

- Мен сенинг узингни қаматаман! Уғри!..

- Кимсан? Ёнингда Худо борми? Сен ҳуқуқсизга ким ҳам ишонарди?

- Мана, мана сенга иккинчи сеансга чипта! Ҳеҳ-хе, - бошқатдан яшашни истаб қоптилар!.. Ма, сенга.

Қайнотаси яна Тимофейнинг бурни тагига бармоғини тикаётганди, куёви бир стакан ароқни унинг боши устидан қуйиб юборди ва кўркитмоқчи бўлиб, чўнтагини ковлаб гургут чиқарди.

- Ҳозир ёқиб юбораман-а.

Ҳазрат бўлмиш қайнота сочиқ билан бошини артди ва йиглаб юборди..

- Бу нима қилганинг-а? Тимохажон? - Мендай қарияни-я... Уятсиз... Ярамас... Меҳрибонларим олдига яхши ниятлар билан келдим десам- у... Сен...

- Ҳамма гап шунда-да, нима қилишни билолмаяпман, - деди Тимоха бироз юмшоқлик билан. - Билмайман, қайнотагинам, билолмаяпман. Туғриси айтсам, узимда нималар кечаётганлигини билолмаяпман. Бундай яшаш жонга тегди. Улгудай жонга тегди. Учди-кетди. Алам қилади. Умримни ашула айтгандай утказиб юбордим, аммо ашулани ёмон айтдим. Лекин ашула яхши эди, эссиз. Томоша учун мени кечир. Кўнглингни кенг қил, кечир, отагинам.

КУЗДА

Паромчи Филипп Тюрин радиодан сунгги ахборотни охиригача эшитгач, анча вақтгача дастурхон устида миқ этмади.

– Нимага тинч утиришмайди-а? – деди жаҳл билан.

– Яна ким ғашингга тегаяпти? – суради дуриллаган овоз билан қуллари эркакларникидай бақувват, баланд буйли кампири.

– Бомба ёғдиришаяпти! – радиокарнай томонга қош учирди Филипп.

– Кимнинг устига?

– Вьетнамликлар устига-да.

Кампирга чолининг сиёсатга қизиқиши ёқмас, баттар ғашини келтирар, баъзида шу бемаъни қизиқишни деб, иккиси жиғиллашиб қолган вақтлари ҳам булган. Аммо ҳозир кампирнинг жанжалга хоҳиши ҳам, вақти ҳам йўқ. У бозорга шошилаётганди.

Жиддий, диққат-эътиборли Филипп паромга бориш учун иссиқроқ кийиниб олгач, уйидан чиқди. У анчадан бери – урушдан қайтгандан буён паромчи бўлиб ишлайди. Урушда бошидан яраланган, шунинг учун ҳам энгашиб ишлашни талаб этадиган касби –

дурадгорликка ярамаслигини билиб, паром-чиликни танлаганди.

Сентябрнинг охирлари эди, ёмғирдан сунг ёқимсиз совуқ шабада эсар, оёқ остидаги ер билчиллаб ғашга тегарди. Қишлоқ дукони ёнида ўрнатилган радиокарнайдан таралаётган тонгги жисмоний тарбия мусиқаси садолари ва машқларни олиб борувчининг жушқин овозини шамол юлқиб олиб келади. Қишлоқдан чучқаларнинг чийиллашию хурозларнинг қичқириғи эшитиларди.

Йулда учраган қишлоқдошлари Филипп билан бош қимирлатиб саломлашишар, улар нон харид қилгани дуконга ёки бозорга бориш учун автобус бекатига шошилишарди. Филипп уйдан паромгача бўлган бу йўлни эрталаблари уй-хаёлларсиз босиб утишга урганиб қолган эди. Тўғри, хаёлга бериларди, лекин паром ҳақида ёки кун бўйи кимларнидир ўтказиб қўйиш ҳақида эмас. Бугун бошқа хаёлда. У ҳозир уруш қилмай қандай қилиб америкаликларни тинчитишни ўйлаб борарди. Бир нимага ажабланса-да, ҳеч кимдан сўрамади: нима учун уларни ракеталаримиз билан туртиб қўйиш мумкин эмас? Ахир, икки кунда уларнинг эсини киритиб қўйиш мумкин-ку. Филипп ёшлигидан ти-

ниб-тинчимас эди. Янги ҳаётни барпо этиш-га фаоллик билан қўшилди, жамоа хужалиги даврида ғайрат курсатди... Ҳеч кимни қулоқ қилмади, аммо куп баҳслашар, бақирар... иккиланганларни ишонтирар, ҳаяжонланарди. Коммунист эмас эди, раҳбарлар ҳам бу хусусда негадир гап очишмаган, шундай бўлса-да, Филипп билан доим ҳисоблашардилар, у эса уларга сидқидилдан ёрдам бериб юраверарди. Усиз ишлари битмаслигини уйлаб, Филипп ич-ичидан ғурурланиб қуярди. Масалан, унга сайловолди компаниясида келган масъул кишилар билан қишлоқ кенгашида сайловни қандай қилиб яхшироқ ўтказиш тўғрисида маслаҳатлашиш ёқарди. Кимнинг уйига овоз бериш қутисини олиб бориш керак, ким узи келади, фақат эрталаб бориб эслатилса, бас... Сайловчилар орасидан баъзи бири қайсарлик қилиб: «Мен утинимни олиб келиш учун улардан от арава сўраганимда бериб туришадими?!» деса, Филиппнинг фигони фалакка чиқар эди: «Ҳой, Егор, ахир бу нима деганинг? Буни сайловга тенглаштириб буларканми?! Гапингни қара-ю!.. Сиёсий масала кундаланг турган бир пайтда, сен нега отни бузоқ билан чалкаштирасан».

Хуллас, Филипп қишлоқ буйлаб елиб-югурар, фикрини одамларга исботлашга уринарди. Одамлар у билан ҳам жон деб баҳслашишар, аммо ундан гина қилишмас, аксинча, дардларини тукиб сочишар ва «Сен уларга етказиб қўй», дея тайинлашарди. У эса вазиятнинг муҳимлигини ҳис қилиб ҳаяжонланар, ёниб-куярди. «Эҳ одамлар! – дея фиғони чиқарди улкан ишлар оғушида. – Уйқусираган каллаварамлар!»

Йиллар ўтган сайин Филиппнинг ғайрати суна бошлади. Энди ҳаяжонланиб, бундай ташвишлар ортидан югуришга кучи етмай қолганди. Лекин ҳамон жамоат ишларини, жамиятнинг муҳим масалаларини юрагига яқин олар, хавотирланарди.

Дарё узра ёқимли шабада эсарди. Беозор урилади, туртади. Арқонлар шамолда силкиниб ғувиллайди. Лекин яхшиямки, қуёш курилиб, сал кўнгли ёришди.

Филипп паромда у ёқдан-бу ёққа сузди, шошқалоқ йуловчиларни утказиб булгач, енгил тин олди. Асаббузарлик тухтади. Филипп яна америкаликлар ҳақида хаёлга берилган ҳам эдики, баянни наранглатиб никоҳ туйи утказаётганлар келиб қолишди... Замона зайлини қаранг – рангли тасмалар, пуфаклар

билан безатилган енгил машиналар. Бу урф қишлоққа ҳам кириб келаяпти. Учта машинада келишди...

Туйчилар қирғоққа тушишди. Ширакайф, сершовқин, узини бироз куз-куз қилиб мақтанишга мойил туду. Янгича урф – машиналарда, боз устига, улар тасмалар билан безатилган бўлса, бунақа туйлар утказиш қишлоқда ҳали кам учрайди, ҳамманинг ҳам енгил машина топишга қурби етмайди.

Филипп туйни қизиқиш билан кузатди. Бу одамларни танимайди – улар бу ерлик эмас, афтидан, қаергадир меҳмонга кетишга ётган куринади. Шляпали бир амаки ҳадеб қийшангларди. Афтидан, машиналарни уша амаки толган чоғи. У туй туйдай бўлсин, деб тинимсиз чиранарди. Паромда баянчини куй чалишга қистаб, ўзи биринчи бўлиб уйинга тушди. У ҳаммага бургутқараш қилиб қийқирар, оёқларини дүпирлатарди. Фақат унинг бу қилиқларига қараш ноқулай ва уят эди. Келин-куёв бошқаларга нисбатан хушёрроқ бўлганлари учун ўзларини қандайдир ноқулай сезишарди. Шляпали амаки ҳарчанд ирғишламасин, ҳеч нарсага эришолмади, унинг бу сохта қувноқлиги

ҳеч кимга таъсир қилмади, ниҳоят ўзи ҳам ҳолдан тойди...

Паром сузиб ўтди, машиналар қирғоққа чикди. Тўйчилар жунаб кетишди. Филипп эса ҳаёти ҳақида уйга толди. Мана, унинг уйланиши қанақа бўлганди. Уларнинг қишлоғида Марья Ермилова деган сулув қиз бор эди. Кулча юз, ёноғи чуғдай, ширинсуз... Ҳуснига қараб куз туймасди. Бундай гузал қаллиқ ҳақида фақатгина орзу қилиш мумкин эди. Филипп уни жуда ҳам севар, Марья ҳам унга кунгил қуйган эди, туй бўлиши арафасида...

Филипп комсомолларга қушилиб қолди. Яна уша ҳол: ўзи комсомол бўлмаса-да, улар билан бақириб-чақиритар, ҳамма нарсани ағдар-тунтар қилишарди. Филиппга комсомолларнинг қишлоқ қариялари раъйига қарши чиқиши ёқарди. Мана, қандай бўлганди: замонасоз ёшлар черков никоҳига қарши бош кутаришди. Куз куриб, қулоқ эшитмаган воқеа... Қариялар бирон нарсаси қилишолмас, ғазабланишар, қўлларига хивчин олиб, гарчи хивчин билан ҳали оғзидан она сути кетмаганларнинг эсини киритолмасалар-да, қайтанга, баттар уларнинг қаршилигига дуч келишарди. Қувноқ дамлар эди. Филипп ҳам уша ёшлар каби

черковда никоҳдан утишга қарши эди. Марья эса аксинча. Марьянинг ота-онаси бир сузли эдилар, унинг узи ҳам охири черковда никоҳдан утамиз, деб қайсарлик қила бошлади. Филипп оғир аҳволда қолган эди. У турли гаплар билан Марьяни аврай бошлар (у гапга чечан эди, бу эса қишлоқда кам-ёб ҳол, балки Марья уни шунинг учун севиб қолгандир), ишонтирмоқчи булар, қишлоқча курсаводликни ёмонлар, ҳар хил мақола ва фельетонлардан парчалар уқиб берар, юраклари эзилиб, тишларини ғижирлатарди.

Марья эса ҳеч нарсани эшитгиси келмас, черковда никоҳдан утамиз, тамом-вассалом, дея бир гапда туриб олганди. Филипп утмишини уйларкан, уша пайтда жудаям аҳмоқона хатога йул қўйганини тушунди. Ушанда йуллари айро тушди, ажралишди. Филипп кейинчалик ҳам узгармади, қилган ишидан афсусланмади, ҳозир ҳам афсусланмайди, ахир қулидан келганча ҳаётни қайта қуришда қатнашди, бироқ Марьяга ачинар, уни қумсарди.

Бир умр юрак-бағри кабоб бўлиб, уртаниб яшади. У Марьяни эсламаган бирор кун йўқ эди. Бошида шунақаям оғир бўлган эдики, ҳатто узини бир бало қилмоқчи ҳам бўлганди.

Йиллар утса-да, юрагидаги дард аримади. Гарчи оила қурган – янги фуқаролик қонуни бўйича хотини билан никоҳдан ўтган, фарзандлар туғилган бўлса-да, юрак ҳамон Марьяни деб уртанарди. Хотини Фекла Кузовникова Филиппдаги бу доимий ғамни сезиб қолганидан буён эрини қурарга кузи йуқ. Ва бу теран нафрат аёл қалбида у билан бирга яшаб келмоқда. Филипп эса хотини Фекладан нафратланмасди, йуқ. Бироқ, масалан, уруш пайти «Сизлар ўз оналарингиз ва хотинларингизни ҳимоя қилаяпсизлар...» – дейишганда, у Феклани эмас, хаёлан Марьяни куз олдига келтирарди. Агар ҳалок бўлганида ҳам Марья ҳақидаги хаёллар билан ҳалок буларди. Йиллар утса-да, ишқ дарди уни тарк этмади. Бироқ юрагини ёндирган олов аввалгидек, эндигина уйланган йиллардагидек жизғанақ бўлмас эди, албатта. Туғри, ушанда биров камгап бўлиб қолди. Барибир, тарғиботдан воз кечмади, чулки шундай қилиши зарур эди. Аммо гапирганда, узининг аччиқ уй-хаёллари таъсирида гапирарди. Гоҳо уй суриб қолар, бирдан нимадир эсига тушиб, яна одамларни янги ҳаётга, мислсиз ўзгаришларга ишонтириш ниятида уларнинг ғафлат босган кузларини очмоқчи буларди.

Марья эса.. Марьяни ушанда қишлоқдан олиб кетишди. Унга қандайдир бойвачча сўтак (қандайдир эмас, Филипп у билан кейинчалик куп бора юзма-юз келди) Краюшкино қишлоғидан совчи жунатди... келишди, унаштиришди ва олиб кетишди... Албатта, черковда никоҳ уқилди. Орадан бир йил ўтгач, Филипп Марьянинг эри Павелни учратиб қолиб:

– Виждонинг қийналмадими черковга боришга?.. – дея уни суроққа тутди.

Павел ўзини ажаблангандек курсатиб:

– Нега виждоним қийналиши керак?– деди.

– Қарияларнинг йуриғига юриб, никоҳ уқитдингми?

– Уларнинг йуриғи билан эмас, – деди Павел. – Мен ўзим шуни хоҳладим.

– Мана шунинг учун ҳам сураяпман-да, – деди ўзини йўқотиб Филипп. – Виждонларинг қийналмадими? Қарияларни-ку, тушуниш мумкин, аммо сизлар-чи?.. Ахир, бу ҳолда ҳеч қачон зулматдан чиқа олмаймиз-ку?!

Бунга жавобан Павел сўкинди.

– Тошингни тер! – деди-да, бошқа гапиршни истамади.

Филипп бу учрашувдан Павелнинг нигоҳида унга нисбатан яширин нафрат,

ҳаттоки азобланиш акс этиб турганлигини сезди. Нега шундайлигини англашга ҳаракат қилди-ю, ҳеч нарсани тушунолмади. Кейинчалик қулоғига «у Марья билан яхши яшамаётганмиш, аёл доимо ғамгин эмиш...» деган гаплар чалинди.

Филиппга фақат шу етмай турувди, эски дарди янгиланди, ичкиликка берилди, аммо кейинчалик ичкиликни ташласа-да, уша илон чаққандай оғриқни ўзи билан доимо олиб юрди. Илон эса чақаверар, чақаверар, унинг эса чидашдан ўзга иложи йўқ эди.

Машиналарда келган келин-куёвнинг туйи унда мана шундай ғамгин хотираларни уйғотди. У шу хаёллар оғушида яна паромда у ёқдан-бу ёққа қатнади, шамол суяк-суягидан ўтиб кетгани учун тушликда бир стакан ароқ ичишим керак, деган фикрга келди. Негадир кўнгли ғашлана бошлади.

«Яна икки марта бориб келаман-да, тушликка чиқаман», қатъий қарор қилди Филипп. Бегона қирғоққа яқинлашганда (Филипп ўз қишлоғи томондаги қирғоқни ўзиники, нариги қирғоқни бегона деб атарди), усти ёпиқ машина ҳамда унинг атрофида тумонат одам кўринди. Бу қанақа машина эканлигини, унда майит олиб келишаётга-

нини синчков нигоҳлари билан дарров уқиб олди. Одамлар майитни ҳар доим шу тахлитда олиб келишарди. Паром олдига келгач, ҳаммалари машинадан тушишар ва дарёга жимгина қараб туришарди. Буни тушунса буларди.

«Кимни олиб келишаётган экан? – уйлади Филипп одамларга нигоҳ ташлаб. – Дарё юқорисидаги қайсидир қишлоқдан шекилли, чунки яқин орадаги қишлоқларда кимдир қазо қилганини эшитмаган эди. Лекин, нега бошқа жойдан олиб келишяпти? Ёки уйда улмаган-у, дафн қилиш учун қишлоғига олиб келишяптимикин?»

Паром қирғоққа етгандагина Филипп тик турган одамлар орасида Павелни – Марьянинг эрини таниди. Ва бирдан кимни олиб келишаётганини англади. Марьяни олиб келишаётганди... Ёз аввалида, Марья шаҳарда турадиган қизиникига бораётган чоғда, у билан учрашгани ёдига тушди. Паром нариги қирғоққа етиб боргунча гаплашишганди. Марья шаҳардаги қизи туққанини, унга ёрдам бериш учун кетаётганини айтганди. Ширин суҳбат қуришганди. Марья ўшанда ёмон яшашмаётганини, уч нафар фарзандиям уйли-жойли бўлиб кетганлигини, ўзи

нафақа олаётганини, эри Павел ҳам нафақа олаётгани-ю, аммо уйда ҳалиям дурадгорлик қилиб туришини айтиб утганди. Мол-ҳолни унча купайтиришмаган бўлса-да, ҳамма нарса етарли эканини, курка боқаётганини, утган йили уйларини таъмирлашда уғиллари келиб ёрдам беришганини ҳам гапирганди.

Филипп ҳам ҳамма нарса етарли эканини, нафақа олаётгани-ю, соғлиғи дурустлигини, фақат об-ҳаво айниганда боши сал-пал оғриб туришини айтиб, кунглиги юмшатганди. Марья эса негадир юраги безовта қилиб туришидан суз очиб: «Баъзида ярим тунлари қаттиқ санчиб қолади, сирқираб оғришидан йиғлагудек буламан», – деганди ушанда. Мана, охири куни битибди-да, Марьянинг... Филипп Павелни таниган заҳотиёқ оҳ деб юборди, вужудига ут туташди. Паром қирғоқдаги лиқиллаб қолган туташтиргичга бориб урилди. Паром занжирини олиб, илгакка илдиришди. Усти ёпиқ машинанинг олдинги ғилдираклари ғула ёғочлар устига чиққанда улар қисирлаган, ғичирлаган овоз чиқарди.

Филипп худди сеҳрлангандай эшкак ёнида қотиб турар, машинадан куз узмасди. Худойим, Худойим Марьяни олиб келишаяпти, Марьяни...

Филипп ҳайдовчига машинани паромга қандай қўйиш кераклигини тушунтириши лозим эди, чунки орқада яна иккита машина бир-бирига тиралиб турарди, у эса худди қоққан қозикдек жойидан қимирламас, ҳамон машина юкхонасига қаттиқ тикиларди.

– Қаерга қўяй? – қичқирди ҳайдовчи.

– А?..

– Қаерга қўяй деяпман?

– Қўявер...

Филипп қулини ноаниқ силтади. У ҳалиям жонсиз Марьяни олиб келишаётганини тасаввурига сиғдира олмасди. Фикрлар миясида ғужғон уйнар, садр халфасига сира жам бўлмас эди. Гоҳо Марья билан паромда турмушидан мамнунлиги ҳақида гаплашиб кетишаётгани, гоҳо эса унинг қизлик маъсум дамлари куз унгидан утарди. Ё Худойим, ё Худойим... Марья... Наҳот бу сен бўлсанг?

Ниҳоят, Филипп оёқларини зурға ердан узиб Павелга яқинлашди. Павелни турмуш букиб қўйганди. Юзлари ҳали сулимаган, кузлари тийрак ва маънодор бўлса-да, аммо қадди ёй эди. Ақлли кузларида мусибат ва сабот зоҳир.

– Павел...нима булди? – суради Филипп.

Павел зимдан секин қаради, аммо нимани сураётганини тушунмади, шекилли, нигоҳини яна ластга, паром тахталарига қадади. Қайта сураш Филиппга ноқулай туюлди... У яна эшкак ёнига қайтиб келди. Қайтаётиб усти ёпиқ машинанинг орқасидан ўтаркан қаради – тобут. Зумда юрагига оғрик кирди, фикри равшанлашди: ҳа, бу – Марья.

Паром сузиб кетди. Филипп ихтиёрсиз эшкак эшиб паромни бошқарар, хаёл сурарди: «Марья, Марьягинам»... Дунёдаги энг азиз одами у билан охирги марта сузиб бормоқда... Утган ўттиз йил давомида, паромчи бўлиб ишлаётгандан буён Марьянинг неча марта у ёқдан-бу ёққа сузиб ўтганини беш қулдай биларди. Асосан болаларининг ҳолидан хабар олгани шаҳарга тушарди: гоҳо уқиши, гоҳо ишга жойлашиши деб, гоҳо эса набиралари туғилганда... Мана энди – Марья йуқ.

Паром қирғоққа етиб келди. Яна занжирлар шарақлаб, машиналар мотори гувиллади. Филипп эса яна эшкак ёнида турганча усти ёпиқ машинага тикиларди. Ақл бовар қилмайди. Мабодо Марья ўлиб қолса нима қиламан, деб сира хаёлига келтирма-

ган. Ақалли бир марта ҳам уйлаб курмаган. Унинг улимига тайёр эмас эди. Усти ёлиқ машина жунаб кета бошлаганда, Филипп кукрагида чидаб булмас оғриқни ҳис қилди. Уй-хаёлини безовталиқ чулғаб олди: нимадир қилмаса булмайди! Ахир, ҳозир марҳумани қабристонга олиб кетишади. Бутунлай. Уни шу куйи нигоҳи билан кузатиб қолаверадими? Нима қилиш керак? Безовталиқ бутун вужудини қамраб олди, у эса жойидан қимирлай олмас, лаҳза сайин узини йуқотиб борарди.

«Ахир, видолашишим керак эди-ку! – Усти ёпиқ машина йулга чиқиб олганда узига келди ва буни тушуниб етди. – Ҳеч булмаса, видолашай-да!.. Ҳеч булмаса, охирги марта бир курай. Тобутнинг қопқоғини ҳали ёпишмаган, куриш мумкиндир ахир!» Филиппнинг назарида, унинг ёнгинасидан Марьяни олиб ўтган анови одамлар бунақа қилмасликлари керак эди. Шундоққина олиб утишди – тамом-вассаломми? Агар бу кимнингдир мусибати булганда ҳам... ҳаммадан купроқ унинг – Филиппнинг мусибати-ку! Тобутда Марья ётибди, ахир... Улар уни қаёққа?..

Филиппнинг ёдига ҳаётидаги оғриқли вақтда ҳам йуқотолмаган, унутиш мумкин бўлмаган энг азинз нарсалар ёпирилиб кела бошлади. Утган бутун умри, энг асосийси, энг кераклиси, нима учун, кимнинг ҳаёли билан яшаган бўлса, ҳаммаси куз олдида турарди... У кузларидан ёш қуйилаётганини ҳам сезмасди.

Тобут ортилган машина ортидан куз узолмай қараб турарди. Машина тепаликка кўтарилиб, йулида давом этди ва куздан ғойиб бўлди. Мана энди ҳаёти қандай кечади, унинг. Ахир, ер юзида Марья борлигига урганиб қолганди. Кунгли уксиган, ғамга ботган дамларда у Марьяни эслар ва сағирлик нималигини билмасди, у билан дунё тулиб турарди. Энди-чи, энди нима бўлади? Э, Худойим, усиз ҳаммаёқ хувиллаб қолади; қандай оғир-а?

Филипп паромдан отилиб тушди; бахтига сунгги машина нимагадир жилмай турарди. Филипп ҳайдовчининг ёнига келди-да:

– Усти ёпиқ... тобут олиб кетаётган машинани қувиб ет, – деди утинч билан кабинага чиқиб оларкан.

– Нега? Нима учун?

– Шундай қилмасанг булмайди.

Ҳайдовчи елка учириб, бошқа саволга тутмай машинани жилдирди. Қишлоқ ора-лаб кетишаётганда, у Филиппга бир неча бор синчков назар ташлади.

– Булар Краюшкиноданми? – суради ҳайдовчи олдинда секин илдамлаётган машина тарафга боши билан имо қилиб. Филипп секин бош ирғади.

– Қариндошингми? – яна суради ҳайдовчи. Филипп бу гал чурқ этмади. У яна усти ёпиқ машина ортидан қаттиқ тикилди. Бу ердан юкхона уртасидаги тобут куриниб турарди. Тобут атрофида утириб олган одамлар бирдан узи учун ҳам, мана шу тобут учун ҳам бегонадек туюлди. Қайси урфга кура улар у ерда утиришибди? Ахир, тобутда Марьяси ётибди-ку.

– Қувиб ўтайми? – суради ҳайдовчи.

– Қувиб ут-да, кейин мени тушир.

Машинани қувиб утишди. Филипп каби-надан тушиб, қулини кутарди. Шунда юраги қинидан чиққудай бўлиб уйнаб кетди, назарида ҳозир нимадир юз беради-ю, ҳаммага, Филиппга ҳам бир сир – Марья унинг учун аслида ким булгани ошкор бўлади-қолади.

У машина тўхтагандан сунг нима воқеа юз беришини ва қандай сузларни тукиб-сочишни билмасди. Марьяни эса жудаям кургиси келарди. Бу унинг учун ҳамма нарсадан муҳим ва зарур эди. Марья шундай кетаверадими, ахир унинг – Филиппнинг ҳам ҳаёти утиб булди-ку, энди ҳеч ким булмайди.

Машина тўхтади, Филипп унинг ортига утди... Қўллари билан орқа тахтани ушлаб, оёғини темир нарвончага қўйди-да, кузовга чиқиб олди.

– Павел... – деди ўзи кутмаган ялинчоқ овозда, бундай оҳангда гапирмоқчи эмас эди. – У билан видолашишимга изн бер. Ҳеч булмаса, бир бор курай, юзини оч.

Павел илкис урнидан туриб, тўғри унга қараб юрди. Филипп унинг буздай оқарган юзини яқиндан куришга улгурди. Қиёфаси узгариб, боя ғамга тулиб турган кузлари туйқусдан чақчайиб кетди, бирдан ғазабга тўлди.

– Кет, бу ердан! – секингина, аммо кескин буюрди Павел ва Филиппнинг кўкрагига бир туртди. Филипп буни кутмаган эди, мункиб кетди, кузовни маҳкам ушлаб қолмаганда...

- Кет!!! - қичқириб юборди Павел. Ва уни яна туртди, бу гал қаттиқроқ туртди. Филипп бор кучи билан тахтани маҳкам ушлаганча Павелга қараб, унинг важоҳатидан ҳайратланди. Ҳеч нарсани тушунмасди.

- Ҳой, сизларга нима булди? - машинадагилар саросимага тушишди. Бир йигит - Павелнинг уғли булса керак, дарров отасининг елкасидан ушлаб нарироққа тортди. - Нима гап? Нима булди сизга?!

- Кетсин! - яна ғазаб билан укирди Павел. - Кетсин у бу ердан! Мен унга курсатиб қуяман куришни. Судралиб келганини қаранг ярамасни! Жуна! Жуна деяпман! - Павел жойида тепинар, аламдан шайтонлаб қолганди.

Филипп машинадан тушди. Шундагина Павелдан нима утганлигини англади. Барибир, вастда туриб ҳам унга ғазаб билан тикилди. Узи англамаган ҳолда нималарнидир гапира бошлади. Бу сузларни бир умр юрагида тугиб юрган куринарди.

- Нима, алам қилдими?.. Бировнигини тортиб олиб, қувонган эдинг-ку, энди ачина-яптиларми?

- Сен-чи, қувонмадингми? - деди кузовдан туриб Павел, - мени билмайди дейсанми?

– Бошқаларнинг бахти эвазига қурилган ҳаёт, мана қандай буларкан, – давом этди Филипп Павелнинг юқоридан туриб нима деяётганига эътибор бермай. Муҳими, юрагида борини айтиб қолмоқчи буларди. – Ҳузур-халоватда яшайман деб уйлаганмидинг. Йу-ук... унақа булмайди. Мана энди куриб турибман, буларнинг ҳаммаси сенга қанчага тушганини...

– Узинг-чи, ашула айтиб юрдингми? Сен-чи... Узинг... Узинг ҳам эгилиб қолибсан-ку! Яхши яшаганингда эгилармидинг?

– Ушанда қувонгандинг-а? Мана – қувониб булдинг... Тиланчи! Ҳа, тиланчисан!

– Ҳой, нима қилаяпсизлар?! – жаҳл билан деди бояги йигит. – Эсдан оғиб қолдиларингми? Топган вақтларингми-чи!

Машина жунаб кетди. Павел яна бир бор бақиришга улгурди:

– Мен тиланчиманми? Сен эса бир умр дарвозадан киролмаган итга ухшаб гингшиб утдинг! Мен эмас, сен тиланчисан!

Филипп секин ортига қайтди.

«Марья, – уйлади у, – эҳ, Марья, Марья... Мана, қандай қилиб ҳамманинг қанотини қайирдинг. Иккита аҳмоқ – роса хурдик... Аслида-ку, иккаламиз ҳам тиланчимиз, Па-

вел, сен купам акиллайверма. Агар сен га-
дой булмасанг, нега бунча ғазабланасан?
Нима кераги бор ғазабланишнинг? Ёшликда
бахтнинг бир бўлагини ушатиб олгандинг,
хурсанд булиб яшайверсанг булмасмиди?
Аслида сен ҳам қувонч нималигини бил-
май утдинг. Ахир, у сени севмасди-да, мана,
ичингдаги ғам буғзингдан тошиб чиқди.
Ушанда тортиб олмаслик керак эди. Кел-
динг, олдинг, кетдинг!.. Хурсанд булганди...»

Алам қилди Филиппга... Энди алам билан
Марьяга булган гинахонлик ҳам қушилди:
«Сен ҳам узингга ярашасан, кутиб туролма-
динг, чопдинг Краюшкинога қараб, фойдаси
булмаса ҳам. Энди нима булди?...»

– Нима буларди... – деди Филипп ўзига-ўзи
узил-кесил. – Ҳаммаси тугади! Энди бу беш
кунлик дунёда вақт-соатинг етишини кутиш
ва унинг ортидан кетиш қолди.

Шамол анча пасайди, осмон ёришди, қуёш
нур сочса-да, илитмайди. Атроф қандайдир
шип-шийдам ва совуқ. Куз булгандан кейин
шу-да!

ЁЛҒИЗ УЗЛАРИ

Жабдуқдўз Антип Калачников одамлардаги куюнчаклик ва меҳрибонликни қадрларди. Ҳар қалай, кайфияти соз дамларнинг бирида уйда хотинига мулойимлик билан гап қотди:

– Марфа, филдай аёлсан-у, миянг ишламайди-да.

– Ҳи, нимага энди?

– Нимагаки... Нимани хоҳлайсан узи? Сенга қолса, кечаю кундуз тикаверсам, тикаверсам. Ахир, менда ҳам қалб бор, юрак бор. Унинг ҳам қувонгиси, ҳам яйрагиси келади.

– Тупирдим-эй, уша қалбингга!

– Эҳ-ҳ...

– Нима эҳ, нима эҳ?

– Шундай, узим... Жойи жаннатда булгур «қулоқ» отажонингни эслаб қолдим-да.

Сержаҳл, «филдай» Марфа икки қулини белига қўйиб, Антипга қаттиқ тикилди. Кичгинагина рамақижон Антип матонат билан бу тикилишни енгди.

– Сен... отамни тинч қўй... Тушундингми?

– Ҳим, тушундим, – қисқа жавоб қилди Антип.

– Шундай бўлсин.

– Ута қаттиққўлсан-да, Марфажон. Ахир, бунақа эмас-да, жоним. Бунақада юрагингни адо қилиб улиб-нетиб қолсанг, нима бўлади?

Қирқ йиллик турмушлари давомида Марфа Антипнинг қачон жаҳл қидаётгани, қачон жиддий гапираётганини ҳеч тушунолмасди.

– Бас, тикишингни қил.

– Тикаяпман, онаси, тикаяпман.

Калачниковлар хонадонидан ҳамиша ишлов берилган терининг ачимсиқ ҳиди анқиб турарди. Уй кенг ва ёруғ эди.

Қачонлардир бу уйда болаларнинг жарангдор кулгиси янграган дамлар ҳам, кейинроқ туйлар ҳам бўлган, улим келиб хонадон қайғуга чукиб, кузгулар юзи бекитилиб, липиллаб ёнган хира шам ёруғи ва аза жимлиги ҳукм сурган, улимнинг чуқур, сирли шарпаси кезган пайтлар ҳам бўлган эди. Кун нарсалар бўлган. Антип Калачников узининг баҳайбат турмуш уртоғи билан ун икки жонни улғайтиришди. Аслида улар ун саккиз фарзанд куришганди. Уйнинг қиёфаси йиллар давомида узгараверди-ю, печканинг унги томонида, тўсиқ орқасидаги Антипнинг иш жойи узгармай қолаверди. У шу ерда от-

уловга эгар, жабдуқ, юган, жазлиқ, нухталар тикар, хомут ясарди. Деворда унинг қадрдон балалайкаси осиглиқ турарди. Балалайка унинг жону жаҳони, ҳаётда чуқур муҳаббат қуйган эрмаги эди. Антил бошини сал эгган қуйи уни соатлаб чалар ва иккаласи бир вужуд бўлиб қолгандай, сўз унга унутилган қадрдон нимасинидир гапириб бераётгандай ёки узи унга кексаликнинг салмоқли ўйларини секин айтиб бераётгандай... тушуниб бўлмасди. Агар сергак Марфа бўлмаганида, кун бўйи шундай-й утираверарди. Марфага эса, уни кун бўйи тикиш билан шуғуллангани маъқул эди – тикаверса, тикаверса; у пулни яхши кураар, ҳар бир чақа устида қалтирарди. У бутун ҳаёти давомида Антилнинг балалайкасига қарши жанг қилди. Ҳатто, шу даражага етдики, кунлардан бирида жаҳл билан балалайкани оловга итқитиб юборди. Антип ранги оқарган қуйи сози қандай ёнаётганига тикилиб қараб қолди. Балалайка қуруқ қайини пустидек бирдан лоп этиб аланга олди-да, дарров тиришиб қолди. У худди одамдек уч марта ингради, торлари узилди ва ўлди. Антип ҳовлига чиқиб, болтани олди-да, тайёрлаб қуйган барча эгар, жабдуқ, юган, нухталарни майда-майда қилиб чопа бош-

лади. Индамай, бетартиб майдалаб чопди. Қўрқиб кетган Марфа уриндикда ғик этмай қараб утирди.

Шундан кейин Антип бир ҳафта тинмай ичди, уйга ҳам келмади. Кейин ял-янги балалайка олиб келиб, уй деворига осиб қўйди-да, яна иш жойига утирди. Шундан кейин Марфа балалайкага бошқа қул тегизмади. Аммо Антипни диққат билан кузатар: қўшниларникига чиқса ҳам узоқ қолиб кетмас, билардики, остона ҳатлаб ўтиши билан у балалайка чалишни бошлар, ишламасди.

Куз оқшомларининг бирида иккаласи уйда утирар, Антип уз бурчагида иш билан машғул, Марфа эса нимадир туқирди. Жимгина утиришарди. Ташқарида ёмғир эзилиб ёғарди. Уй иссиқ ва сариштагина. Антип ясаётган хомутига болғача билан кичкина мис михчаларни қоқарди: тақ-туқ...тақ-туқ... Марфа туқиётган нарсасини четга олиб қўйди-да, дераза ёнига келиб нималарнидир уйлаб ташқарига қараб қолди. Антип ҳамон туқиллатарди. Осма соати ҳам худди ҳозир тухтаб қоладигандай секин чиқиллар, аммо тухтамасди. Ҳар замонда ёмғир томчилари дераза ойнасига майинлик билан буғиқ урилди.

– Нимадан куйинаяпсан, Марфажон? – суради Антип. – Ҳалиям қандай қилиб купрок пул йиғишни уйлаяпсанми?

Марфа ҳамон ойна олдида жимгина уйла-ниб турарди. Антип унга қаради.

– Хоҳ уйла, хоҳ уйлама, ҳадемай уламиз. Хоҳ уйла, хоҳ уйлама, юз сум бу пул эмас, – Антип ишлаётганда шунақа гапларни гапиришни севарди. – Мана, мен бутун умр утириб ишлаб, орттирганим бавосир булди. Фақат ишладим! Сураб кур-чи, ҳаётда нима курдим – ҳеч нарса! Одамлар эса курашиш-ди, ҳеч булмаганда, ҳар хил қузғолонлар кутаришди, фуқаролар ва жаҳон урушларида қатнашишди. Ҳеч булмаганда, қаҳрамонларча ҳалок булишди. Мен эса ун уч ёшимдан мана шу ишга боғланиб, шу ерда утирдим-у, ҳамон ўтирибман, ҳадемай етмишни уриб қуяман. Мана шунақа, бардошимга балли. Энди, хуш, нима учун ишладим, деган савол туғилади. Пул ҳақида ҳеч қачон қайғурмаганман, мен унга тупурганман. Мендан катта одам ҳам чиқмади. Тез орада жабдукдузларнинг кера-ги ҳам булмай қолади. Ҳаёт менга нима учун берилган эди, деган савол туғилади.

– Болалар учун, – жиддий жавоб берди Марфа. Антип Марфанинг суҳбатни қувват-

лаб аралашишини кутмаган эди. Одатда, у бунақа гапларни қандайдир ғазабли луқма билан ярим белидан тепарди.

Антип жонланди.

– Бир томондан уйлаб қаралса, туғри, аммо иккинчи томондан – нотуғри.

– Қайси томондан нотуғри?

– Шу томонданки, фақат болалар учун яшамаслик керак. Одам узи учун ҳам яшаши керак.

– Хуш, узинг учун нималар қилмоқчи эдинг?

Антип бу саволга бирдан жавоб топа олмади.

– Нималар эмиш? Топардим нима қилишни... Масалан, мен мусиқачи булардим. Хув бирда шаҳардан бир одам келганди-ку, уша мени «туғма истеъдод, ёмби» деганди. Ёмби дегани эса – бир булак олтин, камёб нарса, мен шундай деб тушунаман. Ҳозир мен кимман? Оддий бир жабдуқдуз, балки менда бошқа бир...

– Бас қилсанг-чи!.. – Марфа қулини силтади. – Вайсайверма, галингдан одамни кунгли айнийди.

– Демак тушунмайсан, – хурсинди Антип.

Анча вақтгача жим қолишди. Бирдан Марфа ҳиққилаб йиғлай бошлади. Румолча билан куз ёшларини артиб, сунг:

– Болаларимиз бутун ер юзи буйлаб учиб кетишди.

– Нима, бир умр атрофингни ураб утиришлари керакмиди? – гап қотди Антип.

– Бас қил дуқиллатишни! – деди қўққисдан Марфа. – Кел, болаларимиз ҳақида гаплашиб утирамиз.

Антип мийиғида кулди, болғани қўйди.

– Ҳа, қарияпсан, Марфа, – деди у қувноқлик билан. – Хоҳлайсанми, сенга куй чалиб бераман, ғамингни ёзаман?

– Чал, – рози булди Марфа.

Антип туриб юз-қўлларини ювди, сочини текислаган булди...

– Янги куйлагимни олиб бер.

Марфа сандиқдан янги куйлак олиб берди. Антип куйлакни кийди, камар билан белини боғлади. Деворда осиглиқ турган балалайкани олиб, бурчакка бориб ўтирди-да, Марфага қаради...

– Концертимизни бошлаймиз!..

– Сен купам кучанма, – маслаҳат берган булди Марфа.

– Ҳозир бутун утиб кетган ёшлигимизни эслаймиз, – деди Антип мақтанганнамо бала-лайкани созлай туриб. – Эсингдами, илгари одамлар қандай қилиб бирга жур булиб дала-ларда куйлашарди?

– Албатта эслайман, нега эсламас экан-ман. Ҳар ҳолда, мен сендан ёшроқ булсам ке-рак.

– Қанчага? Уч ҳафталикдан купроқми?

– Уч ҳафта эмас, икки йилга. Мен у пайтда навнихолгина эдим, сен эса уша пайтда айғир булиб улоқиб юардинг.

Антип бу гапга кушилгандай кулиб қуйди.

– Ҳа, ҳақиқатан, мен ажойиб йнгит эдим. Ёдингдами қандай қилиб ортимдан илаки-шиб юардинг?

– Ким? Менми? Ё Худо!.. Ким эди, хув уша амаки улмагур бияларни қуйиб юборган кун-да боғчамизда иштонини ташлаб қочган, а ?..

– Иштон, дейлик майли меники булсин... – деди Антип балалайканинг охирги қулоғини бурай-бурай, кичкина бошчасини сал қий-шайтириб олиб торни черта бошларкан. Куй янгради. Илиққина ним қоронғи ёғоч уй-нинг сокин бушлиғига узоқ ёшликнинг ёруғ мусикаси қуйилди. У ёдга бошқа оқшомни – утиб кетган соғинч оқшомини соларди. Улар

яхши, ҳам ёмон кунларни эслашди, ҳаётдаги энг муҳим нарсалар ҳақида уйлашар экан, қайси бири энг муҳими эканини билишолмасди.

*Тикмагин онажон менга
Қизил куйлакни...*

Антип секингина Марфага қош учирди. Марфа ашулага қўшилди:

*Айбимни қадрдоним
Бекор билдириб қуйма...*

Унчалик журовозда айта олишмаётган булсалар-да, иккаласининг ҳам кунгли бирдан кутарилди, ҳузур қилдилар. Куз олдиларида унутилаёзган манзаралар гавдаланди. Гоҳ чул, гоҳ даре қирғоғи, гоҳо шивирлаётган теракзор, сал қоронғи, ваҳимали бўлиб урмон куринар, гоҳ... Ва кузларда нималардир ёқимли жимирлаб қуярди.

Ҳаммаси ғойиб булганди: куз ҳам, ёлғизлик ҳам, пул ҳам, хомут ҳам... Энди Антип шўх куйга утди ва майда қадамлар билан суяклари билиниб турган биқинларини уйнатиб, қувноқ ашула айта бошлади:

*Оҳ, вой, вой, во-я,
Войгиналарим менинг.
Келақолинг, сайр қилиб,
Уйнаб кулинг, жонларим...*

Антипнинг бу қувноқ ҳаракатлари кулгини қистар, у ҳар замон, ҳар замонда ғалати қилиб сакраб ҳам қуярди. Марфа кулиб юборди ва шу заҳоти румолчасини олиб кузларини артиб олди-да, яна кула бошлади.

– Вой Худойим-эй, бунча ирғишлайсан-а, томоша қилмаган ҳеч ким қолмаган-у, яна кунглини қаранг бун, ҳе...

Антип яшнаб кетганди. Кичкинагина ақлли кузларида шухчан ёруғлик зоҳир эди.

*Эҳ Марфагинам мени, эҳ Марфаойгинам.
Бекорга сен менга ғазаб қилмагин!*

– Эсингдами, Антип, қандай қилиб мени шаҳарга, ярмаркага олиб борганинг?

Антип бош ирғаб қуйди-да:

*Оҳ, эслайман, жоним,
Эслайман Марфагинам.
Оҳ, хо-хо-холарим,
Чучмомаю нухатим.*

– Бирам аҳмоқсан-эй, Антип, нималар деб валдираётганингни ўзинг ҳам билмайсан, – деди Марфа мулойим боқиб.

*Оҳ, Марфагинам, сен менга
Бутун халқнинг шодлиги...*

Марфа кулгидан йиқиляёзди, ва:

– Бирам аҳмоқсан-эй, Антип, – деди.

*Оҳ, у ерда, у ерда-я,
У ердаликларим мени!*

– Утир, бирорта қушиқни биргаликда куйлаймиз, – деди Марфа куз ёшларини арта туриб.

Антип сал ҳансирар... Марфага кулиб қарарди.

– Қалай? Сен булсанг, мени Антилим ёмон, дейсан-а?

– Ёмон эмассан, каллаварамсан, – тугрилади Марфа.

– Демак тушунмабсан, – деди Антип Марфанинг бу ҳақоратли тузатишига эътибор бермай. Утирди. – Ахир биз сен билан биласанми қандай яшашимиз мумкин эди! Юракни юракка бериб! Аммо хафа булмагин-у... сени мана бу падари қусур пул еб ташлади.

– Мени пуллар эмас, уларнинг йуқлиги еди.

– Бупти, қуй, керак эмас, тугатдик. Хуш, энди қанақасини хоҳлайдилар, хоним-хоним-ойим?

– Азамат Володка ҳақидагисини.

– Эй, қуй, у оғир-ку!

– Ҳечқиси йуқ. Мен ҳеч булмаса, озроқ
йиғлаб олармидим.

Ҳей чағалайлар, денгиз узра учмангиз,
куйлай бошлади Антип, –

*Қунарға жой қайда у ерда,
Узоқ Сибирь томон учингиз
Ва етказинг ғамгин хабарни.*

Антип худди ниманидир ҳикоя қилаёт-
гандай юракдан эзилиб куйларди.

*Оҳ, қоронғу тун соат ун иккида
Володка азаматни улдирдилар.
Эртасига ота кичик уғли ила...*

Марфа пиқиллаб йиғлай бошлади.

– Антип, ҳой, Антип! Кечир мени, сени
баъзида хафа қиламан, – деди йиғи аралаш.

– Ҳечқиси йуқ, – деди Антип. – Сен ҳам
мени кечир, агар бирор айбим бўлса.

– Сени купинча чалгани қўймайман...

– Ҳечқиси йуқ, – деди яна Антип. – Агар
мени уз эркимга қўйганингда, кечаю кундуз
балалайка чалиб ўтирардим-да. Ахир, бундай
яшаб ҳам булмасди-да. Мен ҳаммасини тушу-
наман.

– Хоҳлайсанми, сента чоракта олиб кела-
миз.

– Майли, – рози булди Антип. Марфа куз ёшларини артди-да, урнидан турди.

– Сен дуконга бориб кел, мен кечки овқатни тайёрлайман.

Антип брезент ёпинчиқни кийиб хона уртасида турар, Марфанинг сандиқдаги ҳар хил латта-лутталар орасидан пул олиб беришини кутарди. У тургани ҳолда, хотинининг кенг елкасига тикиларди.

– Биласанми, яна нима иш қилиш керак, – деди у секингина... – бу узи анча эскириб қолди, янгисини олиш керакмиди-ей. Кеча дуконга олиб келишди. Ажойиб! Кел, уни ҳам олайлик.

– Нимани? – Марфанинг елкаси қимир этмай қолганди.

– Балалайкани-да.

Марфа яна ғимирлай бошлади... Пулни олиб сандиқнинг устига утирди ва аста-секин санай бошлади. Лаблари қимирлар, қовоғи солиқ эди.

– Унингни ҳали чалса булади-ку, – деди у.

– Битта тахтачаси ёрилган, зириллаб қолган.

– Елимлаб қуй. Елим ол-да, эҳтиёт бўлиб елимла...

– Бу асбобни елим биланк ямаб буларканми? Худо кутарсин сени.

Марфа жим булиб қолди. Яна пулни санай бошлади. Унинг бутун важоҳати қатъиятли ва ташвишли эди.

– Ма, – Антипга пул узатди. Юзига эса қарамади.

– Фақат чоракталикками бу? – Антипнинг пастки лаби осилиб қолди.

– Ҳа-а!

– Ҳеч нарса қилмайди, ҳали уни чалсанг булади. Мана, бугун қандай ажойиб қилиб чалдинг!

– Эҳ, Марфа!... – Антип чуқур хурсинди.

– Нима, эҳ? Нима, эҳ?..

– Бупти, эсдан чиқардик, – Антип бурилиб эшик томонга юрди.

– Узи неча сум туради, унинг? – бирдан сураб қолди Марфа.

– И-и, ҳеч нарса турмайди, у арзимас чақа!.. Янги нархда олти сум.

– Ма, – Марфа зарда билан олти сум санаб берди.

Антип тез-тез юриб хотинининг ёнига келди, пулни олди ва чиқди, гаплашиш ёки секин ҳаракат қилиш хавfli эди. Марфа тез-да айниб қолиши мумкин эди-да.

СТЁПКА

Яна... ҳали балоғатга етмаган оққунгил, лоқайд, уйноқи қизалоққа ухшаб баҳор келди. Қишлоқнинг эгри-бугри кўчалари тиззагача лой. Одамлар четан деворларнинг қозиғидан ушлаб аранг юришади. Мабодо, бирон-бир гушт тайёрлов идорасида ишлайдиган тулароқ амаки келиб шу қозиқлардан ушлаб юргудай бўлса, қозиқ қулида қолади. Чунки бу идоранинг ҳамма ходимларининг юзлари кузадай қизғиш ва мовийрангда бўлишади. Ҳовли эгалари эса дунёдаги бор лаънатларни уларнинг ортидан ёғдирадилар.

– Сен текинхурлар, этигивгни ифлос қилишга ачинаслар-у, мен ҳар баҳорда ортларингдан четан деворни тузатиб юришим керакми?!

– Агар четанингга ачинсанг, тош ётқизгин эди кучангга.

– Нима, қулингга куйдирги чиққанми? Узинг ётқиз.

– ...Кунам хураверма. Шунчалик ақлли-мисан?

Тунлари эса даладаги майин қор эрий бошлаганди. Ариқ ёқасида қатор усаётган

терақлардан эса ниманидир жаранглаб ёрилган товуши эшитиларди. Дарёда муз кўчарди. Кундузи катта муз булаклари қуёшда ярақлаб, силлиқ катта қорни билан тош қирғоқларни ғижирлатиб олдга силжир, дарё ўзанларида эса муз булаклари қирғоққа чиқиб қолган майда тошчаларни сидирар ва яна қаергадир оқиб кетишар эди. Ўйноқи нам шамол бош узра айланаверарди. Ҳавони уткир гунг ҳиди тутганди.

Кечқурун, уйқу олдидан одамлар меҳрибонроқ бўлиб қолишарди. Ҳовлиларда уч оёқли чуян қозонлардан буғ чиқарди. Қуриган ўтинлар чарсиллар, олов ўйноқлаб ёнарди. Бир кун шундай утди. Керак бўлмаган суҳбат ярим чираниш билан давом этар, эртага яна кун бор, яна ўша, унча зарур бўлмаган гаплар айтилади. Ҳозирча эса дам олиш, чекиш мумкин, тақдирдан нолишнинг ҳам пайтидир балки, ўйлаб кўрилса, эртага нима бўлиши Худога аён; балки ҳаёт – тақдир бошқачароқ, биров яхшироқ булар?.. Умуман олганда, шундоқ утаверса ҳам майлийди.

Шундай ўйчан оқшомларнинг бирида Степан Воеводин далани четлаб, қадрдон қишлоғига қайтиб келди. У қишлоққа ҳовлилар камроқ бўлган томондан кириб келди,

кун буйи офтоб қиздирган тепаликка чиқиб
утириб олди-да, уф тортди. Қуринишидан
жуда кўп йўл кезган, ўлғудек толиққан эди.
У жимгина ўтириб, зийраклик билан атроф-
ни кузатди-да, ўрнидан туриб қишлоққа йўл
олди.

Нимёруғ устахонада қиринди ҳиди ан-
қирди. Ермолай Воеводин устахонада арава-
ча ясарди. У минғирлар, рандаси тахтадаги
кузга тегиб тақалиб қолса, одатига кўра му-
лойим сукиниб қўярди.

...Шунда тўсатдан остонада ўғли – Степан
пайдо бўлди.

– Салом, ота.

Ермолай бошини кутарди, ўғлига узоқ
тикилди... Кейин бурун қокди, хотинларга
ўхшатиб қўйлагининг этаги билан бурнини
артди ва ўғлига диққат билан тикилиб қолди.

– Стёпка, бу сенмисан?

– Ҳа... Нима, танимадингми?

– Худди!.. Буни қара... Мен уйлабманки...
Қураяман.

Степан бужмайган юк халтани осто-
нага қўйиб, отасига яқин келди. Иккиси
қучоқлашиб, ўпишиб қуришишди.

– Келдингми?

– Келдим.

– Сал эртароқми?.. Биз кузда келасан, деб уйлаган эдик.

– Ишимни тугатдим... Эртароқ қуйиб юборди.

– Эҳ, буни қара-я!.. – Ота уғлини кураётганидан қувонарди. Аммо, шошганидан нима қилишни билолмасди.

– Ҳалиги, Бурибосар ҳалиям тирик.

– Йўғ-эй? – ҳайрон бўлди Степан. У ҳам нима қилишни билмас, отасини куриб турганидан хурсанд эди. – Қаерда у?

– Қаерлардадир санғиб юргандир. Утган шанба кунни хотинлар чойшабларини қуритиш учун илиб қуйишса, ҳаммасини ғажиб, булғаб ташлабди. Уйноқилабди, итдан тарқаган.

– Ҳа, уйноқи у, бемаза.

– Отиб ташламоқчи эдим, сени уйлаб индамадим.

Мосламага ўтиришди, тамаки тутатишди.

– Ҳамма соғ-саломатми? – суради Степан.

– Ҳа, юришибди. Хуш, нима қилдинг?

– Шу, ишладик.

– Шахтада ишлаган бўлсанг керак?

– Йўқ, нега энди, урмонда дарахт кесдик.

– Ҳа-а, хуш, майли, – Ермолай бошини қимирлатиб маъқуллади. – Ақлинг жойига келгандир?

– Ҳе-е... – Степаннинг афти буришди. – Гап бунда эмас-ку, ота.

– Менга қара, Стёпка... – Ермолай тамакидан сарғайган қийшиқ бармоқлари билан пулиса қилди. – Тушундингми, энди қулингга эрк бераверма, керак эмас. Вақтини топибсанлар тепалашишни, шайтонваччалар. Энди унақа қилма.

– Гап бунда эмас-ку, – деди яна Стёпа.

Бостирмахонага қоронғи тушди. Ҳамон пайраха ва қипиқнинг ҳиди анқиб турарди. Стёпа мосламадан турди, папирос қолдигини оёғи билан эзғилаб ташлади.

– Уйга кирдик, куриниш берайлик.

– Соқов қизимиз эса... – Ермолай урнидан тураркан гап бошлади, – сал қолди куёвга чиқишига.

У қандайдир бир муҳим янгилик айтиб бергиси келарди-ю, мавридини тола олмаётгандек эди.

– Йуғ-э? –ҳайрон қолди Стёпа.

– Ҳам кулгинг келади, ҳам йиғлагинг.

Омбордан чиқаётиб отаси ҳикоясини бошлади:

– Бир марта клубдан келди-да, менга «м-м-м»лаб қолди, куёвни бошлаб келаман деб. Мен унга ҳозир сента шунақанги куёвни

курсатиб қўяманки, бир ҳафтагача утира олмайдиган булиб қоласан, дедим.

– Балки, бекор қилгандирсан-а?

– Нега энди бекорга экан? Бекорга... Бирортаси алдамоқчи бўлган, унга енгилроқ пўписа қилиб қўйдим. Қайси аҳмоққа керак шу ҳолида. Мен унга шунақанги куёвни курсатаманки, дедим...

– Куёвни куриш керакмиди-и. Балки ростдан ҳам...

Шу пайт уйдан «келин»нинг узи чиқиб қолди, йигирма беш ёшлардаги гавдали қиз. Акасини курди-ю, қўлларини силкитиб қувонч билан «м-м-м»лади. Унинг кум-кук гулдай кузлари ёшланиб ишонч билан қарарди. У бусағада турганча баланддан ластга тикилиб, акасининг яқинроқ келишини кутиб турарди. Шу дақиқада у шунчалик хурсанд эдики, эркакларнинг ҳам кузидан ёш чиқиб кетди.

– Мана сенга ми-ми, – деди ота зарда билан ва кафтлари билан кузларини артди. – Сени кутди, ҳар куни неча кун қолганини деворга белгилаб чиқарди, – изох берди у Степанга. – Аҳмоқ, ҳаммамизни яхши куради.

Степан сал хумрайиб зинадан кутарилди, қовушмайроқ сингисини бағрига босди-

да, елкасига қоқиб қўйди. У акасини маҳкам қучоқлаб олганича юзи, пешонаси, ёноқларидан тинмай ула бошлади.

– Булди бас, – Степан синглизининг қучоғидан чиқишга уринар, у эса Степанга маҳкам ёпишиб олганди. У бир томондан синглизининг маҳкам қулларидан, упичларидан қутула олмаётганидан унғайсизланса, бошқа томондан бундан хурсанд ҳам буларди.

– Буни қара, – унғайсизланиб ғулдирарди у, – булди, бас қил... булди етади.

– Қуявер, индама, – деди ота куз ёшини арта туриб, – курмаяпсанми, соғинган.

Ниҳоят, Степан синглизининг қучоғидан бушалиб, унга қувонч билан тикилди.

– Хуш, ишлар қандай? – суради у.

Синглизини қуллари билан «яхши», дея ишора қилди.

– Унга ҳаминча яхши, – деди отаси зинадан чиқаётиб. – Юр, онангни ҳам хурсанд қилайлик.

Онаси йиғлади, қувонди:

– Худога шукр, Худодан айланай, охири менинг оху зорим, дуоларим сенга етиб борибди...

Ҳамма негадир ўзини йуқотиб қўйгандай эди.

– Онаси, сен қувонсанг ҳам, ҳафа булсанг ҳам бирдек, тушуниб булмайди. – танбех бергандек булди Ермолай. – Нега бунча каловланасан? Мана, келди-ку, қувониш керак-да, ахир.

– Қувонаяпман-ку, нима, ё қувонмаяпманми?..

– Булди-да, йиғлама унда.

– Соғлиғинг яхшими, уғлим? – суради онаси. – Ёки мазанг булмай эртароқ қуйиб юборишдими, а?..

– Э, йуқ ҳаммаси жойида. Утаб булдим ҳаммасини, кейин қуйиб юборишди.

Бирин-кетин қариндош-уруғ, қушнилар кела бошлашди. Энг биринчи булиб қушниси кулча юзли, мулойим, силлиқ жувон Нюра Агапова кириб келди. Остонадан утибоқ ҳовлиқиб, қувончи ичига сиғмай сузларди.

– Бундоқ ойнадан қарасам, вой Худойим-эй, Стёпка келганга ўхшайдими?! Ростдан ҳам Степан...

Степан унга жилмайиб қаради.

– Салом, Нюра.

Нюра тафтли қуллари билан қучоқлаб, беваларга хос очиққан лабларини чиройли қушнисининг тамаки ҳиди анқиб турган, сул томони ёрилган лабларига босди.

- Сендан печканинг ҳовури келади-я, - деди Степан. - Эрга тегдингми, ўзи?

- Мени оладиган эркак қани? Бутун бошли қишлоқда икки яримта эркак бўлса.

- Нима, сенга бештаси керакми?

- Балки, мен сени кутгандирман! - шарақлаб кулди Нюра.

- Ҳой, шайтон кутарсин сени, Нюра! - гаши келди онасининг. - Купам бу ерда уралашаверма, бошқалар билан ҳам гаплашишга қуй... Жудаям зиқ булиб кетгандирсан, ўғлим?

- Э, йуқ, - суз бошлади Степан, - у ерда ҳаммаси яхши. Масалан, мен бу ерда ойда бир кино курардим, туғрими? У ерда эса ҳафтасига икки марта. Агар хоҳласам «қизил бурчак»ка бораман, у ерда менга «Совет кишисининг виждони ва шарафи» ёки «Ишчи синфининг капиталист мамлакатлардаги аҳволи» ҳақида маъруза ўқиб беришлари мумкин.

- Нима, сизларни у ерга кино кургани туплашганмиди? - қувноқлик билан суради Нюра.

- Нега энди?.. Фақат кино кургани эмас-ку, албатта.

- Тарбиялашган... шу йул билан, - гапга суқилди отаси. - Аҳмоқона мияларини туғрилашган.

– Куп ажойиб инсонлар бор эди у ерда, – давом этди Степан. – Шундоқ азаматлар бор эдики... Яна зур маълумотли одамлар ҳам бор. Масалан, бизнинг бригадамизда иккита муҳандис бор эди...

– Уларни нима учун қамашган?

– Биттасини фабрикадаги қандайдир фалокат учун, иккинчисини тепалашгани учун, кимнидир бошига шиша билан туширган.

– Балки инженерман деб алдагандир? – ишонқирамайроқ суради отаси.

– У ерда ёлғон гапириб бўлмайди. У ерда ҳамма бир-бири ҳақида ҳамма нарсани билади.

– Еб-ичишинг қандай эди? – суради онаси.

– Яхши, деярли ҳамма нарса етарли. Ёмонмас.

Яна одамлар кела бошлашди. Степаннинг уртоқлари келишди. Воснодинларнинг торроқ ёғоч уйи торлик қила бошлади. Степан қайта-қайта ҳикоя қиларди:

– Э, йуқ, умуман олганда, у ерда ҳамма нарса яхши эди! Сизлар бу ерда куп кино курасизларми? Биз эса ҳафтасига икки марта. Сизларга артистлар келадими? Бизларда эса, у ерда тинимсиз келишарди. Овқат ҳам етарли эди... Бир марта эса, ҳатто

кузбойлагич ҳам келган. Сув тула стаканни шундай олади-ю...

Одамлар Степаннинг айтаётганларини завқ ва бироз ҳайрат билан эшитишар, «ҳм», «қара-я», деб қўйишар, ўзлари ҳам нималарнидир дегилари келарди-ю, аммо яна бошқа бирортаси савол ташлар ва Степан яна қайтадан гапириб бера бошларди. Узоқ кутилган бу учрашувдан, суроқлар ва ўзи сузлаб бераётган гаплардан хиёл боши айланибми, гоҳо ўзидан ҳам у-бу нарсаларни қушиб-чатиб гапира бошлаганини сезмасди.

– Қуриқлаш масаласи-чи, қаттиқдир-а?

– Э, унчалик эмас! Кейинги пайтларда бизларни хужаликка ишга олиб боришарди, у ерда деярли ёлғиз ўзимиз қолардик.

– Қочишмасмиди?

– Баъзан. Қочгандан маъно йўқ.

– Айтишларича, агар кимдир айбдор бўлса тошўрага қамаб қўйишаркан.

– Карцерга. Бу камдан-кам ҳолатда бўлади. Агар жудаям қаттиқ айб иш қилсанг. Ашаддийларни, бизларга эса тегишмасди.

– Олғиру уғрилар роса йиғилган бўлса керак у ерда! – хитоб қилди соддароқ бир йигит. – Бир-бирини тунашлар, уғрилиқ бўлса керак?

Степан кулди. Унга қушилиб бошқалар ҳам кулган бўлсалар-да, Степанга қизиқиб қарашди.

– Бунақа нарсалар у ерда жуда қаттиқ назорат қилинади, – тушунтирди Степан.

– Бирор-бир киши унақа иш қиладиган бўлса, дарҳол жойига тикиб қуйишади.

Шу вақтнинг ичида онаси ва гунг қиз тезда ҳаммомни қиздиришди, отаси эса дуконга чиқиб келди... Кимдир латтага уралган сало олиб келди, кимдир кеча пиширилгандан қолган буғирсоқ, кимдир идишда «асал пиво» келтирди... Байрам қуққисдан юз берганлиги сабабли уй эгалари тайёргарлик курмаган эдилар. Байрам столига кеч қоронғида ўтиришди. Аста-секин шодиёна қизий бошлади. Ҳамма бир-бирининг сузини булиб, бараварига гапира бошлашар, кулишарди... Степан столнинг турида утирар, гоҳ чап, гоҳ унг томонига бурилиб яна гапирмоқчи булар, лекин энди унинг сузларини эътиборсиз тинглардилар. У ҳам энди унчалик чираниб гапиришга ҳаракат қилмасди. У одамлар қувониб ўтиришганидан хурсанд булар ва уларнинг йиғилиб ўтиришганининг сабабчиси ўзи эканлигидан мамнун эди. У энди йиғилганларга янаям яхши булиши, улар-

нинг уйнаб-кулиб ўтиришлари учун уша томонлардан урганиб келган қўшиқлардан бирини куйлай бошлади:

*Онажон, кечиргин мени,
Қилган барча қилиқларим учун.
Сузларингга қулақ солмаганди-им...*

Йиғилганлар бир зум жим бўлиб қолишди, Степанни одамларга бўлган меҳр ва муҳаббат туйғулари чулғаб олган, кайфи ҳам ошиб қолганди. «Қамоқхона – бу ҳазил деб уйлагандим. Ҳазил деб мен узимни хароб қилдим», дея куйларди Степан. Ашула уларга ёқмади – айбдорлик тавба-тазаррусини ёқлашмади, уларга унчалик таъсирли туюлмади.

– Чапанича ашула! – дея ҳаяжон билан тунтирган бўлди бояги содда, турмадагиларнинг ҳаммаси уғрилар, деган йигит. – Жим бул ҳамманг!

– Уғлим, у ерда ҳам қамалган аёллар купми? – дея суради столнинг нариги чеккасида утирган онаси.

– Етарли.

Шундан кейин у ерда утирган аёлларга осон эмаслиги ҳақида қизгин гурунг бошланди.

– Болаларини ташлаб кетишгандир, ҳой-наҳой?

– Болалар – етимхоналарга...

– Агар мен булганимда, аёлларни қамамаган булардим! – деди кайфи ошиб қолган бир эркак. – Мен уларнинг бошини ураб ташлардим-да, қайиш билан савалардим!

– Фойдаси йуқ, – баҳслашди у билан Ермолай. – Агар сен уни саваласанг, биласанми – у баттар ғазабланади. – Мен узимникини ҳув ёшлигидаёқ тарбиялаб олганман, бир-икки марта нўхта билан тушириб, у эса менга жаҳл қилиб гунг қиз туғиб берган.

Кимдир қушиқ айта бошлади:

*Булган эди мени отам туғма деҳқон
Мен эса у билан бирга ишла-ардим...*

Қушиққа бошқалар ҳам қушилишди. Бошида улар қушиқни пала-партиш бошлаб, аста-секин овозларини бир оҳангга туғрилаб олишди.

*...Уч кечаю уч кун ҳаракат қилиб,
Синглимни асираликдан қутқаздим...*

Ашулани ички завқ билан столга тикилганча, жиддий куйлашарди.

Ёсуман отди ёйсимон уқни,
Гузал синглимни ўлдирди.
Мен баланд тоғдан чиққандим,
Она қишлоғимни томоша қилгани
Ёнмоқда, ёнмоқда она қишлоғим,
Бутун она юрт ёнмоқда!..

Степан қулларини стол қиррасига маҳкам тиради.

– Сен мени яхши кўрмайсан, раҳминг келмайди! – деди қаттиқ овоз билан. – Мен эса сизларни, қирриқ шайтонлар, ҳурмат қиламан. Сизларни жуда соғиндим.

Тамаки тутуни қоплаган даҳлиздан гармон овози янгради, фаросатли кимдир гармончини етаклаб келганди. Қийқириб юборишди... Қўшиқ тугади. Стол атрофидагилар уртага тушиб куй оҳангига мослашиб олишга ҳаракат қилишар, оёқларини иложи борица полга қаттиқроқ уришга уннаб, рақсга тушишарди. Хотинлар айлана ҳосил қилиб, лапар айтишарди. Гунг қиз ҳам румолчасини боши узра силкитиб даврада айланарди. Ҳамма уни бармоғи билан имлаб курсатиб куларди. Қизнинг ўзи ҳам кулар, у жудаям хурсанд эди.

– Верка! Вера! – қичқирарди ичиб олган ширакайф қилтириқ эркак.

– Сен яхшиси бизга қушиқ айтиб берсангчи, нега ўзингдан-ўзинг айланаверасан! – Уни ҳеч ким эшитмас, узининг қилиғи, ҳазилидан ўзи йиқилгудай бўлиб куларди.

Степаннинг онаси эса кексароқ бир аёл билан суҳбат қуларди:

– Шуйтиб менга энкайиб турибди. – Она-жон-н, юрагим орқага тортиб кетса денг. Мен аранг бошимни кутардим-да, сурадим: «яхшиликками ё ёмонликка?» У эса нақ қулоғимнинг олдиға келиб яхшиликка, деб шипшиди.

Кекса аёл бошини сарак-сарак қилди.

– Яхшиликками ё?

– Яхшиликка, яхшиликка, аниқ қилиб яхшиликка деди.

– Каромат қилган.

– Каромат, каромат. Мен яна оқшом уйлагандим қушним айтган «бу қандай яхшиликка экан» деб. Шундай деб уйлаб утиргандим, эшик очилди, қарасам у, унинг ўзи остонада турибди.

– Ё Тангрим, ё Тангрим, – шивирлади кекса аёл ва румолининг учи билан нам бўлган кузларини артди. – Буни қаранг-а! Хотинлар Ермолайни давраға тортдилар. У узоқ уйлаб утирмасдан бир оёғи билан ликиллаб, ик-

кинчисининг пошнасини туқиллатиб полга урар ва «оппа-хоп, хоппа-хоп»ларди. Тапиллатаверди, тапиллатаверди. Шкафдаги идиш-товоқ ҳам шарақларди.

– Ҳа, қани-и, Ермил! – қичқирардилар Ермолайга. – Бугун сеникида байрам, қани бир битингни тук-чи, қимирла!

– Оппа, хоппа! – хайқирарди Ермолай. Аммо унинг қирқ йиллик дурадгорлик столи ёнида ишлагандан қотиб қолган елкаси эгилмас, шундаям сал букчайиб уйнайверди, катта паншахадай қўллари эса икки ёнида осилганча турарди. Ермолай хурсанд эди, узининг барча ғам-андуҳларини унутган бу кунни сал кам беш йил кутганди. Даврада унинг ёнига Степан суқилиб кирди-да, оёқларини ноте-кис тупирлата бошлади.

– Ҳа-а, ота...

– Ҳа, қани, ота- ўғил! Қимирланглар.

– Степан узини унчалик олдирмабди, сакрайман дейди-я.

– Айтди-ку, ахир: у ерда ҳаммаси яхши эди деб. Овқат етарли булган...

– Беришади, оласан?.. Етиб олишади-да, яна беришади.

– Ҳа-а, оппа, хоппа! – Қичқирарди Ермолай ўғлига тенглашиб олишга ҳаракат қилиб.

Иккаласи ҳам рақсга тушишни яхши билмас, аммо тинмасдан оёқларини қимирлатар, ҳаракат қилишарди. Бу эса одамларга ёқар ва уларга қизиқиб қарашарди.

Шундай уйин-кулги давом этаётган дамда уйда участка нозири қандай пайдо бўлганини ҳеч ким эслолмади. Фақат қандай қилиб у Степаннинг олдига келгани-ю, қулоғига секингина нимадир деганини куришди. Степан у билан кучага чиқиб кетди. Ёғоч уйда эса уйин-кулги давом этарди; қондаси шундай бўлса керак деб уйлашди, Степан таянч пунктига боради-ю, у ерда ҳар хил қоғозларни расмийлаштирса керак, деб ҳисоблашди. Фақатгина гунг қиз нимадандир хавотирлангандай овоз чиқариб, отасини тортқилай бошлади. Отаси кайф билан қизини силтади.

– Наригур, ҳе, сени! Бор ана, уйна.

Дарвозадан чиқишди. Тухтадилар.

– Менга қара, нима, сен эсингни еганми-сан, йигит? – суради ҳудуд участка нозири Степаннинг юзига тикилиб қараб.

Степан дарвоза устунига суяниб турганча, заҳарханда кулди.

– Муъжиза, ажойиб-а? Ҳечқиси йук.

– Муддатингга атиги уч ойгина қолганди-ку?

– Сендан яхши биламан... Чекишдан бер.
Нозир унга папирос узатди, узи ҳам чекди.

– Кетдикми?

– Кетдик.

– Балки, уйингдагиларга билдириб қуясан? Яна ҳовлиқиб юришмасин.

– Бугун айтишнинг кераги йўқ, майли, уйнаб кулаверишсин. Эртага айтарсан.

– Уч ой қолганда чидай олмаслик ва қочиш!.. Кечирасан-ку, жуда қўп ҳодисаларни курганман, аммо сендақанги аҳмоқни курмаганман. Нега бундай қилдинг?

Степан қўлларини шимининг чунтагига тикиб одим ташларкан, ғира-ширада таниш уй, дарвоза ва бостирмаларга назар ташлаб борарди. Болаликдан таниш баҳорнинг аччиқ совуқ буйини симирар ва уйчан қўларди.

– А?

– Нима?

– Нега бунақа қилдинг?

– Қочганимми? Шундай, бир куриб томоша қилиб қайтай дедим-да. Соғиниб кетгандим.

– Ахир, бор-йўғи уч ой қолганди-ку? – дегарли қичқириб юборди нозир. – Мана, энди бир жуфт йил қўшиб беришади.

– Ҳечқиси йўқ... Мен энди анча ўзимга келиб, қувватландим. Энди утириш мумкин. Аслида мени тушларим қийнаб юборганди. Биласанми, ҳар куни тушимга қишлоғим кирарди... Баҳор бизда бошқача кечади, туғрими?

– Ҳа, – деди нозир уйланиб.

Улар қишлоқ кенгашига етиб келгунча узоқ жим қолишди.

– Қандай қилиб қочдинг-а?! Бир ўзингми?

– Уч киши.

Улар қаерда?

– Билмайман. Бизлар дарҳол битта-битта булиб тарқалгандик.

– Ҳуш, етиб келгунча қанча вақтинг ўтди?

– Икки ҳафта.

– Тфу! Ҳей, шайтон кутарсин сени, утирасан энди.

Қишлоқ кенгашида участка нозири баён-нома тузиш учун ўтирди. Степан хаёл сурганча деразага қараб ўтирар, кайфи ҳам тарқаб кетганди.

– Куролинг йўқми? – суради нозир баён-нома тузишдан чалғиб.

– Умримда унақа бўлмағур нарсани кутариб юрмаганман.

– Йулда нима едиларинг.

– Улар эҳтиёт шарт захира олишган экан.

– Уларнинг муддатига қанча қолганди?

– Анча куп...

– Хуп, уларнинг қочишида маъни бор дейлик, аммо сени нима жин урди?

– Булди, бас, жонга тегдинг! – жаҳли чиқди Степаннинг. – Уз ишингни билиб қилаверсанг-чи? Мен сенга халақит бераётганим йуқ-ку.

Нозир бошини лиқиллатди ва яна қоғозга эгилди.

– Ростини айтсам, менга қўнғироқ қилишганда ишонмадим. Бу қандайдир хато булса керак, бунақанги аҳмоқлар дунёда учрамаса керак деб уйладим. Қарасам, ростдан ҳам бор экан, – деди у.

Степан ҳануз деразага тикилганча нималарнидир уйлаб ўтирарди.

– Анови иккиси устингдан мириқиб кулган бўлишса керак? – чидолмай яна гап қушди сузамол нозир.

Степан қулоқ қоқмади.

Нозир анча вақт унинг юзига қизиқсиниб тикилиб турди-да, гапга тушди.

– Афтингга қараган одам сени аҳмоқ демайди, – деди-да, яна баённомани тулдиришга тушди.

Шу пайт хонага гунг қиз кириб келди. Бўсағада серрайиб туриб қолди-да, қурқув

тула кузлари билан гоҳ нозирга, гоҳ акасига куз югуртирди.

– Мэ-э-и? – суради акасидан.

Степан узини йуқотиб қуйди.

– Сен нега бу ерга келдинг?

– Ми-м-м? – миммимлади синглиси қули билан нозирни курсатиб.

– Бу ким? Синглингми? – суради нозир.

– Ҳм.

Гунг қиз столга яқин келди-да, нозирнинг елкасидан ушлаб, қуллари билан акасини курсатиб, «сен нега уни бу ерга олиб келдинг» ишорасини қилиб суроқлашга тушди.

Нозир тушунди.

– У... у... – Степанни курсатиб. – Қамокдан қочган. Қочган! Мана шунақа...

Нозир дераза томон бармоғини нуқиб, унинг қамокдан қандай қочганлигини тушунтирди.

– Бамаъни одамлар эшикдан киришади, у эса деразадан сакраб қочган. Энди унга... Нозир қизга бармоқларини панжара қилиб курсатди-да, Степанга ишора қилди. – Энди яна шунақанги бўлади. Икки йил!

Сунг икки бармоғини курсатиб, жаҳл билан силкитди.

– Яна икки йил!

Гунг қиз тушунди. Қачонки, ҳаммасини тушуниб булгач, унинг қўрқув тула кум-кук кўзлари изтиробдан чарақлаб, оғриқли ҳистуйғуни ифодаладикки, нозир тахта бўлиб қолганди. Гунг акасига тикилар, у эса юзи оқариб, синглисига қотиб қараб турар эди.

– Мана энди сен бу каллаварамга тушунтир, мияси бутун одамлар бунақа ишни қилишмайди деб...

Гунг қиз ғалати қилиб қичқириб юбордида, Степанга отилди, унинг буйнидан маҳкам қучоқлаб, осилиб олди.

– Йўқот буни, – хириллаб деди Степан нозирга. – Йўқот!..

– Қандай қилиб ажратаман?..

– Ол деяпман, аблаҳ! – бақирди Степан узиникига ухшамаган овоз билан. – Олиб кет уни! Булмаса, ҳозир курси билан бошингни ёраман!

Нозир ўрнидан сакраб туриб, гунгни акаси-дан ажрата бошлади... У эса акасига қараб интилар ва мим-мимлаб, бошини силкитар эди.

– Унга айт, мен ёлғон гапирдим де, ҳазиллашгандим де. Йўқот уни!

– Э, жин урсин сизларни! Сизлар билан овора бўлиб... – сукинарди у гунгни эшик томон судрар экан.

– Ҳозир мен сизларга у билан хайрлашиш учун фурсат бераман, – дер эди нозир гунгни эшикдан итариб чиқаришга тиришиб. – У ҳозир келади!.. Ниҳоят у қизни эшикдан итариб чиқаришга муваффақ бўлди-да: «Кучини қаранг буни», – деди эшикни илгак билан маҳкамларкан.

– Уф-ф. Қараб қуй, нима ишлар қилиб қуйганингни, томоша қил энди.

Степан қуллари билан бошини маҳкам чангаллаб бир нуқтага тикилиб утирарди, нозир чала тулдирилган баённомани дала халтасига солиб қуйди-да, телефонга яқин келди.

– Машина чақираман, туманга борамиз, эжин урсин сизларни, қанақа ношуд одамсизлар, эй...

Урта кучадан эса қоқилиб-суқилиб, боровози билан йиғлаб гунг қиз кетиб борарди.

ЯШАГИНГ КЕЛАДИ

Қирдай яланглик. Ялангликда эса ёғоч уйча. Уйча ҳам эмас, ун уч-ун тўрт қатор ёғочни арчиб қурилган, омборга ухшаган бир деразали, даҳлизи йуқ, томи ҳам йуқ бир кулбача. Тайгада кимлардир утган замонларда қурган булишса керак.

Уч-тўртта болтакаш уста баҳорда ҳаво ноқулай бўлган кунлари бир ҳафтанинг ичида тикроқ устан дарахтларни йиқитиб қуришган шекилли. Яқин ўртада лой ҳам, тошлар ҳам етарлича тиқилиб ётганидан «тош печка»ни ҳам ясаб, мўрисини тепага чиқариб қуйишган, тахтадан супача ҳам ясашиб, маза қилиб яшайверишган!

Қишда мана шундай уйчага кирсанг, яшаш завқи сезилмайди! Деворлардан шифтга қадар, бурчакларда, кафт қалинлигидаги тахта гардон, намиққан дуд хиди анқирди. Мана «тош печка»да чарсиллаб ўтин ёна бошлади. Эриётган лойдан қуюқ ачимсиқ хид анқиди; деворларда томчилар лайдо бўлди. Атрофни димоғни ачитувчи хид тутиб кетди. Яхшиси «тош печ»га ўтинни тулдириб ёқиб, яна ўтин йиғиб келгунингга қадар

кучага чиқиб кетиш лозим... Ярим соатлардан кейин уйча ичи иссиққина булиб, ҳавоси енгиллашади. Калта пустинни ечиб ташлаб, яна печга тулдириб ўтин қалашинг мумкин. Деворлардан сал ҳовур кутарилади, «тош печ»дан иссиқ таралади. Одамни хурсандчилик ва ёқимли ҳаловат чулғайди. «Оҳ, оҳ, бу роҳат» дегинг келади. Мана шунақа. Энди деярли ҳамма нарса қуриган, аммо ётоқ тахталар ҳозирча совуқ эди. Ҳечқиси йуқ, ҳозирча у ерга калта пустинни ташлаб, бошинг остига юк халтани қуйиб, оёқни печга узатиб ётсанг бўлади. Ва мудрай бошлайсан, мадоринг қуригандай. Урнингдан туриб яна утин солишга эринасан. Аммо, керак. «Тош печ» ичи қурга лик тула. Ёулачалар худди қуруқ қайиндай бирданига ут олади. Шундоқ печнинг ёнида тункача. Унга утирганча тамаки тутатиб, хаёл суришинг мумкин. Ёлғиз бўлганингда яхши уй сурасан. Қоронғи. «Тош печ» ёриқларидан ёруғлик кўринади; ёруғлик полда, деворларда ва шифтда ўйноқлаб акс этади. Хаёлга эса нималар келмайди дейсан! Бирдан хаёлингга отанг сени қандай қилиб биринчи марта отга миндиргани, «Маҳкам ушла, шайтонқачча», деб отга қамчи ургани, узи эса кулгани ёдга тушади. Онаси

ҳам кулади. Бу пичан уримида юз берганди. Ёки булмасам қандай қилиб биринчи марта қизни кузатганинг. Ёнида кетаянсан-у, худди аҳмоқдай миқ этмайсан... Утирибсан-у, узингдан-узинг мийиғингда кулаётганингни узинг сезмайсан. Жин урсин, ажойиб-а. Анча исиб қолди, энди чой ҳам дамлаш мумкин, кукидан, қайноққина. Гиёҳлар ҳиди ёзни эслатади. ...Қария Никитич мана шундай «тош печ» ёнида утириб трубкасини чекарди. Уйча жуда иссиқ эди. Ташқарида эса чирсиллаган совуқ. Никитичнинг вужуди роҳатланарди. У ёшлигидан тайгани кезар – тирикчилик қиларди. Олмаҳон овлар, баъзида эса дайди айиқни йиқитиб оларди. Шу мақсадда калта пустинининг чап чунтагида доимо беш-олтита махсус уқ олиб юрарди. Тайгани севарди, айниқса, қишда. Шунчалик сокин эдики, озроқ ваҳимали ҳам. Ёлғизлик билинмасди, эркинлик жуш урарди. Никитич ғимирлаб атрофга боқди, билардики, бу оқлик салтанатида унинг бир узи хужайин. Никитич чекиб утирарди. Ташқарида чанғининг ғижирлаган товуши эшитилди-ю, кейин жимлик чукди. Бўсагадан кимдир муралагандай булди, эшикни икки марта ҳасса билан тақиллатди.

– Бирор кимса борми?

Овоз ёш, узоқ вақт гапирмаганидан совуқдан хирқираб чиқди, одам ўзи билан ўзи гаплаша олмасди. «Овчи эмас», англади Никитич. Овчи сураб утирмайди, шундоқ кириб келаверади.

– Бор!

У киши эшик орқасида чанғиларни ечиб, уларни деворга суяб қўйди, бўсағадаги зина ғичирлади. Эшик қия очилиб, совуқнинг оппоқ ҳовурида баланд бўйли, белини боғлаб олган, пахтали шим кийган, эски аскар телпагидаги йигит куринди.

– Ким бор бу ерда?

– Одам, – Никитич пайраҳани ёндириб, боши ўзра кутарди.

Анча вақт бир-бирларига жим қараб туришди.

– Нима, бир узингми?

– Бир узим.

Йигит «тош печ»га яқин келди, қулқопини ечиб қултиғига тикди, қулларини печга тутди.

– Совуқни қара-я, жин урсин...

– Совуқ. – Никитич йигитнинг қуролсиз эканини энди сездди. – Йўқ, овчи эмас. Ухшамайди. Юзидан ҳам, кийимидан ҳам. – Март, у ўз ишини қилади.

– Қанақа март? Апрель-ку, ахир.

– Бу – янгичасига. Эскичасига эса – март. Бизда мақол бор: «Мартда эгнинг икки қават булсин», деган. Енгил кийинибсан, – қуроли йуқлиги хақида сурамади Никитич.

– Ҳечқиси йуқ – деди йигит. – Бир узингми?

– Бир узим. Сен буни боя суровдинг.

Йигит ҳеч нарса демади.

– Утир, ҳозир чой қуяман.

– Озроқ исиниб олай... Йигитнинг шеваси маҳаллий «русалик» эди. Қариянинг қизиқиши ортди-ю, лекин асрлар давомида шаклланган одат буйича қизиқишини босиб, саволлар беришдан узини тийиб турди.

Йигит қўлларини нситиб олгач, папирос чека бошлади.

– Яхши, иссиқ.

У чекаётганида Никитич уни яхшилаб кузатди: оқ юзли, келишган, кичриклари қалин. Ютоқиб папирос сураётганида олдидаги иккита тилла тиши ярқираб кетди. Иягидаги жингалак соқоли ўсган, озғин. Йигит қариянинг нигоҳини сезиб, ёнаётган гугурт чўпини кутариб унга диққат билан тикилди. Никитич унинг қарашларини эслаб қолди. «Жозибали» дея баҳо қўйди. Никитич: «Қизлар бунақаларни суяди», деб уйлади.

– Утир, нимага тик турибсан?

Йигит жилмайди.

– Унақа дейишмайди, отахон. Жойлашиб олинг, дейишади.

– Хуп, жойлашиб олинг унда, – деди қария.

– Унда жойлашиб оламиз. Бошқа ҳеч ким келмайдими?

– Ким ҳам келарди? Кеч бўлди. Агар келса ҳам жой етарли бўлса, – Никитич ғуладан сал сурилди, йигит ёнига ўтирди, қўлларини яна иссиққа тутди. Ишчининг қўллари эмас. Соғлом бўлса керак. Никитичга унинг кулгиси ҳам маъқул бўлди, «ясама эмас, оддий, жиддий». Яна унинг тишлари ҳам... Киришимли йигит. Соқолини қиртишлаб, кастюм кийгизиб қўйилса, ўқитувчининг ўзи. Никитич ўқитувчиларни яхши куради.

– Қандайдир иологмисан?

– Ким? – тушунмади йигит.

– Ҳалиги...бор-ку, тайгада нималарнидир қидириб юрадиган...

– Ҳа-а... Йўқ.

– Қандай қилиб қуролсиз юрибсан? Хавфли-ку, ахир?..

– Узимизникилардан қолиб кетдим, – истамайроқ жавоб қайтарди йигит. – Сизнинг қишлоғингиз узоқдами?

– Юз эллик чақиримча келиб қолар.

Йигит бошини қимиллатиб қўйиб, кузларини юмди, иссиқдан роҳатланиб бирмунча вақт шу зайилда утирди, кейин бир силкиниб олди-да, чуқур нафас чиқарди.

– Чарчадим.

– Бир ўзинг узоқ юрдингми?

– Анча. Ичадиган бирон нарсанг йўқми?

– Топилади.

Йигитга жон кирди.

– Яхши! Вужудинг қалтираб кетяпти. Жин урсин, совуқдан музлаб қолиш ҳеч гап эмас. Яна апрель дейди.

Никитич кўчага чиқиб келиб, сало солинган халтача келтирди. Шифтдаги фонарни ёқиб қўйди.

– Сизларни тайгада ёлғиз юришга озмоз ургатишганми, ўзи... Бундоқ қарасам жунатишади-ю... Сизлар қаердан ҳам биласизлар, бу ишни. Мана мен ўтган йили биттасини топиб олгандим, баҳорда – эрув пайти. У ҳам ёшгина эди. Унинг ҳам соқолчаси бор эди. Кийимга уралиб, тарашадай қотиб қолганди. – Никитич салони тахтанинг четига қўйиб кесди. – Агар менинг ёлғиз ўзимни тайгага қўйиб юборишса, бутун қишни утказа

оламан, касал ҳам булмайман. Фақат ук дори, гугурт етарли булса булди.

– Ёғоч уйга, барибир, кирасан-ку?

– Уй булгандан кейин нимага кирмас эканман, нима, қорда ётишим керакми? Узимга-узим душман эмасман-ку!

Йигит белини бушатиб, пахталик нимчасини ечди ... Уй бўйлаб у ёқдан-бу ёққа юрди. Қомати тик, елкалари кенг эди. Тирик жон топганидан, исиниб олганидан улгудай хурсанд эди. Яна битта папирос чекди. Папирос ҳиди ёқимли эди. Никитич шаҳарликлар билан суҳбат қуришни яхши курарди. Уларнинг тайгадаги чорасиз аҳволдан ғижинарди, баъзида, ҳатто бирор-бир қидирув гуруҳига йул бошловчилик қилиб оз-моз ишлаб ҳам олар, ичида эса уларнинг устидан кулар, аммо суҳбатларига қушиларди. Шаҳарликларнинг узи билан мулойим, беписандроқ кулиб гаплашишлари унинг ғашини келтирарди, узлари булса, агар уларни ёлғиз қолдириб кетадиган булсанг, кузи юмуқ кучукваччадай адойи тамом бўлишларини билишмасди. Мабодо гуруҳда икки ё уч қиз булса, янада қизиқарлироқ эди.

Шунда нолимайдилар, чидаса булди. Узларини ҳамма қатори эканликларини

таъкидлаб, бировнинг ёрдам беришини хоҳламайдилар. Ҳамма билан туда бўлиб бирга ухлайдилар. Йўқ, ҳеч ким бемаъни қилиқ қилмайди. Агар буларни урнида қишлоқликлар бўлса борми, гуноҳдан узларини тия олишмасди. Булар эса жимгина! Бўлмаса, улар силлиққина, тор иштон, кукракни сиқиб турадиган калта кўйлак кийиб, юз-кузларини чивиндан сақлаш учун румолни танғиб ўраб олишган, юм-юмалоқ, худди қўғирчокқа ўхшайдилар. Йигитлар эса узларини худди шундай бўлиши керакдек тутишар, уларга ҳурмат билан муносабатда бўлишарди.

– Излаётганларинг нима?

– Қаерда?

– Бу... нима ҳилиб юрибсизлар?

Йигит узича кулди.

– Ризқ.

– Ризқ... бу оғайни қўймадай силлиқ; уни ушлагандай буласан, мана у, мана қўлингда, бирдан курасанки, йўқ. – Никитич одатда шаҳарликлар билан қандай гаплашган бўлса, шундай суҳбатга кириб гапга тушмоқчи бўлди, муғамбирона салмоқ билан, агар диққат билан тинглаётган бўлишса, эшитиб туриб бир-бирлари билан куз уриштириб

қўйишса ёки булмаса бирортаси дафтарига нималарнидир ёзиб қўйса, Никитич бунақа суҳбатларни эшитадиган қулоқ топилганидан хурсанд бўлиб, тун бўйи давом эттириши мумкин эди. Қишлоқдошлари гапирганида, вайсаки деб сукиб туриб кетишган буларди, булар эса эшитаверишарди. Маза. Гоҳи ўзи ҳам гапим силлиққина чиқаяпти деб хурсанд бўлиб қуярди. Шунақанги уйдирмаларни гапирардики, баъзан унга ўзи ҳам ишониб қолар, баъзан эса қалби гуё урмонга ухшарди, унга тегинма, бекордан-бекор болта билан чопма, булмаса қуриб қолиши мумкин, қуриса, сенинг ўзинг қурийсан! Юрагинг уюшади-ю, қурийсан ва нега қалбинг уюшганини ўзинг ҳам тушунмай қурийсан. Ёки, масалан, шаҳардан қуроллари кутариб келишади-да, пақ-пуқ қилиб туғри келган нарсага ўқ ўзишаверади! Ўқ нимага тегади, жониворнинг эркагигами, урғочисигами – фарқи йўқ, ишқилиб ўлдиришса, ов қилишса булди. Бунақанги иш учун қўлларини суғуриб ташлаш керак. Масалан, кийик ёки она айиқни ўлдирдинг, унинг эса иккита кичкина боласи бор. Улар ҳаром қотишади-ку. Сен битта айиқ терисини қўлга киритарсан, агар озгина кутганингда... ўчтасига эгалик

қилишинг мумкин эди-ку. Ақлсизлик бу. Жониворлар жонига уйламасдан жабр қилиш учига чиққан ақлсизлик.

– Мана сенга ризқ. Яна ризқ дейсан-а? – давом этарди Никитич.

Йигит уни эшитгиси келмасди. Деразага яқин келди-да, қоронғиликка узоқ тикилиб қолди. Худди уйқудан уйғонгандай:

– Барибир, ҳадемай баҳор келади, – деди бирдан.

– Келади, қаёққаям борарди. Утир, газак қиламиз. Тангри етказгани учун. Идишда қор эритишди, спирт аралаштиришди. Ичишди. Муздай сало билан газак қилишди. Кунгиллар анча бушашди. Ёқимли... Никитич печга яна ўтин солиб қўйди. Йигит эса яна дераза ёнига борди. Оғзининг ҳовури билан ойнада айлана чизиб қоронғиликка тикилиб турарди.

– Ҳозир у ерда кимни ҳам кўрардинг? – хайрон буларди Никитич гаплашгиси келиб.

– Эркни, – деди йигит. Хўрсинди. Аммо, хўрсиниши маҳзун эмасди. Эрк ҳақида ҳам алам билан қатъий айтди. Дераза ёнидан силтаниб узоқлашди. – Отахон ичгим келаяпти. Қора сатин куйлаги ёқасидаги тутмаларни ечди, кейин кафтлари билан кукрагига гурсиллатиб урди, силади. – Кўнгил истаяпти.

– Бирор нарса еб олсанг буларди. Булмаса, очликдан кунглинг озади.

– Озмайди. Менинг кунглим озмайди. – У қариянинг буйнидан мулойимлик билан маҳкам қучиб, куйлаб юборди:

*Улим камераси эса
Намчил ва совуқ.
Пайдо булди оқсоч қария...*

Ва ширин жилмайди. Йигитнинг кузлари хушнуд чарақлаб йилтиллади.

– Кел, ичамиз, яхши одам.

– Ёлғиз зерикдинг-а, – Никитич ҳам жилмайди. Йигит унга жуда-жуда ёқаётганди. Ёш, кучли, келишган. Лекин, адоий тамом бўлиши мумкин. Шундоқ йигит тамом бўлиши мумкин. Тайгада қуролсиз юрсанг, расвои радди буласан.

– Тамом булмаймиз, отахон. Ҳали давру даврон сурамиз! У буни яна бир бора қатъий айтди ва кузлари бир лаҳза қаергадир узоқ-узоқларга тикилиб «қотиб» қолди... У нима ҳақида уйлаяпти ёки кимни уйлаётгани тушунарсиз эди. Аммо, унда «ниманидир» эслаш хоҳиши йуқ эди.

Стакандагини бир зарб билан охиригача ичиб юборди. Томоқ қириб, бошини силки-

тиб қуйди. Салони тамшаниб чайнади. Чека бошлади. Урнидан турди, утиргиси келмасди. Катта қадамлар билан хонада у ёқ-бу ёққа юрди ва хона ўртасида тўхтади-да, яна узоқларга синчков тикилиб қолди.

– Яшагинг келади, отахон.

– Ҳамманинг яшагиси келади. Нима, мени яшагим келмайдими? Менинг эса аслида сафарим қариб қолди.

– Яшагинг келади! – такрорлади салобатли келишган йигит қайсарлик билан қариянинг гапини эшитгиси келмай. – Сен уни билмайсан, ҳаёт, – уйланди тишларини маҳкам қисиб у, – бебаҳо, ёқимли. Менинг жону жаҳоним.

Кайф қилаётган Никитич кулиб қуйди.

– Сен ҳаёт ҳақида худди аёл ҳақида гапиргандай гапираяпсан.

– Аёллар – арзимас, нархи паст матоҳ. – Йигитни қандайдир журъатли, хурсанд қиладиган қайсар туйғулар чулғаб олганди.

У қарияни эшитмас, узича минғирлар, аммо чол унинг сўзларини тинглагиси келарди. Йигитнинг ҳокимона қуввати энди уни тамоман узига бўйсундириб олган эди.

– Аёллар – улар... албатта, уларсиз эса яна-ям...

– Шундоқ оламиз-у, биз уни – жавоҳирни... – йигит қўлларики олдинга чўзиб, бармоқларини мушт қилиб тугди, – фарни оламиз-у, томоғидан ғиппа... Коля профессорни эслайсанми? Унутмадингми? – Йигит ким биландир гаплашар ва «уни унутишаётганига» жуда ҳам хайрон буларди. – Коляни-я, сен эса ҳамон Колянинг ёдидан чиққанинг йўқ. Коля сени унутмади. – У ё хурсанд бўлаётганди ёки кимдандир алам билан ўч олмоқчи бўлаётгандай эди. – Мен эса, мана борман. Жонгинам, мумкинми, сенга айттар икки оғиз ширин сўзим бор. Сени хафа қилмайман. Аммо, сен менга барча нарсангни берасан. Ҳаммасини оламан мен!..

– Ростдан ҳам у аёл сени шу даражада қонингни қайнатадими? – сўради хайрон булиб Никитич.

Йигит бошини чайқади.

– У аёлнинг номи Эрк! Уни сен ҳам танимайсан, билмайсан, отахон. Сен – жонзотсан, сенга бу ер яхши. Катта шаҳарда чироқлар қандай чарақлаб ёнишини сен билмайсан. Улар сеҳрли чорлайди. У ерда ёқимтой одамлар бор, уларнинг уйлари иссиқ, ёқимли мусиқа янграйди. Улар жудаям сертакаллуф ва улимдан жуда кўрқишади. Мен эса шаҳар

кезаман. Бу шаҳар бутунлигича меники. Нима учун улар у ерда-ю, мен бу ерда бўлишим керак? Тушуняпсанми?

– Сен бу ерда бир умрга эмассан-ку?

– Тушунмаяпсан. – Йигит жиддий ва қатъий сўзларди. – Мен у ерда бўлишим керак, негаки, мен ҳеч кимдан қурқмайман. Мен ўлимдан қурқмайман. Демак, ҳаёт – меники.

Қария бошини чайқади.

– Нега бунақа деяётганингни тушунмаяпман, бўз йигит.

Йигит тахта супага яқин келди, стаканларга қуйди. У худди бирдан чарчаб қолгандай эди.

– Қамокдан қочиб келаяпман, отахон, – деди ҳеч қандай оҳанглрсиз. – Олдикими?

Никитич ихтиёрсиз ҳолатда ўз стаканини йигитнинг стакани билан чуқиштирди. Йигит ичди. Қарияга тикилди... У эса ҳамон стаканини қулида ушлаб, зимдан йигитга тикилиб турарди.

– Нима?

– Бу қанақаси бўлди?

– Ич, – деди йигит. Яна чекмоқчи бўлди, аммо қули бўшаб қолганди. – Ўзингникидан бериб тур.

– Мендаги ут-уландан, барглардан.

– Ҳечқиси йуқ, жин урсин.

Чекишди. Йигит тункага, оловга яқинроқ утирди. Анча вақт жим бўлиб қолишди.

– Тутиб олишади-ку, – деди Никитич.

У йигитга ачиниб эмас, бошқача қаради, гавдали, келишган йигитни қандай қилиб қурол ўқталиб олдиларига солиб ҳайдаб кетишаётганларини куз олдига келтирди. Унинг ёшлигига, чиройи ва кучига ачиниб кетди. Шапла ушлаб олишади-ю – тамом, ҳаммаси итнинг думи тагига кириб кетади; ҳеч кимга унинг чиройидан на хамир, на патир бўлмайди.

– Нега ундай қилдинг? Бекор қипсан, – деди у ҳушёр тортиб.

– Нима?

– Нега қочдинг? Ҳозир олдинги даврлар эмас, тутиб олишади.

Йигит гапирмади. У оловга тикилиб, уйла-ниб утирарди. Энгашиб печга утин ташлади.

– Муддат тугагунча утириш керак. Бекор...

– Бас қил! – Кескин гапини бўлди йигит.

У ҳам қандайдир ғалати ҳолга тушган, бундан сергак тортганди.

– Елкамда каллам бор.

– Ҳа, буни биламан, тушунарли, – қушилди Никитич. – Йулинг узоқми?

– Жим, гапирма ҳозирча.

«Ота-онаси ҳам бўлса керак, эҳтимол, – уйларди Никитич йигитнинг гарданига қараркан, – боради, уларни хурсанд қилади».

Беш дақиқа индамай утиришди. Қария трубкасидаги кулни тукиб ташлаб унга яна тамаки тулдирди. Йигит ҳамон оловга тикилиб утирарди.

– Сенинг қишлоғинг туман марказига яқинми, – суради у тескари утирган ҳолда.

– Қанақа туман маркази? Биздан тумангача туқсон чақирим чиқади.

– Ишинг пачава сени, қишда тайгада...

– Сеникида уч кунча яшасам, куч туплаб олсам, – илтимос қилмади, туғридан-туғри айтди.

– Яшайвер, менга нима. Муддатинг узоқмиди, чидай олмадингми?

– Куп эди.

– Нима учун қамалгандинг?

– Бунақанги саволларни, отахон, ҳеч қачон, ҳеч кимдан сурама.

Никитич учиб қолаёзган трубкасини қайтадан ёндириб, чуқур тортди ва йуталди. Йутала туриб суради:

– Менга нима?.. Фақат ачинаяпман. Ушлаб олишади.

– Худо сотиб қўймаса, чучқа еб қўймайди. Мени арзонгаровга алдолмайсан. Кел, ухлайлик.

– Ётавер! Мен утин ёниб тугагунча утираман, мурини ёпаман. Булмаса, тонгга яқин совқотамиз.

Йигит пахталигини тахта супага тушади, бошининг тагига нима қўйишни билолмай, атрофга боқди. Кузи деворда осиглиқ милтиққа тушди. Яқинига бориб олди, индамай куздан кечирди, қайта жойига илиб қўйди.

– Эскигина экан.

– Ҳечқиси йўқ, ҳозирча яроқли. Ҳув бурчакда кигиз ётибди, уни тагингга туша, пахталигининг бошинг тагига қўй. Эрталабгача, барибир, совиб қолади.

Йигит кигизни тушаб, дарров чузилди ва чуқур хурсинди.

– Кичкина шаҳар, – деди у нимагадир. – Мендан қурқаяпсанми, отахон?

– Сенданми? – ҳайрон булди қария. – Ҳуш, нима учун сендан қурқарканман?

– Ҳм-м, мен... ҳалигидақа қамалган маҳкуммай-ку. Балки, одам улдирганим учун утиргандирман.

– Одам улдирган булсанг, сени Худо жазолайди, одамлар эмас. Одамлардан қочиб

юришинг мумкин, аммо ундан қочиб қутулолмайсан.

– Сен диндормисан, нима бало? Эски диндорлардан булсанг керак ҳойнаҳой?

– Диндор булсам, сен билан утирармидим ароқ ич-и-иб.

– Буям туғри. Худойинг ҳақида эса сен миямни... Мен ундан қайт қилгим келади. – Йигит сал буғиқ овозда эринибгина сузларди.

– Нима учун?

– Нима учунми?.. Шунинг учунки, у эртак туқийди, алдайди. Олижаноб, меҳрибон одам булмаган, булмайдиям. У эса меҳрибон, бардошли булишга ургатади. Лаънати!

Йигитнинг овозида яна аввалгидек қатъийлик ва етуклик сезила бошлади. Фақат овозида илгариги шўхчанлик сунган эди. – Ким олижаноб? Менми? Сенми?

– Мен, масалан, ҳаётим давомида ҳеч кимга ёмонлик қилган эмасман...

– Ҳайвонларни улдирасан-ку! У ургатмаган эдими?

– Тенглаштирдинг, бармокни сармоқ билан. Одам – бу одам, ҳайвон – ҳайвон-да.

– Тирик жонзот – ўзларинг айтгансанлар-ку, аблаҳлар деб.

Йигитнинг юзини Никитич курмасди, аммо куз олдига келтирди – оқиш юзли, соқолчаси бор. Иссиққина сокин хонада тақдир эзғилаб ташлаган шундай хушсурат, ёқимтой инсон овози жаранглади. Яхши, келишган юзли одамнинг овози.

– Сен нега менга жаҳл қилиб қолдинг?

– Ёлғон гапирмаларинг! Алдаманг одамларни, фаришталар. Сизларни сабрга ургатишганими? Сабр қилинглар! Ибодат қилишга улгуриб-улгурмай, иштонларинг-ни ечасизлар-у, аёлнинг кетидан чопасизлар, илонлар! Мен тумшукқа туширишни ургатадиган янги Исони уйлаб топган булардим. Ёлғон гапирдингми? Ма, ол, мараз!

– Сукинма! – деди қатъият билан Никитич. – Сени одам деб уйга киритишди, сен эса итдай ҳура бошладинг. Хафа булдингми, қамашдими? Демак, айбингга яраша. Ким бу ерда айбдор?!

– Мм-м. – Йигит тишларини ғижирлатди, сунг жим булиб қолди.

– Мен сенга поп эмасман ва бу ер сенга черков ҳам эмас, ҳадеб зарда қилгани. Бу ер тайга – ҳамма бирдай. Бунн ёдингда тут. Булмаса, ўзингнинг «Эрк»ингга етиб боролмайсан, қудуққа қулаб, буйнинг синади. Би-

ласанми, етим қузи асрасанг оғиз-бурнинг мой этар, деган мақол бор. Сенинг шохингни қайирадиган одам ҳам топилиб қолади. Агар бировни ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ хафа қилсанг, у «Эрк»ни қаердан излашни кўрсатиб қўяди, сенга.

– Аччиғнинг чиқмасин, отахон, – деди йигит келишувчанлик билан. – Қандай яшашни ургатадиганларни кўргани кузим йўқ. Ичим қизиб кетаяпти! Ҳар хил бўлмағур шилта балчиқни бурнинг тагига тиқиштиришади, ундоқ яшаш керак, мана бундоқ яшаш керак, деб. Барини кўргани кузим йўқ! – деярли бақириб юборди йигит. – Мен хоҳламайман унақа яшашни. Алдашаяпти. Мурда ҳиди анқийди. Ҳаммамиз топ-тоза қилиб ювилган уликларга ачинамиз, раҳмимиз келади, сева-миз, сен тирикларни сев. Ер юзида фаришталар бўлмайди! Мен уларни курмаганман! Нима учун биз уларни уйлаб чиқарамиз?! – Йигит тирсагига таяниб ёнбошлади: ғира-ширада унинг юзи оқариб куринар, кузлари чақчайиб ялтирарди.

– Сал ҳовурингдан тушсанг тушунасан, агар яхши одамлар бўлмаганида, ер юзида ҳаёт тўхтаб қолган буларди. Бир-бирларини еб ташлашар ёки суйишарди. Бунини менга ҳеч

қанақа Исо ургатгани йуқ, мен узим шундай деб ҳисоблайман. Фаришталар эса ростданам йуқ. Узим ҳам фаришта эмасман. Ҳеч ким мени ёмон ёки қаҳри қаттиқ демаган. Бир пайтлар ёш булганман... Бу ердан унча узоқда булмаган, қирдан нарида, динга сиғинадиган чолу кампир ва уларнинг йиғирма беш ёшлардаги қизидан иборат бир оила яшарди. Улар унчалик қари эмас эди-ю, аммо менга уша пайтда кекса булиб қуринишган. Улар кейин қаёққадир кетиб қолишди. Хуш, шундай қилиб уларнинг қизи бор эди. Ҳаммалари шу даражада художуй эдиларки, гуноҳдан узоқроқ юриш учун одамлардан қочишарди. Мен эса уша қизни алдаб қайинзорга олиб кирдим... ва у билан муччи-пуччи, у ёқ, бу ёғини... дегандай... Оқила эди у. Қоматли. Ҳомиладор булиб қолди. Мен эса уйланган эдим...

– Яна ҳеч ёмонлик қилмаганман дейсан.

– Ҳа, менам фаришта эмасман. Рост, мен унга зўрлик қилмадим, ширин суз билан эркаладим, кундирдим, аммо, барибир... бола ҳаётда саргардон булди. Эсласам, ачинаман. Улғайиб қолган булса керак, эҳтимол, энди сукинадиган булиб қолгандир.

– Инсонга ҳаёт бергансан, улдирмагансан. Балки, уша қизни ҳам қутқариб қолгандир-

сан. Шундан кейин балки қиз улардан қочиб кетгандир. Булмаса, ота-онаси уни ибодат қилдиравериb жонидан туйдириб юборган ва у узини бирор шохга осиб қуйган буларди-ю, тамом. Бир умр эркак нималигини билмай утарди. Яхши иш қилгансан, қайғурма.

– Яхшими, ёмонми шундай булган, у ёгини билмадим. Балки ёмондир...

– У ерда яна қолганми?

– Спиртми? Озроқ бор. Ичавер, мен бошқа ичмайман.

Йигит ичди. Яна ихраб томоқ қирди. Газак қила бошлади.

– Куп ичаяпсан-ов?

– Й-уқ, бу... шундоқ, совқотганман. Отахон бундай ичиш керак эмас... Ҳузур қилиб ичиш керак. Мусиқа, ажойиб сигарета, шампан виноси, аёллар... Осойишта маданият билан.

Йигит яна орзуларга берилди, қулини бошининг остига қуйиб ётди.

– Хароба хоналардан жирканаман. Булар одам эмас – мол. Ҳм-м, нима қилсанг, гузал яшаш мумкин! Агар мен бир кечада бир бурни пучуқ билан етти марта уйнашсам-а? Агар у мени нозик қуллари билан қучса ва манглайимдан упишни хоҳласа, мен нима қола олардим?! Кейин... дам оламан.

Рохатланаман... Майли қалбинг тош қотсин, майли у кучук думидай қалтирасин, мен туғрига қараб юраман, чалишиб йиқилмайман.

- Сен узи аввал ким булиб ишлагансан? - қизиқсиниб суради Никитич.

- Менми? Таъминот буйича ходим булганман. Чет эллар билан маданий алоқалар урнатганмиз. Умуман олганда, мен олимман. «Колорада қунғизи нима ва у билан қандай курашиш лозим» мавзуси буйича доцент эдим.

Йигит жим булиб қолди, бирпасдан кейин уйқули товуш билан:

- Булди... отахон, мен кетдим, - деди.

- Ухла.

Никитич ёғоч қосов билан «тош печ»ни қовлаштирди, трубкасига тамаки жойлаб қўйди ва йигит ҳақида уй сура бошлади: «Мана сенга ҳаёт - ҳамма нарса берилган; келишган, бақувват, мияси ҳам жойидага ўхшайди. Хуш... нима? Кейин-чи, ўрмонда қочиб юраверадими? Буларни шаҳар оқбилак қилиб қўйган. У ердагиларнинг бари эсдан оғиб қолган». Никитичнинг уч набираси катта шаҳарда яшашади. Иккинчиси ўқийди, бирови ишлайди, уйланган. Улар манови-

га ухшаб мақтанишмайди-ю, аммо шаҳарга қараб интилишазеради. Езда улар келишади, тезда зерикиб қолишади. Никитич қуролини олади-ю, уларни тайгага етаклайди ва улар ўзларига келиб, ўқишдан чарчаган мияларини сал «шамоллатиб» олишларини кутади. Набиралари ўзларини маза қилиб дам олаётгандек курсатишга уринганларида, Никитич ноқулай аҳволга тушарди; ахир унинг бундан бошқа хурсанд қиладиган илинжи йўқ-да. Гуёки уларни алдагандай ноқулай вазиятда қоларди. Уларнинг миясида нукул шаҳар гавдаланади. «Манави тахтада ётган ҳам шаҳар деб, ақлини еб қуйганга ўхшайди. Унинг урнидаги бошқа одам агар қамоқда утиришга чидай олмаса, олисроққа кетиши, бирор ердан ертула ковлаб тўрт-беш йил куринмай туриши керак эди. Бу эса яна ўша ёққа, ҳар қадамда ёқасидан бугиб оладиганлар бор жойга бормоқчи. Қулга тушишини ўзи ҳам билади, барибир, ўша ёққа югуради. Бу шаҳар деганингда, қандай сеҳр бор ўзи! Хўп майли, мен қариман, у ерда бор-йўғи уч йил булганман дейлик. Тушунмайман. Тўғри, у ерда хурсандчилик куп, чироқлар чароғон. Хўш, мен тушунмас эканман, демак мен истамайман. Сенга у ер маъқул экан, са-

ломат бул. Менга эса бу ер яхши. Аммо бу нимаси, улар у ёқдан келишади-да, бурнини жийиришади, зерикарли, зиқ булиб кетдим, дейишади. Ҳой сенлар! Аввал у ёқ-бу ёққа дурустроқ қаранглар! Ҳали бирор нарса-ни тузукроқ курганларинг йуғ-у, яна шаҳар ҳақида вайсайсанлар. Мана, масалан, чумоли ёки булмаса курсичқон қандай яшаяпти, томоша қил. Хохлаган жонзотга қара. Қизиқиб қараб, бир томоша қил. Кейин уйлаб кур-чи, ҳаёт ҳақида куп нарса билармикансан ё йуқ. Шаҳар ҳақида менга эртак айтасан?! Агар билганларимни айта бошласам, биласанми, эҳ-ҳе, қанча! Мени эшитишмайди, кузларини бақрайтириб сизларнинг оғизларингга тикилишади, шаҳарликсизлар-да. Мен эса сенга тупурдим, шаҳарлик булсанг булибсан-да. Шаҳар кучаларида олифтагарчилик қилиб санғиган булсанг, санғигандирсан. Санғий-санғий мана ун-ун беш йил ишлаб олибсан-ку, чиройли ҳаётинг учун. Бирор-бир дуконни тунаган булсанг керак-да ёки бошқами. Бир ғайрат қибсан-у, учиб кетибсанда гувиллаб. Яна уз ихтиёринг билан кукрагингни ланжаранинг тиғига урмоқчисан. Демак, шаҳарсиз туролмайсан. Яна қандайдир дуконни мулжалга олгансан, уша шампан виносини, кал-

лаварам! Шаҳар сенларни ейди; суяк-пуягинг билан итдай ғажийди. Раҳмим келади, сен аҳмоқларга. Аммо, ҳеч нарса қилиб бўлмайди».

«Тош печ»даги утин ёниб тугаётганди. Никитич охирги чуғларни кул ичида сўнишини кургач, мурини ёлди, фонусни ўчириб, йигит ёнига чузилди. У қўлларини биқинига ноқулай тиқиб, чуқур нафас олганча бир маромда ухларди. Никитич унинг қўлларини туғрилаб қўйганда ҳам кимир этмади. «Чарчаган, – уйлади Никитич. – Нодон. Ким мажбур қилди? Эҳ, сизлар?!»

...Ярим тунда кучада – уйча ёнида шовқин эшитилди. Икки ёки уч эркак кишининг овози келарди. Йигит илкис урнидан турди – худди ухламагандай эди. Никитич ҳам бошини кутарди.

– Ким улар? – шошиб суради йигит.

– Қаердан билай?

Йигит тахтадан ирғиб турди-да, эшик ёнига борди, кулоқ солди, қўллари билан пайпаслаб, девордаги милтиқни излади. Никитич сергакланди:

– Қани, ақлингни йиғ-чи! – деди паст овозда қатъий. – Бир фалокатни бошлама.

– Ким улар? – суради йигит яна.

– Билмайман.

– Киритма, эшикни ёлиб ол.

– Аҳмоқ. Ким ҳам ёғоч уйчани қулфлайди. Қулфлайдиган ҳеч нарса йуқ. Ёт, қимир этма.

– Ҳаҳ сени, бобой!..

Йигит гапини тугатмади. Кимдир осто-
нага кутарилиб, қули билан эшик дастагини
қидира бошлади. Йигит илондай сирғалиб
тахта супачага чўзилди ва шивирлаб деди:

– Отахон, Худо ҳаққи, шайтон ҳаққи, иблис
ҳаққи қасам ичаман, сотсанг... Ёлвораман,
қария. Бир умр...

– Ёт, – буюрди Никитич.

Эшик очилди.

– А-ҳа-а!, – деди кимдир йуғон қувноқ
овоз билан. – Айтдим-ку, кимдир бор деб.
Иссиққина, киринглар.

– Эшикни ёпсанг-чи! – деди Никитич
зарда билан тахта супадан тушар экан. Хур-
сандлигини қаранг, иссиққина эмиш! Эшик-
ни каттароқ очсанг, бундан ҳам иссиқроқ
булади.

– Ҳаммаси жойида, – деди йуғон овозли. –
Уй иссиққина. Эгасиям хушмуомала.

Никитич фонуснинг пилигини кутарди.
Яна икки киши кириб келди. Бирисини Ни-
китич таниди, туман Ички ишлар бўлими

бошлиғи. Овчиларнинг ҳаммаси уни танишарди; овчилик чиптасини олгунча уларни ойлик бадални тулашига мажбур этиб қийнаб юборарди.

– Емельянов? – суради бошлиқ; у баланд буйли, йуғон, эллик ёшлардаги киши эди. – Шунақами?

– Шундай, уртоқ Протакин.

– Ҳа, мана! Меҳмонларни кутиб ол.

Учаласи ҳам ечина бошлашди.

– Отишмагами? – мазах аралаш суради Никитич.

У бунақа келиб-кетувчи «варанглатар»ларни ёқтирмас эди: улар шовқин қилишарди-ю, кетишарди.

– Чигилимизни озроқ ёзмоқчимиз. Бу ким? – Бошлиқ тахтада ётган йигитни куриб қолди.

– Иолоғ, – хоҳламайгина тушунча берди Никитич. – Шерикларидан қолиб кетибди.

– Адашиб қолибдимки?

– Шундайдир.

– Нимага унда биз билмаймиз. Қаёққа кетаётганини айтдими?

– Нимани ҳам айтарди. Оғзини аранг очолди. Музлаб қолаёзган экан. Спирт ичирдим унга, ҳозир уликдек қотиб ухляпти.

Бошлиқ гугурт чўпини ёқиб, йигитнинг юзига яқин олиб борди. Унинг бирорта ҳам мускули қимирламай, бир маромда нафас олиб ётарди.

– Суробини туғрилаб қуйибсан сен уни, – бошлиқнинг қулидаги гугурт чупи учиб қолди.

– Нима учундир у бизларга маълум қилилмаган экан?..

– Балки, хабар беришга ҳали улгуришмагандир? – деди келганлардан бири.

– Йуқ, қара анча вақтдан бери дайдиб юрганга ухшайди. У сенга қачондан бери ёлғиз юрганлигини айтмадими?

– Йуқ, – жавоб қайтарди Никитич. – Қолиб кетдим деди, булди.

– Майли, ухлаб олсин, эртага аниқлаймиз. Хуш, уртоқлар, энди ухладикми?

– Ухладик, – дейишди икки шерик. – Сиғамизми?

– Сиғамиз, – деди бошлиқ ишонч билан. – Утган сафар беш киши бўлган эдик. Тонгга яқин музлаб қолишимизга сал қолувди. Оловни кам ёққан эканмиз. Совуқ эса эллик даражага яқин эди.

Кийимларини йиғишиб тахта супага чўзилишди. Никитич йигитнинг ёнига ётди.

Келганлар яна озгина вақт узларининг тумандаги ишлари ҳақида гаплашиб ётишдида, кейин жим бўлиб қолишди. Ҳаммалари ухлашди.

...Никитич дераза сал ёриша бошлаган пайт уйғонди. Ёнидаги йигит куринмади.

Никитич оҳистагина катдан тушди, чунтакларини ковлаштириб гугурт кидирди. Ҳали кунглига бирон-бир ёмон фикр келиб улгурмаганди. Гугурт чўпини ёкди... Йигит йўқ эди. Унинг пахталиги ҳам, қуроли ҳам жойида куринмасди. Кукрагининг ости ёмон сиқилди.

«Кетибди, қуролни ҳам олиб кетибди». Шовқин солмай кийинди, бурчакка суяб қўйилган уч милтиқдан бирини олди, чунтакларидаги зўлдир солинган патронларни лайпаслаб текширди.

Эшикни секингина очиб, ташқарига чиқди. Тонг энди отаётган эди. Тун бирмунча илиқлашган. Туман ҳовури хира тонг шуъласига, рангига сингиб кетганди. Беш қадам наридаги нарсани куриб бўлмас, баҳор ҳиди анқий бошлаганди.

Никитич оёғига ўз чанғиларини боғлаб, излари аниқ куриниб турган хира қор устидан юриб кетди.

– Итвачча, қарғиш теккур уғривачча! – Паст овозда сукинарди у. – Кетибсан, қуролни нега оласан, ит! Қуролсиз мен бу ерда нима қила оламан, уйлаб қурмадингми, хомкалла? Мени нима, хазинам борми, сендақаларнинг ҳаммасини қурол билан таъминлашга? Қарғиш теккур, сен уни, барибир, қаердадир ташлаб юборасан-ку. Сен фақат тайгадан чиқиб олсанг булди? Мен бу ерда қуролсиз қулимни қовуштириб утираманми. На уят, на виждон қолди одамларда.

Тонг аста-секин ёришиб келарди. Кун булутли – илиқ буладиганга ухшарди. Чанғи излари қишлоқ томонга қараб кетмаган эди.

– Одамлардан қурқасанда-а? Эҳ сенларни... «Чиройли ҳаёт». Қариянинг охирги қуролини эса, умариш мумкин-а. Аммо ҳар қанча эпчил булсанг ҳам мендан қочиб кетолмайсан. Навқирон булсанг ҳам мен сенга ухшагanning еттитасини ҳолдан тойдираман.

Қариянинг кунглидаги ғазаб унчалик кучли эмас эди. Кунгли оғриганди; сен уни одам деб ғамхурлик қилсанг-у, у булса сенинг қуролингни олиб кетса! Шундан кейин ҳам, сен мунофиқ эмасмисан? Никитич уч километрдан зиёд йулни босиб қуйган эди. Тонг отиб қолди. Чанғичи анча узоқлаб кетганди.

– Эрта турган экан. Сасини чиқармай йул олганини қара!

Бир жойда йигит тухтабди, чекибди, чанғи изларининг икки ёнида суянчиқ таёқларнинг чуқур изи қолган. Қорда ёнган гугурт донаси, хазон ва тамаки қолдиқлари ётарди.

– Тамаки халтамини ҳам олибди! – Никитич жаҳл билан туфлади. – Вой мараз-эй, ифлос! – Қадамини тезлаштирди қария.

...Никитич йигитни пастда, сой буйлаб кетаётганида анча узоқдан курди. Йигит шошилмай, аммо илдам, дадил қадамлар билан юриб кетарди. Елкасида милтиқ осилган эди.

– Юришни биларкан, – баҳо берди узича Никитич.

Чанғи йулидан қайрилди-да, йигитни айланиб қувиб утиш учун жадаллаб кетди, узини сездирмаслик учун узун қирнинг панасига утиб, тепаликлар буйлаб кетиб борарди. У йигитни тахминан қаерда учратишини биларди; олдидаги йулда унча кенг булмаган чорраҳа кесишган жой бор, йигит уша ердан утиши керак ва яна яланглик бор... Никитич уни уша ерда кутиб олади.

– Ҳозир мен сенга томоша курсатаман, – деди Никитич заҳархандалик билан ва бор кучи билан таёқларга таяниб ҳаракатини

тезлаштирди. Қизиқ, негадир Никитичда меҳмоннинг чехрасини яна бир бор куриш истаги бор эди. Кишини тортадиган нимадир бор эди унинг юзида. «Ростдан ҳам, балки узига хос чиройли ҳаётга етишиш учун интилганда шундай бўлиши керакмикан. Агар бундоқ уйлаб курилса, бу ерда у нима ҳам қилади? Тамом бўлади. Падари қусур бир кунни тушуниб олар».

Чорраҳада Никитич секингина ялангликни кузатди, йигит куринмасди, қувиб утганди. Тезда чорраҳани кесиб утди-да, йигит тахминан қаердан келиши мумкин булган жойдаги бута панасига утди, уқдонни текшириб куриб, кута бошлади. Тажрибали овчиларга хос одатга кура беихтиёр қуролни куздан кечирди; яп-янги Тула милтиғи, милтиқ мойи анқиб, ялтиллаб турибди. «Овга чиқишган эмиш, милтиқдан ҳид тарқалмаслиги кераклигига ақллари етмабди. Овда чекишни ҳам ёддан чиқариш керак, сендан бир тошлиқда ҳид таралмаслиги учун, оғизни ҳам чой билан чайқаб олиш керак, кийимни ҳам бошқачароғини, яхшиси уйнинг ҳиди келмаслиги учун ташқарида, очиқ ҳавода осиелиқ турганини кийиш керак. Овчилар эмиш – бир уюм куйдиргилар». Йигит чорраҳа чеккасига

чиқиб келди-да, тухтади. Атрофга аланглаб қаради. Бироз тухтаб турди-да, тез-тез юриб чоррахани кесиб ута бошлади. Худди шу пайтда Никитич унинг қаршисидан чиқиб келди.

– Тухта! Қулингни кутар! – баланд овоз билан буйруқ берди у йигитни қаттиқ саросимага солиш мақсадида. У бошини илкис кутарди, кузларида даҳшат курингандай булди. Қуларини кутармоқчидай силжитди-ю, Никитични таниб қолди. Шунгача эса курган булса ҳам танимаганди.

– Нима дегандинг, ҳеч нарсадан қурқмайман демаганмидинг? – суради Никитич. – Иштонингни эса бирпасда булғадинг.

Йигит тезда узига келди, узига хос ёқимтойлик билан яна бироз зўраки жилмайди.

– Вой сени-эй, отахон... бопладинг. Худди кинолардагидай... Вой энағар-эй. Бунақада юрак ёрилиб улиш ҳеч гапмас.

– Энди, гап бундай, – ишнинг кузини биладиган оҳангда гап бошлади Никитич. – Қуролни елкангдан ечмай, қулингни орқангга узатиб милтиқни оч, уқдондан уқни суғуриб ол-да, четга улоқтир. Чунтагингдаги ҳамма нарсани ағдар. Улардан менда ун олти дона қолган эди. Ҳаммасини қорга ташла, узинг эса четга чиқиб тур. Агар ҳазил-пазил

қилишни уйласанг, отаман. Чиниминан айтаялман.

- Тушундим, отахон. Негадир ҳозир ҳазил қилиш кўнглимга сиғмаяпти.

- Уятсиз, уғри.

- Узинг айтгандинг-ку, тайгада қуролсиз юриш бемаънилик деб.

- Бу ерда қуролсиз мен нима қиламан?

- Сен - уйингдасан.

- Ҳа, гапир, гапир. Уйингдасан. Нима, менинг уйимда завод бор эканми?

Йигит чўнтагидан патронларни чиқариб ташлади. Никитич санади - ун тўртта. Кейин қўлларини орқасига чўзди-да, пастки лабини тишлаб, диққат билан қарияга тикилганича изланди. У ҳам йигитдан кузини узмаган ҳолатда милтиқ тепкисига бармоғини қўйиб унинг кўкрак қисмига тўғрилаб турарди.

- Нимага халовланасан?

- Чиқара олмаялман..

- Тирноқларинг билан илдириб ол ёки муштинг билан қўндоққа ур. Аввал битта, кейин эса иккинчи патрон ерга тушди.

- Хуш, энди ҳув анави ерга бориб тур. Йигит бўйсунди. Никитич патронларни йиғиб олди-да, калта пустигинининг чўнтақларига жойлади.

– Милтиқни менга улоқтир, узинг эса жойингдан қимирлама. Йигит қуролни ечди-да, қарияга улоқтирди.

– Энди турган жойингга утир, чекамиз. Тамаки халтани ҳам менга от.. халтани уғирлаганини-чи...

– Чекиш хумори тутарди-да, мени.

– Сен фақат ҳамма нарса менга, менга дейсан. Хуш, мен ҳақимда ҳам уйладингми, шайтонвачча! Мен нимани чекаман?

– Майлими, мен ўзимга озроқ олсам?

– Олақол. Гугуртинг бордир?

– Бор.

Йигит ўзига озроқ олиб қолди-да, тамаки халтани қария томонга отиб юборди. У ҳам чека бошлади. Бир-биридан беш қадамча узоқликда ўтиришарди.

– Улар кетишдими, кечаси келганлар?

– Ухлашаяпти. Улар ухлашга моҳир. Улар ов қилишмайди, уйин қилишади, уз туманларида одамларнинг куз унгида ёзилиб уйнаб-кулолмайдилар. Мана шунинг учун улар куздан пана жойга келишади.

– Ким эди улар?

– Бошлиқлар. Кучларини қуруққа сарфлайдилар.

– Ҳа-а!..

– Сен нима, мени қувиб етолмайди деб уйладинми?

– Ҳеч нарса деб уйлаганим йўқ. Уларни бирови сенга таниш экан. Ким у? Уни фамилиясини айтган эдинг...

– Ижтимоий таъминотда ишлайди. Кампиримга нафақа туғирлаётганимда уша ерда уни курган эдим.

Йигит диққат билан қарияга тикилди.

– Бу ҳалиги курортларга путёвка берадиган жойми?

– Ҳа.

– Яшираяпсан, қария... Наҳотки шу куролни деб мени қаматмоқчисан?

– Сени қаматиш, менга зарил кептими, – деди Никитич сидқидилдан.

– Менга милтиғингни сот. Пулим бор.

– Йўқ, – қатъий гапирди қария. – Агар кеча кечкурун яхшиликча сураганингда, сотган бўлармидим. Сен эса чучқани қилиғини қилиб ўтирибсан, сотмайман.

– Ахир улар қачон уйғонар эканлар, деб кутолмасдим-ку.

– Кечаси мени кучага чақириб сурашинг мумкин эди-ку, шундоқ-шундоқ, отахон, менга мана бу одамлар билан гаплашиб утириш унча ёқмаяпти. Милтиғингни менга сот-

санг, мен кетаман, деб. Сен эса... уғирладинг. Уғирлик учун бизда қўлни кесишади.

Йигит тирсакларини тиззасига тираб, бошини эгиб қўлларига қўйди ва бўғиқ товуш билан деди:

– Раҳмат, кеча сотиб қўймадинг.

– Сен, барибир, уз «Эрк»ингга етиб бормайсан. Йигит бошини кутарди.

– Нима учун?

– Бутун Сибирни кесиб утиш, ҳазил иш эмас.

– Мен фақт темир йўлгача етиб олсам бўлди, у ёғига поезд билан! Хужжатларим бор. Аммо бу ерда қўролсиз... расво буламан. Қўролингни сотақол?

– Йўқ, ҳатто ялинма ҳам.

– Мен энди янги ҳаёт бошламоқчиман... мени қутқарган булардинг, отахон...

– Хуш, хужжатларни қаердан олдинг? Бирор-бир жойдан умаргандирсан-да?

– Хужжатларни ҳам одамлар ясашади.

– Сохта. Сохта хужжат билан ушлаб олишмайди деб уйлайсанми?

– Сен мен ҳақимда... тукқан онамга ухшаб қайғураяпсан. Тўтиқушдай бир гапни қайтараверасанми: ушлаб олишади, ушлаб

олишади деб. Айтдим-ку, сенга, ушлашол-майди.

- Шампан виносини қайси шимилдириққа олиб ичмоқчисан?.. Агар ҳалол ишламоқчи булсанг-а?

- Кеча кайфда валдираб қуйдим-да, эътибор берма. Маст эдим.

- Эҳ, сизларни қаранглар-у... - қария қорға сарғиш қуюқ тупук туфлади.

- Сизлар ҳам куп йил яшашингиз керак, ёшсизлар... сизлар эса ҳалиги, худди ичларингда олов бордай уз жойингизни тополмай, дунёнинг у ёғидан-бу ёғига чопасизлар. Нима, сизларни даҳшатли очарчилик уғирликка мажбур қилдими? Тўқликдан қутурасизлар, қарғиш теккурлар. Қовурилган хуроз ортини чуқимайди.

- Балки шундайдир, отахон...

- Ҳуш, сенингча ким айбдор?

- Бу ҳақда бас қилайлик, - деди йигит. - Менга қара... - у хавфсираб қарияга тикилди. - Улар ҳозир уйғонишади-ю, қуроллари эса йуқ. Сен билан биз йуқмиз... Излай бошлашади.

- Улар офтоб кутарилгунча уйғонишмайди.

- Сен қаердан биласан?

– Биламан. Улар кеча ичишган. Уйча иссиққина, иссиқда эриб тушгача ухлашади. Шошиладиган жойлари йуқ.

– Ҳм... ҳа... – деди йигит маъюс тортиб. – Ғавғони қаранг-а.

Қуққисдан лайлак қор ёға бошлади, намчил, вазмин ва илиққина.

– Омадинг келди, – деди Никитич осмонга қараб.

– Нима? – йигит ҳам тепага қаради.

– Қорни айтаман... Ҳамма изларни кумиб юборади.

Йигит кафтини ёғаётган қорга тутди, анча тутиб турди. Қор калалаклари кафтида эриб кетарди.

– Ҳадемай баҳор ҳам бошланади... – хурсинди йигит.

Никитич худди бу ерларда кам учрайдиган одамни узоқ вақт ёдида сақлаб қолмоқчидай унга қаттиқ тикилди. Унинг ёлғиз ўзи кечаси... қандай кетиб бораётганини тасаввур қилди.

– Кечаларни қандай утказасан?

– Олов ёқаман... Ухлаб буладими ахир.

– Ҳеч булмаганда ёзда қочмайсанми. Ҳар ҳолда, осонроқ буларди.

– У ерда, қай пайт қочиш ҳақида ариза қабул қилишмайди. Емиш масаласи чатоқ. У қишлоқдан-бу қишлоққа етиб боргунингча ичагинг орқангга қапишиб қолади. Ҳа, майли. Нон-туз учун раҳмат. – Йигит турди. – Бор, булмаса ановиларинг уйғониб қолишади.

Қария шошилмасди.

– Биласанми... вазиятдан чиқишнинг бир йули бор, – деди у секингина, – сенга қурол бераман. Сен эртага кечаси соат икки-учларда мен яшайдиган қишлоққа етиб борасан...

– Хуш?

– Хуш-хушламай тур. Етиб борасан. Энг чеккадаги уйлاردан бирининг эшигини тақиллатасан: қурол топиб олдим дейсан... ёки... йуқ, нима уйлаб топсак экан-а? Сен қуролни қолдириб кетишинг учун. У ердан, бизнинг қишлоқдан темир йул бекатига тулпа-туғри йул – йигирма чақиримча келади. Ундан у ёғи унча қурқинчли эмас. Машиналар қатнайди. Тонг отганда бекатда буласан. Фақат у ерда яна битта бурилиш келади, бурилишдан яна бир йул чапга кетади, сен ундан юрма, у туманга олиб боради. Туғрига кет.

– Отахон...

– Шошма! Қуролни нима қилсак экан? То-пиб олдим десанг, кўрқиб кетишади, мени из-лай бошлашади. Сенга бутунлай бериб юбо-ришга ачинаман. Эскигина бўлса ҳам, унинг олдида мана бунақаларнинг учтаси ҳам ке-рак эмас.

Никитич қўлидаги яп-янги қуролга ишо-ра қилди. Йигит қарияга миннатдор боқди ва бу миннатдорликни кузларида янаям купроқ ифода қилишга ҳаракат қилди.

– Раҳмат, отахон.

– Нимасига раҳмат? Қуролни қандай қай-тариб оламан.

Йигит урнидан турди, қарияга яқин келиб ёнига утирди.

– Ҳозир уйлаб топамиз... мен уни қаергадир яшириб кетаман, сен кейин уни уша ердан оласан.

– Қаерга яширасан?

– Қишлоқдан унча узоқ бўлмаган бирор-бир ғарамга тиқиб кетаман.

Никитич уйланиб қолди.

– Қоронғу тунда ниманиям қулардинг. Менга қара, энг чеккадаги уйни тақиллатасан, у ердагилардан Мазаев Ефим қаерда яшай-ди, деб сурайсан. Сенга курсатишади. Ошнам

Ефимни топасан-да, айтасан: «Никитични тайгада учратдим, у иологларни Илондарага олиб кетди. Патронлари тугаб қолган экан, мановини бекорга кўтариб юрмаслик учун мендан уни сенга етказишни илтимос қилди», дейсан. Мени эртадан кейин узи етиб келади, деб айтиб қуй. Мени иологларга йулбошловчи булганлигимни ҳаммага оғзидан гуллаб юрмасин, деб тайинлади дегин. Озроқ пул ишлаб келиб бирга ичишни, булмаса, кампирим ҳамма пулни бирдан шилиб олиб қуйишини билдиргин. Эслаб қолдингми? Ҳозир эса сен менга бир литрга пул бер, булмаса, кейин Ефримдан қутула олмайман. Худо ёр булсин! Патронларни сенга бераман... олти дона. Ҳар эҳтимолга қарши иккитаси зулдир солинганидан. Агар сарф қилмасанг, қишлоқ ёнида қорга отиб юбор, узоқроққа. Ефримга берма, у айёр, бирдан нимадир булганлигини сезади. Эслаб қолдингми ҳаммасини?

– Эслаб қолдим. Бир умр сени эсдан чиқармайман, отахон.

– Хуп майли... Қишлоққа эса бундоқ етиб борасан: қуёш чиққач, сен уни, барибир, курасан – шундай қилгинки, аввалбошда у сенинг чап томонингда булсин. Қуёш баландга

кутарилгач, сен уни доимо чап томонда тут. Ботаётган пайти эса шундай бурилгинки, у сени орқа томонингда булиб қолсин, сал унғ қулоғинг томонроқ. Ундан у ёғи эса туғрига. Хуп, йул олди кел, чекиб оламиз.

Чекишдилар.

Бирданига ҳамма гап тугаб қолгандай эди. Сал фурсат утиб уринларидан туришди.

– Куришгунча, отахон, раҳмат.

– Булти.

Иккаласи икки томонга кета бошлаган пайт Никитич бирдан тухтади-да, йигитга қараб қичқирди:

– Менга қара! Сал қолганди қулга тушингга. Протокин бор-у, кечаги – у милиция бошлиғи эди. Яхшиям сени тунда уйғотмади. Булмаса, қутулишинг осон кечмасди. У шайтон, жудаям синчков.

Йигит ҳеч нарса демай қарияга тикилди.

– Сени суроққа тутса борми, ҳеч қанақа ҳужжат қутқаролмасди.

Йигит жим булиб қолди.

– Қани, жуна энди. – Никитич елкасига бегона милтиқни илди-да, чоррахани кесиб утиб орқа тарафга йул олди. У чоррахани деярли кесиб утиб булганди...

Қулоғи остида шохнинг қарсиллаб синганига ухшаш қаттиқ товушни эшитди. Бир пайтнинг ўзида орқасидан елкаси, энсасига бирдан зарб билан бир неча мушт урилиб, олдинга қаттиқ итариб юборилди. У юзи билан ерга қулади. Бошқа ҳеч нарсани эшитмади ҳам, ҳис ҳам қилмади. Қандай қилиб устига қор ташлангани-ю, «Шуниси тузук, отахон. Ишончлироқ», дейишганиниям эшитмади.

... Қуёш кутарилганда йигит кетиб борар, чорраҳадан анча олислаганди. У қуёшни курмас, ҳеч нарсага қарамай кетиб борар, қуёш унинг елкасига қуниб турарди. У олдинга интиларди.

Ҳавода намчил қор секин шовулларди. Тайга уйғонаётганди. Урмоннинг баҳорги қуюқ буйи маст қилар ва бошни айлантирарди.

ЧАППА

Хотини уни «Чаппа» деб чақирарди. Баъзида эркалаб шундай дерди. Чаппанинг бир ғаройиб хусусияти бор эди; у билан ҳамиша қандайдир ҳодиса руй берарди. У бунини хоҳламасди, албатта, аммо негандир доимо қанақадир ҳодисаларга араллашиб қолаверарди. Ҳар хил майда-чуйда булмағур ҳодисаларга. Мана, сафарда руй берган ана шундай воқеалардан бири.

Таътил олгач Уралга, акасиникига бориб келмоқчи бўлди; узиём у билан ун икки йилдан бери куришмаган эди.

– Қаерга йуқолди, анақа... ялтироқ «битюра»га ухшаш?! – қичқирди Чаппа қазноқдан туриб.

– Мен қаердан биламан.

– Мана, мана шу ерда ётганди! – Чаппа қаҳрли қарашга ҳаракат қилиб мовий, думалоқ кузларини чакчайтирди. Ҳамма нарсаси турибди, у эса йуқ.

– «Битюр»га ухшашми?

– Йуқ, чуртанга.

– Мен уни адашиб қовуриб юборган бўлсам керак.

Чаппа бирмунча вақт жим бўлиб қолди.

– Хуш, қандай экан?

– Нима?

– Ширин эканми? Ха-ха-ха! – У қочирик қилишни умуман эпполмасди-ю, аммо жуда хоҳларди. – Тишларинг бутунми, ишқилиб? У ахир дуралюминдан эди-ку.

... Анча вақт тараддуд қуришди, деярли ярим тунгача.

Эрта тонгда Чаппа жомадон билан қишлоқ кучасида кетиб борарди.

– Уралга! Уралга! – жавоб қайтарарди у, қаерга кетаяпсан, деб сураганларга. – Бир шамоллаб келай.

Унинг гуштдор думалоқ юзи ва дум-думалоқ кузлари бунақанги узоқ сафарлар унга писанд эмаслигини, олис йулдан қўрқмаслигини ифода этишга ҳаракат қиларди.

«Уралга!»

Аммо Уралгача ҳали узоқ эди. Ҳозирча у эсон-омон туман марказига етиб келган, энди эса чиптани қўлга киритиб, поездга чиқиб олиши керак эди. Вақт ҳозирча куп эди. Чаппа бундан фойдаланиб жиянларига атаб совға-салом, қанд-қўрслар олмоқчи бўлди... Озиқ-овқат дуконига кириб навбатда турди. Ундан олдинда шляпа кийган эркак,

ундан ҳам олдинда эса семиз, лаблари қалин бўялган бир аёл турарди. Аёл шляпа кийган эркакка қараб наст овозда, тез ва жушқин сузларди.

– Тасаввур қиласизми, қанчалик қупол ва одобсиз кишилар булиши мумкин. У паришонхотир, яхшиямки у етти йил олдин паришонхотирликка чалинди, аммо ҳеч ким унга нафақага чиқишини айтмаган. У булса, раҳбар булганига ҳеч қанча булмай, «Александр Семенович, яхшиси сиз нафақага чиқарсиз», дер эмиш. Юзсиз!

Шляпали фикрни қувватлади.

– Ҳа-ҳа... Уларнинг ҳаммаси шунақа. Қаранг-а, паришонхотир эмиш. Хуш, Сумба-тов-чи? У ҳам кейинги пайтлар маттни ушлаб кўрмаган. Ана у-чи, оти нима эди?

Чаппа шаҳарликларни ҳурмат қиларди. Албатта, ҳаммаларини ҳам эмас, безорилар, савдогарларни сира ёқтирмасди, улардан чучирди. Унинг навбати етиб келди. У қанд, ширинкулча ва уч тахта шоколад олди. Четга утиб уларни жомадонга жойлаштира бошлади. Одамлар навбатда турган тусиқ олдида – оёқ остида нимадир ётарди, қараса, эллик сумлик қоғоз пул. Яшил «тентаквой» одамлар оёғи остида ётса-ю, бошқалар уни курмаса?

Чаппа кузлари чакнаб, ҳаяжондан, ҳатто, қалтираб кетди. Шошилганча, бошқалар ундан олдинроқ билиб қолишидан чучиб, қувноқроқ, уткирроқ ҳазил қилиб қоғоз пул ҳақида одамларга маълум қилишни уйлай бошлади.

– Фуқаро! – ажойиб ҳаёт кечираётисизлар, – деди у қувноқлик билан баланд овозда.

Ҳамма унга қаради.

– Масалан, бизда мана бунақанги қоғоз оёқ остида ётмайди!

Худди шу дамда атрофдагиларни сал ҳаяжон чулғади. Ахир бу уч сумлик эмас, беш сумлик ҳам эмас – эллик сумлик, бунинг учун ярим ой ишлаш керак. Бу пулнинг эса эгаси йуқ.

«Бояғи шляпаликники булса керак», уйлади Чаппа. Пулни пештахта устига – куринадиган жойга қуйишга келишишди.

– Ҳозир кимдир югуриб келса керак, – деди сотувчи аёл.

Чаппа дукондан кунглида ажиб бир хурсандчилик билан чиқди. Хаёлида эса қандай қилиб болаб, қойиллатиб гапиргани айлана-верди. «Масалан, бизда мана бунақанги қоғоз оёқ остида ётмайди!» Бирдан унинг иссиғи чиқиб кетди, эслади, худди шундай пулни

на яна битта йигирма беш сўмлик чирвонни унга ўзи турган жойдаги жамғарма касса-дан беришганди. Йигирма беш сўмликни у ҳозиргина майдалатди, эллик чирвон чунтагида бўлиши керак... Қулини тикди – йўқ. У ёғи, бу ёғини титкилади – йўқ.

– Пул ўзимники экан-ку! – бақириб юборди Чаппа. – Вой онангни сани!.. Менинг пулим-а.

Аламдан кукрагининг ости жизиллаб кетгандай бўлди. Хаёлига келган илк нарса дуқонга қайтиб: «Оғайнилар, бу пул меники экан. Мен уни жамғарма кассада олган эдим, бири йигирма бешталик, иккинчиси элликталик. Йигирма бешталикни ҳозиргина майдалатдим, униси эса йўқ», дегиси келди. Лекин у ўзича тасаввур қилди, бу гапларни уларга қандай қилиб айтади. Одамлар нима деб уйлашади. «Албатта, эгаси йўқ экан деб, чунтагига урмоқчи», дейишмайдими? Йўқ, у ўзини мажбурлай олмайди, лаънати чирвонга қулини чўза олмайди. Балки бермасликлари ҳам мумкин.

«Нима учун мен бунақа гул ва овсар эканман-а? – Алам билан овозини баландлатиб гапирди ўзига-ўзи Чаппа. – Энди нима қилдим?.. Энди уйга қайтиш керак».

Дукон ёнига келди, узоқдан булса ҳам пулини кўрмоқчи булди, эшик ёнида туриб қолди... Ичкарига кирмади. Баттар абгор бўлади. Юраги чидай олмайди.

Автобусда кета туриб, ўзича секин сўкниб борарди, кўнглини тинчлантирди: ҳали хотинига нимадир деб ҳисоб бериши ҳам керак.

...Жамғармадан яна эллик сўм олдилар. Ўзининг бир чақалик эканлигидан кўнгли озор чеккан Чаппа (буни унга хотини яхшилаб тушунтирган, бошига бир-икки марта капгир билан туширган ҳам эди) поездда кетиб борарди. Аммо, алами аста-секин босилди. Дераза олдидан урмонлар, қишлоқлар, дарахтзорлар лип-лип этиб ўтиб борарди... Ҳар хил одамлар чиқиб-тушишар, ҳар хил воқеаларни сузлашарди, Чаппа ҳам тамбурда чекишиб турганларида пўримроқ бир кишига шунақа воқеалардан бирини гапириб берди.

– Бизда ҳам, қўшни қишлоқда битта аҳмоқ... қопқоқни олиб онасини қўвиб қолибди. Она ундан қочармиш-у: «Қўлингни, қўлингни куйдириб олма, ўғлим!» – деб бақирармиш. Ўғлининг ғамини ермиш. Бу маст чўчқа булса, онасига қараб югурармиш.

Тасаввур қилинг, қанчалик аҳмоқ ва ахлоқ-сиз эканлигини...

– Узингиз уйлаб топдингизми? – жиддий суради пурим кузойнагининг тепасидан унга қараб.

– Нега? – тушунмади у. – Бизда дарёнинг нариги томонида Раменское қишлоғида...

Пурим ойна томонга қараб бурилиб олди ва бошқа гапирмади.

Чапла поезддан кейин яна бир ярим соатча маҳаллий самолётда учиши керак эди. У аввал, анча илгари бир марта учиб курган эди. У самолётга қурқа-писа утирди. «Наҳотки бир ярим соат ичида ундаги бирорта мурват бузилиб қолмаса, ишдан чиқмаса!» – деб уйлади. Кейин узини босиб олишга журъати етди. Ҳатто, ёнидаги киши билан суҳбатлашишга ҳам уриниб курди, аммо у газета уқир, худди газетада ёнидаги тирик одамдан ҳам кура қизиқроқ нарса бордай, у билан гаплашишни хоҳламасди.

Чаппа бир нарсани жуда ҳам билгиси келаётган эди, самолётда овқат беришадими, йўқми? Негадир олиб келишмаётганди. Унинг самолётда жудаям овқат егиси келаётганди: оч қолганидан эмас, қизиққани

учун. Чунки у самолётда овқат беришади, деб эшитган эди-да.

Қурумсоқлик қилишди, деб уйлади.

Пастга қарай бошлади, пастда тоғдек булутлар куринарди. Чаппа негадир буларнинг ҳаммаси чиройли кўринаяптими, йуқми, аниқ айта олмасди. Атрофидагилар эса: «Қаранг, қандай гузал!» – дер эдилар. Унда негадир бир бемаъни истак – мана шу пахтадек момик булутлар устига қулаш истаси пайдо бўлди. Яна у нимага мен ҳайратга тушмаянман, деб уйларди, пастгача беш километр масофа бор-ку. Хаёлан ергача бўлган уша беш километрни тасаввур қилди, уни миясида айлантриб, ҳайратга тушмоқчи бўлди, тушмади.

– Одамзоднинг уйлаб топганини қаранг! – деди у ҳамроҳига. У Чаппага бир қараб қуйди-да, ҳеч нарсга демади, яна газетасини шитирлатаверди.

– Камарни тақиб олинг! – деди кухликкина аёл. – Ерга қунаямиз.

Чаппа буйсунганча камарни тақди. Қушниси эса парво ҳам қилмади. Чаппа уни секингина туртди:

– Камарларни тақиб олинг дейишаяпти.

– Ҳечқиси йуқ, – деди қушниси. Газетани қуйди-да, уриндиққа ястаниб олди, худди бир нима эсига тушиб қолгандай:

– Болалар – ҳаётнинг гуллари, уларни бош томони билан ерга экиш керак, – деди.

– Қанақасига? – тушунмади Чаппа. «Газетхон» қаттиқ кулиб юборди-да, бошқа ҳеч нарсаси демади.

Самолёт тез пастлай бошлади. Мана, ер ҳам куринди... орқага уқдай учиб бораётган заминга гуё қул узатсанг етади. Ғилдираклар эса ерга теккани йуқ. Кейин биладиганларнинг айтишларича, учувчи «эпложмабди». Ниҳоят, ғилдираклар ерга урилди. Ҳамма уёқдан-бу ёққа қалқиб кетди. Ҳатто, тишларнинг такиллаши, ғижирлаши эшитила бошлади. Бояги «газетхон» эса жойидан учиб кетди ва кал боши билан Чаппага келиб урилди, сунгра ойнага қапишиб қолди, кейин эса полга қулади. Шу вақт ичида ундан бирор марта ун чиқмади. Атрофдаги бошқалар ҳам овоз чиқармасдилар, бу эса Чаппани ҳайратга солганди. У ҳам жим эди. Ҳамма тура бошлади. Олдинроқ ўзига келганлар ойнадан қарашди ва самолёт картошка экилган далага қунганини аниқлашди. Учувчилар хонасидан қовоғидан қор ёғилиб учувчи чиқиб

келди ва эшик томон юрди. Кимдир астагина ундан суради:

– Назаримда, биз картошка даласига кундикми?

– Нима, узингиз курмаяпсизми? – жавоб қилди учувчи.

Ваҳима тугади ва баъзи бир шухроқлар журъатсизгина ҳазиллашишга уриниб курдилар. Тепакал «газетхон» узининг сунъий тиш қопламасини қидирарди. Чаппа камарни ечди-да, у билан бирга излай бошлади.

– Мана буми?! – қувноқлик билан суради Чаппа ва қулидагини унга узатди.

«Газетхон»нинг, ҳатто ялтироқ боши ҳам қизариб кетганди:

– Нима энди, албатта, қул билан ушлаш керак эканми? – қичқирди у вишиллаб.

– Унда нима билан?..

– Мен энди уни қаерда қайнатиб оламан?! Қаерда?

– Юринг мен билан, – таклиф қилди Чаппа. Бу ерда менинг акам яшайди. Сиз мени микроб юқтирди, деб уйлаяпсизми? Менда улар йук. «Газетхон» унга ҳайрон булгандай тикилиб қараб қолди ва қичқиришдан тўхтади.

Аэропортда Чаппа хотинига телеграмма юборди: «Ерга кундик. Куксимга настарин

шохи узилиб тушди. Оппоғим, сен мени унут-
ма, Васкагинанг».

Қоқсуяк, жиддий телеграфчи аёл теле-
граммани уқиб, таклиф қилди.

– Бошқатдан ёзинг. Сиз кап-катта одам-
сиз, болалар боқчасидаги гудак эмас.

– Нима учун? – сўради Чаппа. – Мен унга
доим шунақа ёзардим. У менинг хотиним-ку.
Сиз уйлайсизки...

– Хатингизда нима деб ёзсангиз ёзаве-
ринг, телеграмма эса алоқа тури. Бу очиқ
матн.

Чаппа қайтадан ёзди. «Ерга кундик.
Ҳаммаси жойида, Васкагинанг». Телеграфчи
аёлнинг узи яна иккита – «Ерга кундик» ва
«Васкагинанг», сузларини туғрилади, «Етиб
келдик», «Василий» сузлари қолди.

– «Ерга кундик» эмиш, нима, сиз космо-
навтмидингиз?

– Ҳа, майли, – деди Чаппа. – Шундай бўла
қолсин.

... Чаппа билардики, унинг Дмитрий деган
акаси ва учта жияни бор... Бундан ташқари
яна янгаси бўлиши мумкинлиги хаёлига
ҳам келмаганди. Ана уша янга ҳаммасини
расво қилди. Нимагадир у Чаппани дарров
ёқтирмай қолди.

Кечқурун акаси иккаласи ичишди ва Чаппа хирқироқ овоз билан қушиқ айта бошладди.

Теракла-а-а-ар...

Софья Ивановна нариги хонадан муралаб, ғазаб билан суради:

– Қичқирмасликнинг иложи борми? Сиз вокзалда эмассиз-ку, туғрими? – деди-да, эшикни қаттиқ ёпиб олди. Акаси Дмитрий ноқулай аҳволда қолди.

– Ҳалиги... У ерда болалар ухлаётган эди. Умуман, у унчалик ёмон эмас.

Яна ичишди. Болалик чоғларини, ота-оналарини эслашди...

– Эсингдами?.. – қувонч билан суради акаси Дмитрий. – Айтганча, сен қаердан ҳам эслардинг. У пайтлари кичкина гудак эдинг-ку. Мени сен билан қолдиришарди, мен эса сени қучоқлаб уваверардим, уваверардим. Бир марта, ҳатто, кукариб кетгансан. Бунинг учун роса таъзиримни беришган. Кейин сен билан мени қолдирмайдиган булишган. Мен эса, барибир, уларнинг кузини шамғалат қилиб сенинг ёнингга борардим-у, яна уваверардим. Жин урсин, нимага бунақа қилганман.

Узимни эса ҳали бурним оқиб юрарди...уша
упишлар эса... билмадим бу...

– Айтганча, эсингдами?! – Чаппа ҳам эс-
лашга тушди. – Сен қандай қилиб мени...

– Сизлар бақирнишни бас қиласизларми,
йуқми? – яна ғазаб билан сўради Софья Ива-
новна асаби бузилиб. – Кимга керак сизлар-
ни уша бурун оқишларингу, улишишларинг
ҳақида эшитиш. Ҳасратлашадиган жойни то-
пибсизлар.

– Юр, кучага чиқамиз, – деди Чаппа.

Кучага чиқиб, уриндикқа утиришди.

– Эсингдами? – давом этди Чаппа.

Аммо шу ерда акаси Дмитрий билан ни-
мадир содир булди-ю, у йиғлаб юборди ва
муштлари билан тиззасига ура бошлади.

– Мана, менинг ҳаётим! Кўрдингми? Одам
ҳам шунчалик ғазабнок буладими?! Қанчалик
ғазаб!

Чаппа акасини овута бошлади.

– Эй, қуй, хафа булма. Керак эмас. Ҳеч
қанақанги ғазабнок эмас, улар – жинни. Мен-
да ҳам битта шунақаси бор.

– Хуш, айтчи, нима учун у сени ёқтирма-
ди?! Нима учун? Ахир, сени ёқтирмади-ку!
Айт, нима учун?

Фақат шундагина Чаппа тушунди: рост-дан ҳам янгаси уни ёқтирмади. Нега? Сабаби нима?

– Биласанми, мана нима учун, чунки сен ҳеч қандай масъул одам, раҳбар эмассан. Мен бу аҳмоқни биламан. Эси оғиб қолган уша «масъул одам»и билан. Унинг узи ким? Буфетчи булиб ишлайди бошқармада. Унинг узи ким булибди, ҳеч ким эмас. У ердагиларни куриб дийдиёсини бошлайди... Унинг мени ҳам кургани кузи йуқ – «масъул киши» эмаслигим учун, қишлоқи эканим учун.

– Қайси бошқармада?

– Ҳалиги... тоғ... Ҳозир тилимга келмаяпти. Нимага тегди булмаса? Нима, у мени билмасмиди?

Худди шу ерда Чаппанинг ҳам жаҳли чиқиб кетди.

– Умуман олганда, гап узи нимада? – бақириб суради у акасидан эмас, яна бошқа кимдандир сурагандай. – Агар билсанг, ҳамма машҳур кишилар қишлоқдан чиқишган. Расми қора чизикқа олиниб, таъзиянома берадиганларнинг ҳаммаси қишлоқдан чиққан. Газета уқиб туриш керак! Мансабдор дегани борки, иш фаолиятини қишлоқдан бошлаган.

– Мен унга неча бор исбот қилганман, қишлоқ одамлари яхшироқ, мустақил кишилар деб.

– Степан Воробьёвни эслайсанми? Сен уни билардинг-ку...

– Ҳа, албатта, билардим.

– Уша ҳам қишлоқдан! Мана, марҳамат – қаҳрамон! Тўққизта танкни мажақлаган. Танкка юзма-юз борган. Энди унинг онасига бир умрлик нафақа тайинланган – олтмиш сўм беришади. Яқинда аниқлашди, шунгача бедарак йўқолган деб ҳисобланарди...

– Илья Максимовични айтсанг-чи!.. Биз фронтга бирга жунаган эдик. Марҳамат – «Шуҳрат» орденининг тулиқ нишондори. Аммо, сен унга Степан ҳақида айтма... Керак эмас.

– Майли. Ҳа, ҳалиги-чи!..

Ака-укалар яна анча вақт қизишиб, шовқин солиб гаплашишди. Чапла, ҳатто, қўлларини силкитиб остона атрофида айланарди.

– Қишлоқи эмиш, қаранг!..

– Ҳатто, унинг тоза ҳавоси қандай бебаҳо! Эрталаб шундоқ деразани очсанг, юзинг ювилгандай бўлади. Хоҳласанг уни ичишинг мумкин, шунчалик софки, ҳар хил гулларнинг ифориини айтгин.

Кейин улар чарчашди.

– Томни ёлдингми? – суради акаси.

– Ёлдим, – деди Чаппа секингина. – Айвон курдим, курсанг маза қиласан. Шундоқ кечқурун айвонга чиқасан... хаёл сура бошлайсан. Агар ота-онамиз тирик булса, сен болаларинг билан келсанг, ҳаммамиз бирга малинали чой ичиб ўтирсак. Малина бу йил жуда серҳосил булди. Дима, у билан жанжал қилма, булмаса баттар ёмон куради. Мен ҳам мулойимроқ булишга ҳаракат қиламан, қарабсанки, ҳаммаси жойига тушади.

– Ахир, унинг ўзи ҳам қишлоқдан-ку! – қандайдир ғамгин оҳангда ажабланди Дмитрий. – Болаларни ҳам қийнаб қуйди аҳмоқ, бирини пионина деб қийнайди, яна бирини фигурали учишга ёздириб келди. Юракни қон қилиб юборди, бир нарса десанг, дарров жанжал бошланади.

– Ҳм-м! – яна қизишди Чаппа. – Ҳеч тушунмайман буларни, мана, масалан, биттаси дуконда сотувчи – купол. Эҳ сизларни! Уйга келгач эса анавунақа. Мана, қаерда азоб! Мен эса тушунмайман! – Чаппа ҳам муштлири билан тиззасига урди. – Тушунмайман, нимага уларнинг бари қутургандай.

Чаппа эрталаб уйғонса, уйда ҳеч ким йуқ, акаси Дмитрий ишга кетган, янгаси ҳам. Болаларнинг катталари ҳовлида уйнаб юришар, кичигини эса боғчага олиб кетишганди.

Чаппа урин-тушакни йиғиб, ювинди ва уйлай бошлади: янгасига маъқул келадиган нима қилса экан? Шу пайт унинг кузи болалар аравачасига тушди. «А-ҳа! – уйлади Чаппа, – ҳозир унга шундай расм соламанки». У уйида печкасига шундай расм чизганида ҳамма қойил қолганди. Болалар буёғини, чўткасини топди-да, ишга киришди. Бир соатдан кейин ҳаммаси тамом бўлди; аравачани таниб бўлмасди. Аравачанинг юқорисига арғамчи бўлиб учаётган турналарни, пастки қисмига гуллар, ўсимликлар, чумоли ва бир жуфт хурозу жужаларни чизди... Аравачанинг ҳар томонидан айланиб томоша қилди, ажойиб. Аравача эмас – уйинчоқ. Тасаввур қилди: янгаси ишдан келиб куради-да, шундай ҳайратга тушадики. У жилмайиб қўйди.

- Сен эса қишлоқи, дейсан Чаппавой.
- У янгаси билан келишиб олмоқчи эди. Бола худди саватчада ётгандай сезарди узини.

Чаппа кун буйи шаҳар айланиб юрди, дуқонларга кирди. Жиянига қайиқча сотиб олди, ажойиб қайиқча, оплоқ, чироқлари ҳам бор. «Мен унга ҳам расм чизаман», уйлади Чаппа. Соат олтиларга яқин Чаппа ақасиникига кириб келди. Бўсағага яқинлашганда ичкарида ақаси Дмитрий билан янгаси жанжаллашаётганларини эшитди. Умуман олганда, жанжални янгаси қилаётган, ақаси Дмитрий эса фақат:

– Э, қўйсангчи, нима қилибди? Хул, майли энди... Софья... қўйсангчи энди, – деб минғирларди.

– Эртагача бу аҳмоғингинг қорасини ўчир бу ердан! – қичқирарди Софья Ивановна. – Эртагаёқ кетсин, тушундингми!

– Хул, майли энди!.. Софья...

– Майли эмас! Майли эмас! Кутиб утирмасин, ҳозир жомадонини улоқтираман, жин урсин, тамом-вассалом!

Чаппа шошилиб бўсағадан узоқлашди. Кейин эса нима қиларини билмай қолди. Унинг яна қалби оғриди. Уни ёмон куриб қолишганларида доим қалби озор чекарди. Даҳшатга тушарди. Ҳаммаси тамом бўлгандай, яшагиси келмай қолгандай туюларди.

Қаёққадир, одамлардан узоққа қочиб кетгиси, уни ёмон кураётганлардан олисроқда булгиси келар ёки унинг устидан кулганларини эшитгиси келмасди.

– Нимага энди мен мунақаман-а? – деб афсусланарди у бостирма остида утирганича шивирлаб. – Ахир, унинг халқ ижодини тушунмаслигига ақлим етиши керак эди-ку.

У қоронғи тушгунча бостирма остида ўтирди. Юраги ҳамон оғрирди. Кейин акаси Дмитрий келди. Худди укаси Василий бу ерда анчадан бери утирганини билгандай, хайрон ҳам булмади.

– Қара... – деди у. – Анави, яна шовқин кўтарди. Аравачани... унақа қилмаслигинг керакмиди.

– Мен унга маъқул булади, деб уйлагандим. Мен кетаман, акажон.

Акаси хўрсинди... аммо ҳеч нарса демади.

Чаппа уйига ёмғир шивалаб ёғаётган пайтда етиб келди. Автобусдан тушди-да, оёқ кийимини ечди ва илиқ нам ерда бир қулида туфлисини, бир қулида жомадон кўтарганча югуриб кетди. Сакраб, сакраб қушиқ айтарди.

Теракла-а-р... Теракла-а-р...

Осмон бир чеккасидан очилиб келар, мовийлашиб борар ва қуёш ҳам қаердадир яқингинада эди. Ёмғир ҳам сийраклашиб, йирик томчилар кулмакларни савалар, пуфакчалар ҳосил булар ва ёрилиб-ёрилиб кетарди. Бир жойда Чалпа тойиб кетиб, йиқилишига озгина қолди.

Уттиз туққиз ёшга кирганда – уни Василий Егорьевич Князев деб аташарди. У қишлоқда киномеханик бўлиб ишларди. Изқуварлар ва итларни жудаям яхши курарди. Шунинг учун болалигида шпион бўлишни орзу қиларди.

ОЛДИДАН ВА ЁНИДАН

Дарвоза ёнидаги ёғоч ўриндикда бир қария утирарди. Унинг афт-ангори рангсиз, ўзи анча чарчаган эди. Қариянинг ҳам анча авваллари қуёшли кунлари бўлган, у ер юзида енгил қадамлар билан юрган, ернинг борлигини ҳис қилган ҳам. Энди эса бошқача. Қишлоқдаги кечки тутунли оқшом. Ўриндикқа ориқ, қуллари узун, юзлари ажин босган йигит келиб ўтирди.

Бунақалар куринишидан рамақижонга ухшашса ҳам, ишга чидамли бўлишади, худди отларга ўхшаб. Ҳаммомда ҳам бошқалардан кура купроқ терлашади. Йигит чуқур хурсинди ва чека бошлади.

– Айланиб юрибсанми?

– Бу сайр эмас, бобой, – деди Иван бирпасдан кейин. – Кучукнинг куз ёши. Бир ярим сўм йуқми сенда?

– Қаердан бўлсин?

– Бошим тарс ёрилай деяпти.

– Ишинг масаласи нима бўлди?

– Ҳеч қандай. Паншахани ол-да, молхонага бор дейишаяпти

– У ким? Директорми?

– Ҳа-да. Менинг эса чунтагимда учта мутахассислигим турибди, бундан ташқари, деярли туққизинчи синф маълумотим бор. Узи ишласин эшакдай, агар шунчалар ақлли булса.

– Ҳайдовчилик гувоҳномангни қанча муддатга олиб қўйишди?

– Бир йилга. Бор-йўғи бир куружка (сархум) пиво ичгандим! Ва бир стакан қизилидан. У булса ёпишиб олди. Утган йилдан буен пойлаб юрарди, мараз. Ҳув уша пайти мен уни «онасиникига жунатгандим», тиш қайраб юрарди...

– Сен ўзинг ҳам қандайдир... жудаям келишолмайдиганлар хилидансан-да, йиғит. Сал муомалалироқ бўлиш керак. Ҳуш, мана энди нима қиласан уларни? Улар – бошлиқлар...

– Ҳуш, нима бупти?

– Энди жимгина утираверасан. Учта мутахассислигингдан нима фойда. Лозим жойда жим бўлиш, тилни тия билиш керак.

Экинзорларда поя ёқишарди. Ҳадемай ерни ағдариш керак. Ҳар йили шу иш такрорланар, одамларнинг жонига ҳам тегмасди, ҳар доим шу ачимсиқ ҳиддан – ердан кутарилган буг аралаш намхуш ҳаводан нафас олиш, нафас чиқариш оғир кечарди.

- Керак пайт тилни тия билиш керак, йигит, - такрорлади қария экинзорлардан куринаётган гулханларга тикилиб. - Бизнинг ишимиз шундай.

- Эй, мен унча куп хурганим ҳам йуқ эди, - истамайгина жавоб қайтарди Иван. - Агар ҳар нарсага ёлишиб олаверишмаса... Энг асосийси, мен йул қондасини бузмаганман! - яна аччиғланиб хитоб қилди у. - Бир стакан вино, бир сархум пиво учун одамни транспорт бошқариш ҳуқуқидаги маҳрум қилиш... Маразлар.

- Четандан узалиб қара-чи, менинг кам-пирим экинзордамикан?

- Нега?

- Уйда, печканинг тагида қулболасидан бор. Мен сенга бош оғриққа олиб чиқардим.

Иван шошиб урнидан турди, буйнини чузиб экинзорга қаради.

- Уша ерда, - деди у, - турдаги бурчакда. Бу томонга умуман қарамаяпти.

Қария уйига бориб келди. Бир шиша қулбола ароқ билан озроқ газак ва стакан келтирди.

- Нега сен шуни дарров айтмагандинг, - деди шоша-пиша Иван. - Индамай утиришингни қара-я!..

У стаканга ароқ қуйди-да, бир кутаришда сипқорди.

– Мен мана шунақасини ёқтираман. Бунақасини куп ҳидлаб утирмай, шартта ичиш керак. Ки-ҳ-ҳи... Ич. Фақат бирданига.

Қария шошилмай ичди, бататдан олиб газак қилди..

– Ростдан ҳам бензиндай, туғрими?

– Қулболага ухшаган, қулбола. Қанақанги бензин?

– Мана, курдингми?! – Иван кафти билан кукрагига урди. – Энди яшаса булади. Раҳмат, бобой. Мановиндан. Хоҳлайсанми меникидан? – У «Помир» қутисидаги сигаретдан узатди.

Қария букилмай қолган бармоқлари билан бир дона сигаретани қутидан аранг чиқарди, эзғилаб-эзғилаб унга диққат билан тикилди-да, тутатиб олди.

– Петька ёзаяптими узи?

– Ёзаяпти. Яқинда мен уламэн, Иван.

– Э, қуйсангчи..

– Қуйсанг, қуймасанг... жойига тушади, – қария хотиржам гапирарди.

– Бирон еринг оғрийдими?

– Йуқ. Сезаялман. Сенам шунча ёшга кирсанг, сеза оласан.

Ивanning кайфияти чоғ булганлиги учун улим ҳақида гаплашишни истамасди.

- Э, куй, ҳали яшайсан. Гармонни олиб чиқсаммикан?

- Олиб чиқ.

Иван йулни кесиб утди-да, уйига кирди... У узоқ вақт чиқмади. Кейин гармонни кутариб келди, аммо қовоғи яна солиқ эди.

- Онам, - деди у, - умуман-ку, ачинаман...

- Ҳалиям кетмоқчимисан?

- Бошқа нимаям қиламан? - Иван ҳозиргина онасига ҳам шундай деб чиққанди. - Ахир, мен қилолмайман ану ишни... Э бори, кирса кириб кетмайдими шайтоннинг... уясига? Мен Шимолий денгиз йулини босиб утганман... Мотор устасиман, бешинчи разрядли чилангарман. Хуп, майли, бир йил ҳайдамасам ҳайдамабман, наҳотки... Эй, шайтон кутарсин!

У гармонни олди ва бирор нарса чалишга уринди, кейин яна қуйди. У ғамгин бўлиб қолди.

- Ҳеч омадим келмаяпти, бобой. Ҳечам. Узоқ Шарқда уйланган эдим, туғрими? Қизим туғилди... У булса қулоғимга лағмон осди-да, Ленинградга, онажонисиникига кетди-қолди.

Билдингми? У турмуши ҳақида тез-тез гап-
рарди.

– Нимага энди Ленинградга, а?

– У Узоқ Шарққа техникум йўлланмаси
билан келган эди. Менга унинг кераги ҳам
йўқ. Қизимга ачинаман. Тушларимга киради.

– Сен энди унинг ёнига борасанми?

– Хотинимнинг ёнигами? Унинг эрга тек-
канига икки йил булди. Ёш, чиройли, кала-
муш.

– Булмаса, қаёққа?

– Бир журамнинг ёнига... Шахтага. Балки
бутунлай эмасдир. Балки бир йилга.

– Бир йилга, сизларда бунақа булмаяпти-
да. Осонгина ҳамма кетиб қолмоқда.

– Хуш, мен бу ерда нима қиламан?! – Яна
қизишди Иван. – Бояги жойга бориш... Эй
бор-эй, шайтон олсин!

У гармонни олди-да, чала бошлади. Хулди
зарда қилгандай, қушиқ куйлай бошлади:

*Севганим билан яшайман, мана,
Оҳ пра-ра-ра-ра-пра-ра,
Севганим-чи, кетиб боради,
Мени ташлаб, сен ҳам бир қара.
Жажжигинам, қўрқмагин асло
Азоблашга яралган дунё...*

Қария ҳамон хотиржам тингларди.

– Узим туқийман, – деди Иван. – Бирдан, туппа-туғри туқиб кетавераман. Кечаси билан айтиб чиқишим мумкин:

*Биз сизга таъзим қилмаймиз
Олдан ҳам, ёнбошдан ҳам:
Тилла ҳал берилган «рамкадан»...*

– Вайсақисан, Иванжон, – деди қария, – хуш, борсанг нима бўпти, бир ишлаб берардинг чучқахонага... Онангга раҳминг келмайдими? У ахир бир умр мана шундай ёлғиз яшаб келаяпти.

Иван чалишдан тухтади. Анча вақт жим қолди.

– Гап бунда эмас, бобой. Менга алам қилади-да. Нима, уйлайсанки, мени жойлаштириш учун уларда бошқа иш жойи йўқми? Нима, уларга яна битта чилангар халақит қиладими? Директор ҳам менга тиш қайраб юрибди. Мен унинг қизини икки марта клубдан кузатиб қуйган эдим, у хавфсирай бошлади. У хавфсираши мумкин: чунки ақли яримта. Мен гаплашишни қойиллатаман... Мен унга яхши бир совға ҳадя қилишим мумкин эди. Афсуски, бу ишни қилмабман.

– Нима деб келтирардинг совғани?

– Аҳа. Шундоқ камтаргина, саккизинчи мартга атаб.

– Ҳа, сизлар буни эплайсизлар.

– Умуман кайфиятим йуқ, бобой. Нима учун бунақа? Ҳеч нарса қилгим келмайди... нимага... худди гувоҳдек. Мен бир марта гувоҳ бўлганман: биттаси бировнинг кузойнагига туширди, уни эса кузи хиралашиб қолибди. Шундай қилиб мен судда утирибман ва ҳеч нимага тушунмайман; нима учун мен бу ерда утирибман, бунга менинг нима алоқам бор? Жудаям бемаъни иш! Хуш, курганман, нима бўпти. Суд тугагунча қийналиб кетдим. – Иван экинзорда ёнаётган гулханларга тикилиб хурсинди ва жим бўлиб қолди. – Бу ерда ҳам гуё шундай. Утирибман-у, уйлайман: «Менинг нима алоқам бор?». Суд узоқ чузилса ҳам тугади ва мен чиқдим. Бу ердан қаёққа борасан? Чиқолмайсан.

– Бу ердан битта йул – нариги дунёга йул бор.

Иван стаканга қуйди-да, ичди.

– Бу ҳаётда бахт йуқ, – деди у ва туфлади. – Сенгаям қуяйми?

– Етади.

– Мана, сенга яшаш ширин бўлдим?

Қария узоқ вақт жим бўлиб қолди.

– Сенинг ёшингда мен бундай деб уйла-масдим, – деди у астагина. – Билардим, уч кишининг ишини қилардим. Ноннинг узидан қанча тайёрлардим... Агар ҳаммасини йиғса, қишлоқни бир йил туйғизса бўлади. Уйлашга вақт бўлмаган.

– Мен эса нима учун ишлаётганимни бил-майман. Тушуняпсанми? Худди ишга ёллан-гандайман. Хуш, «Нима учун?» – деб сура – билмайман. Наҳотки фақат қорин тўйдириш учун бўлса. Хуш, қорним тўйди. Кейин-чи? – Иван жиддий суради ва қариянинг нима де-йишини кутди. – Кейин нима? Кўнгил худди латтага ўхшаб қолган...

– Чарчаб етилган, – тушунтирди қария.

– Сен ҳам билмайсан. Сизларда ҳеч қа-нақа улуғ ният бўлмаган, шунинг учун қониқтирган... Сизлар уйқусираб юргансиз. Мен сизларга ўхшаб яшай олмайман. Менга нимадир, улканроқ нарсалар керак.

– Қани қуй-чи, – деди қария. Ичди. У ҳам туфлади. – Қирқоёқлар, – деди бирдан жаҳли чиқиб. – Ер юзиди у ёқдан-бу ёққа, бу ёқдан-у ёққа юриб каловланасизлар, ҳеч қандай маъно йўқ. Ҳар хил машиналарни ясаб таш-лашган... Тфу-у. Рак қаердан пайдо булаяпти?

Сизларнинг бензинингиздан, унинг тутунидан. Ҳадемай бола туғишни ҳам эсдан чиқарасизлар.

– Йўғ-э, ундаймасдир.

– Ўзларинг бошқача яшаётганларингни биласизлар, яна «улкан ишлар» деб, дод соласизлар. Унда нимага жирканасан?

– Сенга қайси гапим тегиб кетди? Сизлар «уйқусираб» деганимми? Хуш, унда сизлар қанақасизлар?

– Дангасасизлар. Оқсуяклар. Сизлар ҳозир шундай: сиз ярамасларга бир қатнов учун бир сўм йигирма тийин тулайдилар, бир кунда тўрт сўм ишлашинг мумкин, улар эса икки қатнов қилади-ю, отни буйинтуруғидан чиқаришади. Ўзи эса чўққани бир уриб ағдаргудек бақувват. Масалан, менга бир қатнаб бориб келганимга йигирма беш тулашарди, кунига беш марта қатнардим, уч-тўртта аравада. Меҳнат кунларини ишлардик-да, йил буйи қилган меҳнатинг учун қанча тулашларини кутардик. Бизга эса мойланган шимилдирик («шиш» икки бармоқ орасидан куринган учинчи бармоқ) беришарди. Сизлар эса нима учун ишлайин деб нолийсизлар! Сен ойига бир ярим минг сўм ишлаб топгинг келмай-

ди, мен эса бунақа пул учун ёз буйи меҳнат қилардим.

– Э-э, менга бунча пулнинг кераги йуқ, – деди Иван худди кариянинг жиғига тегмоқчидек. – Сен буни тушуна оласанми? Менга нимадир бошқа нарса керак.

– Керак эмасмиш, бош оғриғига эса бир ярим суминг йуқ. Юрибсан, худди тиланчидай... Унга керак эмас! Онанг меҳнатдан адо булди. Иблислар... Дангасалар. Қуёш ҳали тиккада турибди-ку, булар ишдан қайтиб келишади. Яна машинада қушиқ айтиб! Ургилдим, сизлардака ишловчидан, сизлар фақат клубда ҳуштаквозлик қилишга-ю, оталарга «совға» ясашга устасизлар.

– Йуқ, энди аввалгидай ҳаёт кечирмайман, энди... Умуман олганда, расман сен ҳақсан, аммо от ҳам ишлайди-ку...

– Бу кишим чўчқахонада ишлашдан уялармиш! Гушт ейишдан уялмайсан-ку?

– Бобой, барибир, тушунмайсан, – хурсинди у.

– Бизга йул булсин!

– Мен сенга айтаяпман, туйдим. Кейинчи, мен билмайман. Лекин битта нарсани биламан, бу мени қониқтирмайди. Мен фақат қорним учун ишлашни хоҳламайман.

Қария заҳарханда кулди.

– Ландовур, Хотининг нимадан кетиб қолди? Ичишингдан бешибми?

– Мен олифта эмасман, лекин зур денгизчи мутахассис эдим. Кетганиними?.. Билмайман. Айнан, олифтароқ булмаганим учун булса керак.

– Сен ким булмаган эдинг?..

– Бу ҳалигидақа... – Иван гармонини тахтага қўйди-да, чекди, узоқ вақт уйланиб қолди. Қўққисдан эси оғиб эмас, қандайдир хавотир билан касалга ухлаб деди:

– Ростдан ҳам нима учун яшаётганимни билмайман.

– Уйланишинг керак.

– Ҳайрон қоламан. Мен аҳмоқ эмасман-ку, кунглимни қандай хотиржам қилай? У мenden нима сураяпти? Нега мен уни тушунмаяпман!

– Уйлан, саланглаб юрмайсан. Бунга вақтинг ҳам булмайди.

– Йўқ, бунақа эмас. Мен севгидан оташ булиб ёнишим керак. Бу ерда қандай ёнасан! Тушунмайман: фақат мен шундай аҳмоқманми ёки бошқалар ҳам аҳмоғ-у, индамай юришадими. Ишонасанми, йўқми: кечаси

уйлайман, уйлайман-у, узимни шу даражада ёмон ҳис қиламанки, додлаб юборгим келади. Нимага?

– Тфу-у! – Қария бошини сарак-сарак қилди. – Халқ умуман бузилиб бўлди.

Кун эса аста-секин оғиб, намхуш илиқликдан эриётгандай қорайиб борарди. Полизлардаги гулханлар ёрқинроқ курина бошлади. Тутун яна ҳам аччиқроқ тараларди. Ҳали анча вақтгача гурунглашиб, бататни ёқишади. Овозлар ҳам тиниқроқ эшитила бошлайди, қишлоқда шовқин ва ғала-ғовур аста-секин тинади. Қоронғулик қуюқлашади. Экинзордаги гулханлар учади. Ва қаердандир – яқиндан эркак кишининг тиниқ овози эшитилади.

– Хуш, кетдик энди.

Бугунги кун қанчалик секин, осойишта ва хомуш утган бўлса, эртага шу даражада ёруғ, шодон, янгроқ янги кун келади. Қишлоқ буйлаб хурозларнинг қичқиргани эшитилади. Одамлар шошилиб ғимирлашади. Кечикишади.

Иван вақтли турди. Каравотда утириб, полга тикилди. Кунгли ғаш, тушкун аҳволда эди. Кийина бошлади. Онаси печкани ёқди,

яна тутун ҳиди келди, аммо бу бошқачароқ – куруқ, тонгги қишлоқ ҳиди эди. Онаси ташқарига чиқмоқчи бўлиб эшикни очганида, кучадан тоза ҳаво кирди. Бу тоза ҳаводан музлаган шишадек кулмаклар ҳиди анқирди.

– Бориб директорга учрашсаммикан-а, илтимос қилардим, – гап қотди онаси.

Иван соқолини олаётганди.

– Яна нима! Оёғининг остига йиқил, хурсанд булади.

– Хуш, унда энди нима қилсак булади? – Онаси бу гапни ялингандай бўлиб туюлмаслиги учун ишончлироқ, қатъийроқ қилиб гапирди. У бу балки охирги суҳбатлари бўлиши мумкинлигини тушунарди. – Одамлар боришаяпти, илтимос қилишаяпти, тиллари кесилгани йўқ.

– Мен бордим. Илтимос қилдим.

– Сен танқай бурунни биладан-ку, қандай сураганингни. Ҳуришни биласан фақат...

– Она, бўлди қил.

Онаси бошқа чидай олмади, уриндиққа ўтирди-да, секин йиғлаб юборди ва аста кийин бошлади:

– Айт, қаерга бормоқчисан? Шайтоннинг учоғигами. Менинг пешонамга бутун умр

қийналиб яшаш ёзилган экан. Уғлим, нима учун ёлғиз узинг ҳақингда уйлайсан-а?

Куз ёшлари тукидишини Иван биларди. Шунинг учун ҳам кунглининг тубида оғир тош ётарди, юраги зирқиради. Шу сабабдан ҳам у вақтидан аввал қовоғини уйиб олганди.

– Нима, сен мени... урушга жунатаялсанми? Мен у ерда нима?.. Э, ҳаммаси йуқ булсин. Бирдан куз ёши. Бу куз ёшларингдан менга кун йуқ.

– Бориб келсам, сурасам буларди, у тош эмас-ку, бирор юмуш топиб берар. Булмасам, инспекторга бориб учраш. Нимага дарров кетаманга тушасан. Ана Колька Завяловнинг ҳам ҳайдовчилик гувоҳномасини олиб қуйинганди, борди, гаплашиб туғрилади... Одамлар билан гаплашиш керак...

– Ҳайдовчилик гувоҳномам энди милицияга утиб кетди. Кеч.

– Унда милицияга борсанг..

– Хо-хо! – қизишди Иван. – Гапини қаранг!

– Эй Худо, эй Худо... Бир умр шундай. Нега энди менинг пешонамга бундай қисмат битилган экан! Нима, менга қарғиш текканми-кан?..

Ноқулай вазият руй бераётганди. Иван ҳовлига чиқди, қўл ювгич ёнига бориб ювинди, майкачан ҳолда дарвоза ёнида туриб қолди. Қишлоққа қаради. Бу ердаги ҳамма нарсa кўнглига яқин. Узоқ йўл олдидан эса кўнглида хотиржамлик туймасди. У йўлга чиқишдан қўрқмасди, аммо кўнгли хотиржам эмасди, жунаётганда хурсандчилик билан жунаш керак эди. Қаердандир чиройли ити Дик келиб қолди ва эркаланиб суйкала бошлади.

– Қоч! – Итти нари итариб, уйга қараб кетди.

Онаси дастурхон тузаётган эди.

– Чўчқахонада ишлаб турсанг бўлади-ку...

Улар – оналар қатъиятли ва доим ёрдамга муҳтож.

– Ҳеч қандай қистов утмайди, – деди узил-кесил Иван. – Бутун қишлоқ кулади, мен яхши биламан нима учун улар мени чўчқахонага тиқиштираётганларини. Фақат, уларнинг айтгани бўлмайди.

– Вой Худо, вой Худо...

... Нонушта қилдилар.

Онаси буюмларни жомадонга жойлади-ю, шу ернинг узида – очик жомадон ёнида пол-

га утириб олди ва яна йиғлай бошлади. Энди ҳеч нарса демай йиғларди.

– Қуй энди. Бир йилча ишлайман-у, келаман?

– Балки учрашиб келарман, уғлим? – Пастдан туриб уғлига қаради онаси, кузларидаги ғам шундоқ сезилиб турарди, умид ва илтижо, тоқатсизлик аксланарди. – Ундан илтимос қиламан. У яхши одам.

– Она... менга ҳам оғир, ахир.

– Балки милициядагиларнинг бирортасига бериш керакдир. Нима, олмайди деб уйлайсанми? Ҳа, олишмайди! Колька Завялов бермаган дейсанми? Берган... Қандайдир йул билан беришган.

– Ҳали бу ерда ҳеч нима маълум эмас, ким кимга тикиштирганиям. Мен уларгами ёки улар менгами.

Олдинда печка билан хайрлашиш ҳам бор эди. Ҳар доим Иван бирор ёққа – узоқроққа жунаётганда, онаси уни печка билан хайрлашиб, уни уч марта упишга мажбур қиларди ва: «Онажоним печ, сен мени қандай едирган, ичирган бўлсанг, шундай оқ йул тилаб, фотиҳа бер, узоқ йулга чиқмоқдаман», деб айттирарди. Бундан ташқари, у Иван бу гап-

ларни анча олдин ёдлаб олган бўлса ҳам, ҳар доим қандай сузлар айтилиши кераклигини сузма-суз эслатиб турарди.

Иван уч марта пешонасини печга теги-
зиб: «Печка, онажон, сен мени қандай едир-
ган, ичирган бўлсанг, узоқ йул олдидан менга
шундай оқ фотиҳа бер», – деди.

... Она, уғил ва ит кўчада кетиб боришар-
ди: Иван онасининг кузатгани чиқишини ис-
тамасди, одамлар деразаларидан куз тикиб:
«Ванька кетаяптими... каёққа?» дейишлари-
ни хоҳламасди.

Йулда кеча кечқурун гаплашган қарияга
дуч келди. Иван тўхтади. У онасини бирпас-
дан сунг қушни қария билан уйга қайтар, деб
уйлади.

– Кетаяпсанми?

– Кетаяпман.

Чекишди.

– Балиқ тутдингми, дейман?

– Бир-икки тузоқ қўйгандим, ҳали эрта
экан.

– Ҳа, ҳали эрта.

Онаси қўллари билан фартугини ги-
жимлаганча, суҳбатга эътибор бермай, уғли
кетадиган томонга уйчан тикилиб турарди.

– У ёқларда куп ичма, – тайинларди қария.
– Шаҳар – бу шаҳар, ҳамма бегона. Аввал куникиб урган...

– Нима, мен пиёнистамидим?

Улар яна бирпас туришди.

– Худо ёр булсин! – деди қария.

– Омон бул.

Қария уз йулига кетди. Иван онасига қаради... У ҳамон узоқ-узоқларга тикиларди, она-бола озроқ юришди.

– Она.. уйга қайтсанг буларди.

Онаси эшитиб тухтади, Иван уни оҳиста кучоқлади... Уғлининг куксига қуйган боши қалтираб кетди. Энг оғири шу эди. Ҳозир уни узидан ажратиб, кетиши керак.

– Майли, она, борақол. Борган заҳоти хат ёзаман. Шундоқ етиб бораман-у... Менга жин ҳам урмайди! Бошқалар нима, кетишмаяпти-ми? Борақол.

Онаси уни чуқинтирди... Ва жойида туриб қолди. Иван эса кетиб борарди. Ити унинг ортидан эргашди. У доим хужайини билан ишга борарди.

– Йуқол! – деди жаҳл билан Иван.

Дик эса думини ликиллатиб, ҳамон унинг олдида югуриб борарди.

– Дик! Дик! – чақирди Иван.

Дик югуриб келди. Иван уни қаттиқ тепди, ит вангиллаб четга қочди. Ва ҳайрон бўлиб хужайинига боқди. Иван тескари қаради. Дик думини ликиллатди-ю, урнидан турди, аммо унинг ортидан чопмай жойида қолди. Лекин, барибир, хужайинига қараб ҳайрон тикиларди.

Ундан сал нарида эса онаси турарди... «Йуқ, ҳаётда ёлғиз яшаш керак. Шунда осон бўлади», уйлади Иван тишларини маҳкам қисиб. Тезда катта-катта қадам ташлаб, автобус томон юра бошлади. Онаси эса унга тикилганча жойидан қимир этмай турарди.

УЙЛАР

Ҳар куни аҳвол шу.

Қишлоқ сал тинчиб одамлар ухлагач, у бошлайди. Авжига чиқади. Лаънати, қишлоқнинг адоғидан бошлайди-ю, келаверади. Чали-иб келаверади. Унинг гармони ҳам қандайдир бошқача – қичқиради. Овоз чиқармайди – қичқиради. Нинка Кречетовага маслаҳат қиладилар:

– Тезроқ эрга тегақолсанг-чи, унга. У шайтон бизга кун бермай қўйди-ку. Нинка эса сирли кулумсираб:

– Сизлар тингламанглар уни. Яхшиси, ухланглар, – деб қўяди.

– Қандай уйқу бўлсин, деразанинг тагига келиб олиб гармонини чўзаверса. У яқин йўлдан, дарё қирғоғи бўйлаб эмас, бу ерда авжига чиқаради! Атайлаб қилгандай. Колька Малишкин эса, лаблари қалин, келбатли йигит, кичкина кўзлари билан бақрайиб қараб туради-да, даъво қилади:

– Ҳаққим бор. Қонунда бу ҳақда ҳеч қандай тақиқ йўқ, – дейди.

Хужалик раиси Матвей Рязанцевнинг уйи ҳам шу ерда, Колька кўчанинг муъолиши-

дан чиқиб келиб, қайриладиган жойда авжига чиқаради. Бундан чиқадики, гармоннинг ғийқиллагани бурилишдан, уйни айланиб утиб кучанинг охирига боргунча эшитилиб турарди.

У кучада жаранглай бошлаши билан Матвей каравотга утириб, оёқларини полга қуярди-да:

– Бас, эртадан бошлаб хужаликдан қувиб соламан. Бирор нарсани баҳона қиламан-да, ҳайдайман, – дерди.

У ҳар кечаси шунақа дерди, аммо ҳайдамасди. Фақат кундуз кунлари Колькани учратиб қолса:

– Сен қачонгача кечаси билан дайдиб юрмоқчисан? Одамлар меҳнат қилганларидан кейин дам олишлари керак, сен эса қулоқни батанг қилиб юборасан!

– Ҳаққим бор, – дерди Колька яна.

– Мен сенга ҳаққингни курсатиб қуяман, шошмайтур!

Шу билан бўлди, луписа тугарди. Лекин ҳар куни Матвей каравотида утириб олиб, ваъда қиларди:

– Эртага ҳайдайман.

Шундай дея каравотда узоқ вақт утирар ва уйларди...

Гармонь энди кучанинг охирига етган, овози деярли эшитилмас, у булса ҳамон утирарди. Қуллари билан стулда осиглиқ шимини ковлаштириб папирос олар ва чекиб хаёл суларди.

– Бас қилсанг-чи, тутатишни! – ғулдирарди хотини Алёна уйқусираб.

– Ухла, – дерди қисқа қилиб Матвей.

Нима ҳақида уй суларди? Шундай... Ҳеч нарса ҳақида. Ҳаётни эсларди. Аниқ бирор нарсани эмас, узук-юлук ҳодисалар келарди хаёлига

Осмондаги тулин ойдан сутдек ёришган кечаларнинг бирида деразадан гармонь овози келаётган тунда, «қайин»нинг аччиқ ҳиди димоққа урилаётган пайтда қоп-қоронғи тунни эслади. У отаси ва укаси Кузьма билан пичан уримида эди. Яйлов қишлоқдан ун беш чақиримлар узоқда, сойликда эди. Шундай кечаларнинг бирида Кузьма бирдан хириллай бошлади; кундуз куни айна иссиқ пайти у терлаб туриб муздек булоқ сувидан ичган эди. Кечаси унинг томоғи хиппа бугилди.

Отаси Матвейни уйғотди ва энг тез, учқур «уйноқи» отни ушлаб келишни, зу-

виллаб бориб, иложи борича тез югуртириб қишлоқдан сут олиб келишни буюрди.

– Мен бу ерда ўт ёқиб тураман... Олиб келганингдан сунг қайнатамиз. Укангга қайноқ сут ичиришимиз керак, тезроқ бул, Худо курсатмасин, булмаса...

Отаси уёғини айтолмади. Матвей отларни товушидан қаерда утлаб юришганини аниқлади ва «уйноқи»ни эгарлаб, қамчи босганча қишлоқ томон елиб кетди. Мана... Ҳадемай Матвей олтмишга киради. Уша пайтда у ун икки ёшларда эди. Ҳамон уша тун ёдидан чиқмайдн.

От ва одам бир бўлиб қоронғида учиб кетишарди. Тун уларга қараб югурар, майсаларнинг шабнамдан нам тортган хиди юзига уриларди. Йигитчани қандайдир ёввойи тошқинлик чулғаб олганди: қони гулириб, боши ғувилларди. Бу парвоз эди – одам худди ердан узилиб учиб кетаётгандай. Атрофда ҳеч нима куринмас – ер ҳам, осмон ҳам, ҳатто отнинг боши ҳам – фақат қулоқларида туёқ шовқини ва бутун олам урнидан қузғалиб, унга қараб елиб келарди гуё.

Укасининг аҳволи оғир эканлиги хаёлига келмасди. Ҳеч нарсани уйламасди. Қалби жушар, вужудининг ҳар бир тори таранг тор-

тилганди. Қандайдир ёқимли истак вужуди-
ни қамраб олганди.

Давоми ғамгин бўлди... У сутни олиб кел-
ди, отаси кичкинтойини куксига босиб гул-
хан атрофида чопар, гуё уни аллалагандай
буларди:

– Ҳой ўғлим... нега бундай қиласан-а?
Озроқ чидагин. Озроқ чидагин. Ҳозир сут
қайнатамиз, ҳозир нафас оласан, ўғлим, кич-
кинтой... Мана, аканг сут олиб келди! – Кич-
кинтой Кузьма эса буғилар, кукариб кет-
ганди.

Матвейнинг ортидан онаси етиб келга-
нида Кузьма улганди. Отаси қўллари билан
бошини чангаллаб утирар, тебраниб товуш-
сиз чузиб ингранарди. Матвей ҳайрон бўлиб,
қандайдир ғалати қизиқиш билан укасига
қарарди. Кечагина у билан пичан ғарами
устида думалаб уйнагандилар, ҳозир эса но-
таниш, оқ-кукиш, бегона бола ётарди.

...Фақат ғалати: нима сабабдан лаънати
гармонь хотирасида уша тунни, шу воқеани
жонлантирди экан? Ундан кейин бутун бир
ҳаёт ўтди-ку: уйланди, коллективлаштириш,
уруш йиллари. Шунга ўхшаш яна қанча ке-
чалар ўтди-кетди! Ҳаммаси қандайдир унут
бўлган, хиралашган. Матвей бир умр нима

қилиниши лозим бўлса, шуни қилди: жамоа хужалигига кириш керак дейишди – кирди, уйланиш вақти келганда уйланиб, Алёна иккаласи болаларни дунёга келтиришди, улар улғайишди. Уруш бошлангач, жанг қилгани жунади. Ярадор бўлиб, бошқалардан аввалроқ қайтиб келди. «Матвей, хужаликка раис бўл, бошқа ҳеч ким йуқ», – дейишди. Бўлди. Тез киришиб кетди бу ишга, унга ҳам ўрганиб қолишди, ҳозиргача судраб келаяпти шу ташвишларни. Бутун умри давомида хаёлида фақат ишлаш, ишлаш. Урушда ҳам иш эди. Ҳамма қувончу ташвишлари иш билан боғлиқ бўлган. Қачонки, масалан, атрофдагилар «муҳаббат», деб гапирганларида, у сал англай олмас, сал тушунмас эди. У оламда муҳаббат деган нарса борлигини биларди, балки ўзи ҳам Алёнани оз-моз севгандир (қизлигида у чиройли эди), аммо бу ҳақда шундан ортиқ нарсани билмайди. У бошқалардан ҳам шубҳаланар, гуёки уларнинг севги ҳақида қушиқ куйлашлари, азоб чекишлари ва, ҳатто, бир-бириларига гап отишларини хужакурсинга деб тушунар, одат бўлиб қолган одамларга: севги ҳақида гапириш лозимми, марҳамат, севги ҳақида гапиринглар, лекин, охир-оқибат бари бир нарса

учун, уйланиш учун керак! Нима, анави Колька севадими? Ҳа, албатта. Нинка унга ёқади, соғлом, силлиққина қиз. Аслида уйланиш вақти етиб келди, шунинг учун у аҳмоқ кечаси билан дайдиб юради. Нима учун юрмаслиги керак экан? Ёш, кучи танасига сиғмайди... Ҳар доим ҳам шунақа булган. Яхшиям ҳозир қиз талашиб, урушмайдилар, авваллари те-валашардилар. Матвейнинг ўзи ҳам бир неча бор солишган. Қўллари қичиганидан, кучи танасига сиғмай қолганидан шундай буларди. Кучни қаергадир сарфлаш керак-да. Бир куни Матвей каравотида мана шуларни уйлаб утираркан, чидолмади, хотинини туртиб уйғотди.

– Менга қара, эшитяпсанми, уйғон, мен сендан бир нарса сурамоқчиман...

– Сенга нима булди? – ҳайрон булди Алёна.

– Сенда қачонлардир севги булганми? Менгами, бошқа бировгами. Фарқи йуқ. Алёна ҳайрон булиб анча вақт жим ётди.

– Мабодо, сен ичганинг йуқми?

– Э, йуқ! Сен мени севганмидинг ёки шунчаки... одатга кўра турмушга чиққанмидинг? Мен жиддий сураяпман. Алёна эри ичиб ол-маганини тушунди, аммо яна узоқ вақт жим

қолди – у ҳам билмасди, эсидан чиқиб кетганди.

– Нимага каллангга бундай нарсалар келиб қолди?

– Ҳай, шу бир нарсани билгим келди, жин урсин. Кунглимда... алғов-далғон нимадир бўлди. Иссиғим бўлса, жойида.

– Севганман, албатта! – ишонч билан гапирди Алёна. – Севмаганимда тегармидим. Анови Минька Коралёв ортимдан қанча югурганди. Тегмадим-ку. Нимага сен ярим кечаси севги ҳақида эслаб қолдинг. Уйқусирайдиган бўлиб қолмадингми?

– Э, бор йуқол, – хафа бўлди Матвей. – Ухла.

– Сигирни эрталаб подага қуш, сал бўлмаса ёдимдан чиқаёзибди. Биз саҳарда хотинлар билан мева тергани чиқиб кетамиз деб келишиб қўйдик.

– Қаерга?

– Э, сенинг ўроқ тушадиган жойларингга эмас, қўрқма.

– Агар майсани топтаётганларингга ушлаб олсам, жарима – ун сўм.

– Бизлар бир жойни биламиз, ўроқ тушмайдиган, у ерда мевалар қип-қизил, сигирни қушиб юборгин.

– Майли.

Хуп майли, аслида нима бўлган эди уша тунда, укасига сут олиб келиш учун бораётганида. Нимага бу унинг хотирасида жонланаяпти?

«Эсим оғаётган булса керак, – уйлади ғамгин Матвей. – Қариганда ҳамма эсдан оғади». Қалбидаги оғриқ босилмасди. У энди Колькани, унинг жарангдор гармонини кутаётганини тушуниб қолди ва Нинага жаҳл қилди «уйқучи ғунажин»... Қачон у пайдо булар экан.

Утириб кута бошлади. Чекди.

Ва, ниҳоят, кучанинг бошидан гармоннинг овози кела бошлади. Кунгилдаги ғашлик ҳам йуқолди. Лекин бу ғашлик, қандайдир ғалати эди. Усиз нимадир етишмаётгандай буларди. Яна... ёдига қандайдир тонг пайти тушди. Ялангоёқ майсазорда кетаянсан. Майсалар устида юрганингда изинг қолади, туқ яшил из. Шабнам эса оёқларингни «куйдирди». Ҳатто, ҳозир ҳам ушани эслаб оёқлари совқотгандай бўлди.

Нимагадир ҳозир улим ҳақида эслаб қолди. Яқинда бари тугайди – тамом. Ҳеч бир қурқувсиз, оғриқсиз, туғри, шундай бўлади, бу тушунарли, сени қабрга олиб боришади-ю,

кумишади. Аммо шуниси тушунарсизки: унда бу ерда нима юз беради, худди аввалгидеки-ми? Хуп, дейлик, тушунарлиси, куёш чиқади-ботади, у ҳамиша чиққан, ботган. Лекин бошқалар қишлоқда бўлади-ку, улар ҳақида ҳеч нарса билмайсан-ку... буни қандай тушунасан?

Хуп, дейлик, яна ун йил ё ун беш йил мана шундай Матвей Рязанцев деганлари булган деб эслашар, кейин – тамом. Ахир, бу ердагиларнинг қандай эканликларини билгинг келади-ку. Туғри, ҳеч нарсага ачинмайсан; куёшни ҳам туйгунча курдинг, байраму сайри томошалар ҳам булди, қувончли кунлар ҳам...йуқ ачинмайди. Куп нарсаларни курди. Аммо бундоқ уйлаб қарасанг, сен йуқсан, бошқа ҳамма нарса бор, сен эса энди ҳеч қачон булмайсан... сен булмасанг уларда қандайдир бушлиқлик буладими ёки булмайдими?

«Тфу-у! Ҳа, қарияпман».

Бу уйлардан у, ҳатто, чарчаганди.

– Менга қара, эшитаяпсанми?... Уйғон, – Матвей хотинини уйғотди, – сен улимдан қурқасанми?

– Эси оғибди бу эркакнинг! – гулдиради Алёна. – Ким ҳам Азроилдан қурқмас экан?

– Мен эса қурқмайман.

– Хуп, шундай экан, ухла. Нимага бун
уйлаб қолдинг?

– Э, бор-э, ўзинг ухла!..

Аммо яна ўша қора ёвуз тунни эсларкан,
отда қандай елиб учгани... юрагида хавотир
ва ёқимли оғриқ турарди. Йўқ, ҳаётида жуда-
ям ачинарли нималардир бор. Куз ёшларинг-
ни оқизиб ачинадигани.

... Кунлардан бирида, кутгани – Колянинг
гармони овози эшитилмади. Утирди, чекди...
У эса ҳамон йўқ эди. Шундай қилиб гармонь
овозини эшитолмади. Эзилиб кетди. Тонг
пайти Матвей хотинини уйғотди.

– Нима учун бугун қўнғироқчимизнинг
овози эшитилмади?

– Уйланяпти-ку, у! Якшанба куни туй.

Матвей маъюс бўлиб қолди.

У ётиб ухламоқчи эди, булмади, ухлолма-
ди. Шу аҳволда тонггача, кузларини юмиб-
очиб ётди. Ҳаётида содир булган яна нима-
ларнидир эсламоқчи бўлди, аммо хаёлига
ҳеч нарса келмади. Яна бошини хўжалик
ташвишлари эгаллаб олди. Ҳадемай пичан
урими бошланади, аммо мосламаларнинг
ярми қийшайиб-букилиб устахонада ётибди.
Анави шайтон гилай темирчи Филя булса

ичаяпти. Энди яна туй булса – яна семиради, яна бир ҳафта ҳавога учди деявер.

«Эртага Филя билан гаплашиб олиш керак» ... Эртаси куни дурдоқ Коляни учратган Матвей кулумсиб усмоқчилади:

– Қалай оғайни, уйининг тугадими?

Коля кулди... Унинг оғзи қулоғида эди.

– Булди, Матвей Иванович, энди тунлари сизнинг уйқунгизни бузмайман. Тугади.

– Ҳа, майли, – деди Матвей ва ишига қараб кетди, лекин уйларди: «Нимага бунча хурсанд булаяпсан, ҳукиз? У энди сенинг шохларингни қайириб олади-ку, Нинка. Улар – Керчатовларнинг ҳаммаси шундай».

Яна бир ҳафта утди.

Яна кечалари аввалгидек деразадан ойнанинг сутдек ёруғи тушиб турар, ҳовлилардан картошка поясининг ачимсиқ ҳиди келар... Атроф жимжит эди.

Матвей ухлолмади. Уйғониб кетиб, чекди... Квас ичгани даҳлизга чиқди. Бусағага чиқиб, зинага утирди-да, чека бошлади. Қишлоқ ёп-ёруғ ва қўрқинчли даражада тинч эди.

БУРИЛАР

Якшанба куни эрта тонгда Иван Дегяте-
ровникига унча қари бўлмаган, биров айёру
хушмуомала қайнотаси Наум Кречатов кел-
ди. Иван қайнотасини ёқтирмас, Наум ҳам
қизига ачинганидан Иванга чндарди.

– Ухлаяпсанми? – тез гапирди Наум. – Эҳ-
ҳе-е!.. Бунақада бутун бир подшоликни ухлаб
утказиб юбориш мумкин. Саломатмисизлар?

– Мен у ёққа унчалик ҳам шошаётганим
йуқ. Югурмайман.

– Бекор қиласан. Қани, тур-чи... Кетдик,
утинга бориб келамиз. Мен бригадирдан
иккита арава сураб олдим. Албатта, текин-
га эмас, ҳе майли, жин урсин уни, утин ке-
рах.

Иван ёнбошлаб ётиб уйлади... Кейин ту-
риб кийина бошлади.

– Мана, нима учун ёшлар шаҳарга кетиб
қоляпти? Шунинг учунки, у ерда ишингни
бажариб бўлдингми – боравер, уйнаб кул.
Одамни дам олгани қуйишмайди. Бу ер худди
қарғиш теккандай, на кечаси, на кундузи ва
на якшанбада тинчлик бор.

- Нима, утинсиэ утирасанми? - суради Ивандан хотини Нюра. - Унга от топиб беришса-ю, яна норози булса.

- Мен шахарда ҳам ишлаш керак экан деб эшитгандим, - деди қайнотаси.

- Керак. Мен жон деб сув қувурини ковлагани борардим, зур бериб ишлаб қуярдим-да, кейин ғам-ташвиш чекмасдим, сув ва иссиқлик тайёр.

- Бир томондан мундоқ олиб қаралса, туғри, аммо иккинчи тарафдан, фожиа, сен унда умуман уйқудан бош кутармаслигинг мумкин. Ҳа, майли, қани кетдик.

- Бирор нарса еб оласанми? - суради хотини. Иван рад қилди. Хоҳиш йуқ.

- Бош оғриғими? - Қизиқсинди Наум.

- Худди шундай, жаноби олийлари!

- Ҳа-а-а. Мана шунақа. Сен эса сув қувури дейсан... Булти, кетдик.

Ҳаво очиқ. Офтоб чарақлаб турар, қор ярақлаб кузни оларди. Урмонда сокинлик, гуё ором олаётгандек. Йул анча узоқ - йигирма чақиримча йул юришлари керак эди. Яқинроқдан дарахт кесишга рухсат этилмасди. Наум ҳамон жаҳл қилиб олдинда борарди.

– Жин урсин уни! Утин учун урмондан урмонга борсанг.

Иван чанада мудраб борар, бир зайилдаги юриш уни гуё аллаларди.

Суқмоққа етиб келиб, очиқ сойликка тушишди ва тоққа кутарила бошлашди. У ерда ям-яшил урмон ястаниб ётарди.

Деярли тоққа чиқиб қолишаёзганди... Ва йулдан унчалик узок булмаган ерда куриб қолишди – бешта. Урмондан чиқиб кутиб туришарди. Бурилар! Наум отини тухтатди, астагина келиштириб сукинди.

– Онангни сени... Кулранг офатлар. Туришини қара.

Иваннинг ёш, қурқоқ оти ортга тисарила бошлади, шотини босиб олди. Иван нўхтани силкитиб орқага бура олди. От хириллар, депсинар, шотидан оёғини ошириб ололмасди.

Бурилар тоғдан туша бошлашди. Наум отини аввалроқ буриб булганди.

– Ҳа, нимага турибсан, – деб қичқирди.

Иван чанадан сакраб тушди, отни куч билан шотидан нари итариб йиқилиб тушди. Отнинг узи бурилиб олди-ю, турган жойидан югуриб кета бошлади.

Наум эса аллақачон илгарилаб кетиб бўлганди.

- Талашаяпти-и-и! - ҳовлиқиб отни қамчилар ва бақирарди.

Бурилар кулранг қор уюмидай йўлни кесиб, тоғдан тушиб келишарди.

- Талашаяпти-и-и! - бақирарди Наум. «Нима, у эсдан оғиб қолдими? - беихтиёр уйлади Иван. - Ким, кимни талаяпти?» У қурқиб кетди, қизиқ, қурқув ҳам бор эди, ёниқ қизиқиш ҳам, қайнотасининг қилиғидан кулгиси ҳам келарди. Аммо қизиқиш тезда ўтиб кетди. Энди кулгиси ҳам қолмаётганди. Бурилар чанадан юз метрча орқадаги йўлга чиқиб, занжир булиб тизилишиб тезда қува бошлашганди. Иван чананинг олд тусиғидан маҳкам ушлаб олганича бурилардан кузини узмай келаётганди.

Олдинда гавдали, кукракдор, тумшуғи япаски бўри келарди. Энди фақат ун беш-йигирма метрлар чамаси масофа уни чанадан ажратиб турарди. Иванни бўрининг овчарка итга ўхшамаслиги ҳайрон қолдирганди. У илгари бурини бунчалик яқиндан курмаган ва у овчаркага ўхшаш, аммо сал йирикроқ бўлади, деб уйлаб юрарди. Ҳозир эса Иван тушунди: бури, бу – бури, жондор. Энг қопағон итни

ҳам охирги пайтда нимадир тухтатиши мумкин: қўрқув, эркалаш ёки инсоннинг кескин қичқириғи. Бу япаски тумшуклини фақат улим тухтата оларди. У ирилламас, қурқитмасди... У улжасини қуварди. Ва унинг думалоқ сариқ кузлари тик ва совуққон боқарди.

Иван чанага қаради – ҳеч нарса, ҳатто оддий чуп ҳам йуқ эди. Болтанинг иккаласи ҳам қайнотасида. Фақат ёнбошлаш учун бироъгина пичан ва қулидаги қамчи.

– Талашаяпти-и-и! – қичқирарди Наум. Иванни чинакам қурқув чулғади.

Олдидагиси, туда боши булса керак, чанани айланиб ўта бошлади, отни мўлжаллаб келарди. У қандайдир икки метрлар яқин келиб қолди... Иван урнидан ярим турди-да, чап қули билан чананинг тусиғидан ушлаб туриб, қамчи билан етакчини қаттиқ урди. У бунки кутмаганди, тишларини такиллашиб четга қараб сакради ва тезлигини йуқотди. Орқадан тудаси етиб келди. Туда аъзолари унинг атрофида чопиб айланишди-да, тухтаб қолишди. У орқа оёқларида утирди, суйлоқ тишлари билан гоҳ у, гоҳ бу бурини турта бошлади... Яна туриб олдинга қараб юриб кетишди ва тезда чанага етиб олишди. Иван тайёрланиб, қулай пайтни кута бошлади...

Тўда бошини яна бир марта қамчи билан туширмоқчи эди. Аммо, у энди чанани олисроқдан айланиб ута бошлади. Яна биттаси тўдадан ажралиб чиқди. Иван тишларини қаттиқ қисди, афти буришди... «Тамом, улдим». Олдинга қаради.

- Тўхта-а! - қичқирди у. - Ота!.. Болтани бер!

Наум отни қамчилаб кетарди. Орқага қараб, бурилар куёвини қандай айланиб утишаётганини курди ва тезда ортга бурилди.

- Ота... биров секинлат! Биров секинлат деяпман сенга, ярамас!.

- Уларга бир нима улоқтир!.. - қичқирди Наум.

Тўдабоши от билан тенглашиб қолган, унга ташланиш учун қулай пайтни кутаётган эди, орқасидан чопиб келаётган бурилар ҳам анча яқинлашиб қолишганди, сал ушлансанг улар чанага қараб сакрашади-ю, тамом. Иван бир сиқим пичанни уларга қараб отди, бурилар бунга эътибор ҳам беришмади.

- Ота, ярамас, секинлат... Болтани ташла!

Наум бурилиб қаради.

- Ванька!.. Қара, ташлайман!

- Сен секинлат!

- Қара, ташлаяпман! - Наум болтани йул четига ташлади. Иван мўлжаллади... чанадан сакраб тушиб, болтани олди. Сакрай туриб у орқада келаётган уч бўрини чучитиб юборди, улар четга қочишди, югуришни секинлатиб, одамга ташланишга шайланишди.

Аммо айнан уша лаҳзада тўда боши оёқлар остидаги қаттиқ қатламни сезиб қолди-ю, отга қараб сакради, от ҳуркиб четга, қор уюмига узини урди...

Чана ағдарилиб тушди, шоти хомутни қайириб юборди, отнинг томоғи қисилиб қолди. От хириллаб, шоти қайишга уралашиб қолди. Улжасига етиб олган бури сакраб отнинг остига кириб, уткир тирноқлари билан қорнини ёриб ташлади.

Қолган уч бури ҳам улжага қараб отилди. Кейинги лаҳзаларда буриларнинг ҳаммаси ҳам ҳали дириллаб турган отнинг ичак-чавоғини оппоқ қор устида тортқилаб ейишар, ириллашар, қизғиш ичаклардан эса ҳовур кутарилиб турарди, тудабоши бу орада думалоқ сариқ кузлари билан икки марта Иванга тикилиб қаради...

Ҳаммаси шу даражада ҳайратланарли, тез ва оддий юз бергандики, гўё тушга ўхшарди. Иван қулида болта билан беихтиёр буриларга

тикилиб турарди. Туда боши унга яна бир қараб қўйди... Бу ғолибона беписанд қараш Иваннинг ғазабини қўзғади.

У болтани баланд кутарди-да, бор овози билан бақириб бурилар томон отилди. Улар хоҳламайгина бир неча қадам нарироққа қочиб бориб, қонли оғизларини ялаб туришди.

Улар буни шу даражада тиришиб, берилиб қилишардики, болтали одамнинг уларга ҳеч қандай қизиғи йўқдай. Ҳа, айтмоқчи, туда боши унга диққат билан тик қараб турарди.

Иван уни хаёлига келган энг ёмон сукишлар билан сўқди. Болтани силкитиб, у томон юрди... Тудабоши жойидан қимир этиб ҳам қўймади.

Иван ҳам тўхтади.

– Сизлар ютдиларинг, – деди у. Ютдиларинг аблахлар. У қишлоқ томон юриб кетди. Хомталаш бўлаётган отга қарамасликка ҳаракат қилди. Аммо чидай олмади, бурилиб қаради... Раҳми келганидан юраги сиқилди, қайнотасига нисбатан кучли бир ғазаб, алам қўзғалди. У йўлдан тез-тез юриб кета бошлади.

– Шошмай тур, сен!.. Ҳали шошмай тур сен, судралувчи илон. Ахир, қутулиб кетардик-ку, от ҳам тирик қоларди. Олчоқ!

Наум куёвини бурилишда кутиб турганди. У шериги соғ-саломат эканлигини кўриб, астойдил қувониб кетди.

– Тирикмисан? Худога шукр! – Наум, виждонан айтганда, хавотирланарди.

– Тирикман! – жавоб қайтарди Иван. – Сен ҳам тирикмисан?

Наум куёвининг овозидан ғазабни сезди. Ҳар эҳтимолга қарши чана томон борди.

– Хуш, у ерда нима булаяпти?

– Сенга таъзим йуллашаяпти, Олчоқ!

– Сенга нима булди? Нега ҳураяпсан?

– Мен ҳозир сени калтаклайман, хурмайман.

Иван чана томон юра бошлади. Наум отга қамчи босди.

– Тухта! – бақирди Иван ва чана ортидан қува бошлади. – Тухта, ифлос! Наум отга тинмай қамчи урарди. Энди бошқа қувлашмачоқ бошланганди; одам одамни қувлаб югурарди.

– Тухта, сенга айтаяпман! – қичқирди Иван.

– Ҳовлиқма! – қичқирарди Наум. – Нимага қизишасан-а? Ё эсинг оғиб қолдими? Менинг нима айбим бор бу ерда?

– Айбинг йуқми? Биз икковлашсак қутулиб қолган булардик. Сен эса сотқинлик қилдинг!

– Ахир, қандай қутулардик?! Бу нима деганинг?

– Сен сотдинг, илон! Мен сенга курсатиб қуяман ҳозир. Мендан қочиб қутулиб бупсан, яхшиси тухта. Булмаса одамларга ҳаммасини айтиб бераман... Яхшиси тухта!

– Оласан, тўхтамайман, оғзингни катта оч! Наум тинмай отни саваларди.

– Яхшиси маслаҳатимга кулоқ сол, тухта! – Иваннинг нафаси қисила бошлади. – Узингга яхши булади: бежаб қуяман-у, ҳеч кимга айтмайман.

– Сен иблисни қил-яланғоч ҳолингда қариндошликка қушгандик, сен эса менига болта қутардингми? Уят борми сенда ё йуқми?

– Мана ҳозир бежаб қуяй, кейин уят ҳақида гаплашамиз. Тухта!

Иван чарчаганидан секин чолиб, орқада қолиб кетаётганди. Кейин қувишни бутунлай бас қилди. Одимлай бошлади.

– Барибир топаман, ҳеч қаерга кетолмайсан! – У охири қайнотасининг ортидан қичқирганча қолди.

Иван уйида ҳеч кимни учратмади, эшикка қулф осилганди. У қулфни юлиб олиб ташлаб, уйга кирди. Шкафни қидириб қурди.. Кеча ярими ичилган ароқ шишасини топиб, стаканга қуйиб ичди-да, қайнотасиникига қараб кетди.

Қайнотасининг ҳовлисида чанадан чиқарилган от турарди.

– Уйида, – деди Иван қониқиш билан эшикни туртиб қураркан, – ёпилмаган. У ёпиқ булади деб уйлаганди. Иван уйга кирди... уни кутишаётганди. Уйда хотини, қайнотаси ва участка нозири утиришганди.

– Ҳуш, Ваня, нима бўлди?

– Шундай-й-й... Улгурибсан-да, югуриб боришга? – суради Иван қайнотасига қараб.

– Улгурдим, улгурдим. Томоқни бироз мойлаб олдингми?

– Озроқ мойладим... дадиллик учун.

Иван стулчага утирди.

– Узи сенга нима жин тегди, Иван? Эсдан оғиб қолдингми ё? – Нюра урнидан қўзғалди. – Нима, сен?..

– Отангга бир дарс утиб қуймоқчи эдим... Одам қандай булиши кераклиги ҳақида.

– Қуя қол, Иван, – гап бошлади нозир, – хуп, бахтсизлик юз берибди, икковларинг

ҳам қурқиб кетгансизлар... ким ҳам уйлабди бундай бўлишини? Табиий фалокат.

– Биргалашсак улардан осонгина қутулган булардик. Мен эса улар билан бир ўзим олишдим...

– Мен сенга болтани ташладим-ку? Сен сурадинг, мен ташладим. Яна мендан нимани талаб қиласан?

– Жудаям озгина нарсани: одам бўлишингни. Сен эса олчоқсан.

Дарсни эса мен сенга барибир бераман.

– Уқитувчини қаранг-а? Мишиқи... Сув юқмас лочин... Ҳамма нарса тап-тайёр уйга буни киритсанг, яна дуқ уришини қара. Яна нимадандир норозилар, бу кишига қувурда сув керак эмиш.

– Ахир гап бунда эмас-ку, Наум, – деди нозир. – Сув қувурининг нима алоқаси бор?

– Қишлоқда ёмон!.. Шаҳар яхши, – давом этди Наум. – Унда нимага бу ерга бостириб келдинг. Норозилигингни курсатганими? Одамларни қўзғаганими?

– Вой, ярамас-эй! – деди Иван ҳайрат билан ва урнидан қўзғалди.

Нозир ҳам урнидан турди.

– Қўйинглар! Кетдик, Ваня...

– Биласанми, бундай туполончиларни қаерга тикишади? – Ёуш келмасди Наум.

– Биламан! – жавоб берди Иван. – Боши билан музнинг тешигига...

Нозир Иваннинг тирсагидан ушлади-да, ташқарига етаклаб олиб чиқиб кетди. Кучага чиққач, тухташди. Чекишди.

– Хуш, шундан кейин ҳам ифлос эмасми? – Ҳамон жаҳл билан ғижинарди Иван. – Яна менга қараб от қуймоқчи.

– Э, қуйсанг-чи, уни!

– Йўқ, мен уни абжағини чиқаришим керак.

– Хуп, шу сассиқ тезакни деб муддат ишлаб оласан.

– Сен мени қаёққа олиб бормоқчисан?

– Юр, меникида ётиб қоласан... Ҳовурдан тушасан. Бу аҳволда узингга жабр қиласан, илакишма бу ишга.

– Йўқ, ахир бу... наҳот одам ҳам шундай бўлса?..

– Мумкин эмас, Иван, керак эмас. – Муштрларинг билан ҳеч нарсани исботлолмайсан.

Кўча бўйлаб қишлоқ маркази томон кетишарди.

– Нима, уша ёқда эпполмадингми? – бирдан сураб қолди нозир.

– Етолмадим! – деди афсус билан Иван. – Қувиб етолмадим.

– Мана, курдингми? Энди кеч, энди мумкин эмас,

– Отга ачинаман.

– Ҳа-а...

Жим булиб қолишди. Анча пайтгача шундай юришди.

– Биласанми, сен мени қуйиб юбор. – Иван тухтади. – Якшанба булса, мен нима қиламан у ерда? Унга тегмайман, хавотирланма.

– Э, йуқ, бораман. Кетдик. Булмаса, кейин қутулолмайсан. Сенга ачинганимдан айта-япман. Юравер, шахмат уйнаймиз... Шахмат уйнайсанми?

Иван чекаётган папирос қолдиғини қорға туфлаб ташлади-да, янгисини олиш учун қулларини чунтагига тикди.

– Уйнайман.

СУД

Этикдуз Валиков кигиз этик тикарди. У янги келган кушниси Гребеншиковани судга берди. Воқеа бундай булганди.

Алла Кузминична Гребеншикова ёш, хушруйгина, аммо нодон бу аёл баҳор кунларининг бирида, устанинг ҳаммоми ёнгинасидаги жойдан иссиқхона учун ариқ олганди. Ҳаммомнинг орқа девори уларнинг ҳовлиси томонида эди. Майин тупроқ ва анчагина гунг ташиб келтирди. Чинакам деҳқон аёлда. Гунг яхшилаб қуриши учун устини ёлиб, кечаси билан қизиб қуриши учун қолдирди. Гунг эса кечаси билан қаттиқ қизиб, ёниб кетди.

Шундай қилиб, тонг отганда ҳаммом ёниб тугаганди. Бундан ташқари, яна эски бостирма, унга туташ уйинхона, тезаклар ва шунга ухшаш бошқа нарсалар ҳам ёниб кетганди, четан девор ҳам... Аммо, Ефим Валиков купроқ ҳаммомга ачинаётган эди; янгигина ҳаммом, уни қурганига бир йил ҳам булмаганди, қишда кигиз этик бостирардида... Гребеншикова эса узини нодонликка соларди. Кузини чирт юмиб, суғурта аген-

тини гунг узидан-узи қизиб ёниб кетганига ишонтирмоқчи бўлди.

– Узидан-узи ёнган! – таъкидларди у Ефим тараф бармоғини ниқтаб. – Тушунаялсизми? Бу узидан-узи ёниш, охири агентнинг ҳам жаҳлини чиқариб юборди.

– Судга бер, Ефим, – деди у. – Қарасам, у бу ердагиларни аҳмоққа чиқариб қўймоқчи.

Валиков судга берди. Аммо қишлоқдошларининг хат-ёзувга унчалар ҳам яхши муносабат билдиравермасликларини билган Ефим уларга тушунтиришга уринарди.

– Агар у яхшиликча, яхши қўшнига ўхшаб айтса, бу ғавғога нукта қўяман. Аммо, унинг саводи жуда ошиб кетган экан!.. Ҳеч кимни гапиртирмай қўйди. Узидан-узи ёнган – тамом эмиш!

Гребеншикованинг эри ҳосилот сафарда эди. У келгач Ефим иккаласи гаплашиб олишди.

– Наҳотки, судсиз келишиб олишнинг иложи бўлмаса? Ҳаммом учун тоvon тулашимиз мумкин эди-ку...

– Сен, яхшиси, у билан ўзинг келишиб ол, балки уддасидан чиқарсан. Мен келиша олмадим. Бу суд менга... итга бешинчи оёқ қанчалик керак бўлса, шунча керак.

– Ахир, у қасддан ёқмаган-ку.

– Ким қасддан ёққан деб айтаяпти? Нима учун у одамларни аҳмоқ қилмоқчи бўлади? Узидан-узи ёнганмиш...

– Умуман олганда, бу бўлиб туради-ку!

– Ҳа, бўлиб туради, қачонки йиллар давомида гунгни шиббалаб уйиб қуйсанг, чирийди, қизийди, кейин ёнади. Уники эса бир кечада ёниб кетибди. Унақаси булмайди. Қадрли Владимир Семёнич, булмайди.

Владимир Семёнич хотинидан чучирди ва ишнинг судга оширилганлиги унга ҳам маъқул бўлганди, гаплашадиган гап қолмаганди. Ҳаммаси усиз ҳам ҳал бўлаётганди.

– Узларинг ҳал қилаверинглар.

– Ҳал қиламиз.

Мана, сайёр суд ҳайъати оғирроқ бошқа бир ҳодиса туфайли туман марказидан чиққан эди, бир йула бу ишни ҳам куриб чиқмоқчи бўлдилар. Суд қишлоқ кенгашида бўлиб ўтди. Ефим судга худди қаноти хурлайган товукдай бўлиб келди, асаби бузилган. Ёдига уруш даврида ярадор, ногиронлиги учун армиядан бўшатиш пайти, бир оёқсиз, маст ҳолда қўлтиқтаёғи билан хужалик райсини ургани, орденлари эвазига

ундан соғ оёғини сурагани тушди. Ушанда уни осонгина қамашлари мумкин эди, аммо Митька Трифанов «ишни узи тўхтатди», судга бермади-ю, лекин анчагача «Ефим, балки бериш керакмиди-а», – деб қўрқитиб юрди. «Ҳа, демак мен, ҳозир бир инсонни сувга чуктирмоқчи булиб чиқаяпман, – деб уйларди Ефим. – Бошимда шу ғавғо бор экан, жин урсин уни, яхши гап билан кунса буларди-ку?» Кейин силлиқгина Алла Кузьминична суғурта агентига «уздан-узи ёниб» кетиш нима эканлигини тушунтираётганда Ефим томонга атайлаб қарамагани, гуёки унга буни тушунтириб утиришнинг фойдаси йўқ, барибир, тушунмайди дегандай, нуқул суғурта агентига қараб гапирганини эслади.

Ефим атайлаб ясама оёғини киймади, қўлтиқтаёқда борди, оёқсизлиги билиниб туришини истарди. Орденларини тақмади, ушанда – армиядан бушаб келганда, қилган туполони ҳам етарли бўлганди.

«Бошқа томондан олиб қараганда, дуч келган ҳар битта одам ёқиб кетаверса, охиروқибат у бу ёруғ дунёда ёлғиз мана шу қўлтиқтаёқ билан қолиб кетади-ку. Ҳатто узини ҳам, худди сомондай ёқиб юборишлари мумкиндир. Демак, шундай экан, мен

ҳақман». Гребеншикова қишлоқ кенгашига ундан олдин келган экан, у Валиковга мағрур қараб қуйди, ҳеч нарса демади, ҳатто саломлашмади ҳам, тескари қараб олди.

«Вой куйдирги, куйдиргижон-эй! Хонимчанинг саломлашгилари ҳам келмаяпти», – ўзича кулиб қуйди Ефим. Йўқ, у хафа булмаганди, аммо хонимчага шартта: «Бу ерда нимангга мағрурланасан, жонгинам?» – деб айтгиси келиб кетди.

Ёқишга ёқиб юбориб, яна бурнингни жи-йирганинг нимаси?

Судья, чарчагани билиниб турган ёшроқ киши, анча вақт қоғозларни титкилаб утирди-да, бошини кутариб Алла Кузьминична ва Ефимга қаради.

– Гапиринглар...

Ефим биринчи булиб мен гапирсам маъқул булса керак деб уйлаб, суз бошлади.

– Биласизми бу ерда нима гаплигини, мана, бу «фуқароча...»

– Сизлар худди бир-бирингизга душмандай – «фуқароча»... Ахир, қушнисизлар-ку.

– Қушнимиз, – шоша-пиша деди Ефим. – Э, менга бу даъволашиш гуё итга бешинчи оёқ...

– Лекин, даъво қиляпсиз.

– Ахир, у бир тийин ҳам беришни хоҳ-
ламаяпти-да! Ҳаммомим эса янгигина эди,
бутун қишлоқ бунга гувоҳ.

– Буларнинг ҳаммаси қандай содир бўлди,
Алла Кузьминична?

– Мен иссиқхона қургандим ва гунгни
озроқ қизитдим.

– Уни ёқдингизми?

– Ҳа, аммо у озроқ куйиб тургач, унинг
устини суяқ гунг билан бекитдим. Билишим-
ча, у яхши куйиб бўлгандан кейин кечаси
уздан-узи ёниб кетган бўлса керак.

– Қаранг-а! – ҳайратланди Ефим. – Ҳой,
агар бундоқ қаралса, мен шу гунгнинг ичи-
да туғилганман! Эсимни танибманки, мен
уни ағдарганим-ағдарган, демакки, мен
уни умр бўйи ургандим, билдим, туғрими?
Кейин сиз эсдан чиқарманг, биз ҳар йили
тезак ёқамиз. Мен уни роса у ёқ-бу ёққа
ағдариб курганман, гунг нима эканлигини
биламан...

– Уртоқ Валиков, гунг уздан-узи ёниб
кетмайди деб рад этаяпти-ку. Унинг тажриба-
сида бунақа ҳодиса юз бермаган экан... Хуш,
сиз нима дейсиз?

Судья Алла Кузьминичнага қараб бошини
ирғади.

- Умуман, фақат шунга асосланиб бу далилни рад этиш мумкин эмас. Ахир ўзингиз тушунасиз-ку, илмий муҳофазалар билан ҳам ҳисоблашиш керак, – давом этарди Алла Кузьминична. Судья эса ҳамон бош ирғаб утирарди.

«Ҳозир мени аҳмоқ деб исбот қилишадди», – тоқатсизланди Ефим.

- Мен тушунаман, уртоқ Валиковга моддий зарар етган, аммо бундоқ олиб қаралса, бунга менинг алоқам йуқ. Агар уйлаб курилса, яшин урганда ҳам ҳаммом ёниб кетиши мумкин эди-ку. Менинг айбим шуки, уша иссиқхонани уларнинг ҳаммоми ёнида қурганим, чунки деворнинг бу томони бизнинг ҳовлига туташ, шу сабабли бу ерда ҳеч қанақанги криминал йуқ.

Алла Кузьминична судга яхши тайёргарлик куриб келганди.

«Орденларимни тақсам буларкан», – уйларди Ефим.

- Мен уртоқ Валиковга ачиниш билдира оламан, холос, бор-йўғи қулимдан келадигани шу.

Судья чекди, роҳатланиб чуқур тортди ва ҳеч қандай урғу бермай оддийгина қилиб:

- Тулаш керак, Алла Кузьминична, - деди.

- Нима учун? - Алла Кузьминична узини йуқотиб қўйди.

- Нима?

- Нима учун тулашим керак?

- Нима, ростдан ҳам судлашмоқчимисиз? Уят, Алла Кузьминична...

Алла Кузьминична қизариб кетди.

- Нима, сиз ҳам узидан-узи ёниб кетган-лигини рад этмоқчимисиз?

- Э, қанақа узидан-узи ёниш, жин урсин!

Оддий ут қўйиш. Қасддан эмас, албатта, аммо ут қўйилган. Сизга буни беш дақиқада исботлаб беришади ва сиз ноқулай аҳволга тушиб қоласиз. Шунинг учун ҳам икки қўшни одамларга ўхшаб узаро келишинглар... Хуш, Валиков, ҳаммом уртача қанча туради?

Ефим ҳам узини йуқотиб қўйди ва миннатдор булганидан шошилиб, нархини анча пасайтириб юборди.

- Э, уми, ҳаммомми, янги деб айтганимиз билан, мен уни қолган-қутган нарсалардан қургандим, терак, қайин қолдиқлари...

- Хуш, қанча?

- Икки юз, икки юз эллик сум атрофида, шундай... Менга фақат ёғоч булса булгани эди,

ўзим қуриб олардим! Уларда хужаликнинг юк машинаси бор, директордан илтимос қилишсин... Нима, уларга йуқ дермиди?

– Бундан ташқари яна нималардир ёнган-ку?

– Тезаклар, бостирма... Бостирмани ҳам узим чиқинди қолдиқлардан қуриб олардим.

– Икки юз эллик сум, – деди қатъий оҳанг-да судья. – Сизга маслаҳатим Алла Кузьминична, яхшиликча туланг, шарманда булманг.

Алла Кузьминична судьяга ҳам, Ефимга ҳам қарай олмай, жимгина утирарди.

– Мен ҳозир бирдан ма, деб чиқариб бера олмайман-ку!..

«Эҳ, ғурур, капанг куйгур ғурур!» – Ефимнинг унга раҳми келиб кетди ва маслаҳат бергани шошилди:

– Менга уларнинг пулини нима кераги бор? Сиз ҳаммом учун икки машина ёғоч келтиринг. Ҳуш, мен уста ҳақи учун дегандай... олтмиш сумча, яна еб-ичиш учун дегандай, йигирма сумча... Саксон сум. Икки машина ёғоч учун қанча тулайсизлар... буни менга алоқаси йуқ. Хоҳласангиз текинга олиб келинг, бунинг менга қизиғи йуқ. Аслини олгандаям, у сизларга текинга тушади, сизлар

ёш мутахассисларсиз, бу икки машина ёғочни сизга давлат нархида хурсанд булиб ёзиб беришади. Бу менга эса...

– Розимисиз? – суради судья Алла Кузьминичнадан.

– Мен эрим билан маслаҳатлашаман, – деди кескин Алла Кузьминична. «У йигит сендақа эмас, бекорга қийшанглаб утирмайди».

Ефим суддан хурсанд булиб қайтарди. Суд қандай булиб утганини, судья қандай тушунганини, у қандай қилиб ишнинг кўзини билиб ҳал этганини ва қандай қилиб унинг ўзи – Ефим, бармоғини оғзига тиқиб утирмаганини кимгадир жудаям гапириб бергиси келаётганди. Уйгача аранг чидаб, етиб келди.

Ефимнинг хотини Марья эрининг юзига қараб, дарров ҳаммаси яхшилик билан тулаганини тушунди. Ефим чунтагидан битта шишани дадиллик билан чиқарди-да, гапни бошлади:

– Ҳаммаси жойида! Эҳ, судьяни туғри келганини қара!.. Мана калла! Унинг думини бирданига қайириб олди. Уялмайсизми, деди. Қанақанги узидан-узи ёниш? Ёқиб юбордингми, демак, тулашинг керак, деди.

– Қаранг-а!

– Сен нима деяпсан! Судья унга шунақанги шайтонни курсатиб қўйдики, кузларини қаерга яширишни билмай қолди. «Сиз, ахир, курмаяпсизми, инсон бир оёқда»... Ефим бирдан маст бўлиб қоларди, газак қилмасди. Масалан, ҳозир у керакли жойга шундоқ ёзиб юборса борми, терингга сомон тиқишади. Биласанми, уни оёғи қаерда? Москва остонасида қолган оёғи, мана қаерда, сен у билан судлашасанми? Агар у бир оғиз айтса, сен онанги курасан...

Марья Ефимнинг анча-мунча купиртираётганлигини сезиб турарди-ю, аммо, ҳар қалай, ҳаммом учун товон тулашга ҳукм қилинганини билди.

– Вой Худо, оламда адолатпарвар одамлар ҳам бор экан-ку!

– Фронтчи. Унинг кузларидан маълум. Эҳ сен, ўқимаган калла, виждон борми? Кимга қарши бормоқчисан? Агар у, дей...

– Етар, вайсаганинг, – қувончдан жаҳл қилгандек гапни булди Марья. – Сен ҳозир қуруқ вайсамасдан бориб уша инсонга бирор кило чўчқа ёғи бериб келсанг буларди. Уйига боргач, болаларига чўчқа ёғидан едирарди.

– Нима, улар чўчқа ёғи қуришмаганми?

- Қаерданам?! Дукондагиси бизники билан тенг келармиди! Бор, гуштлироқ жойидан кес-да, олиб бор. Кейин раҳмат айт. Биламан, раҳмат ҳам айтмай, индамай таёғингни туқиллатиб қайтавергансан. У инсон қандай яхши иш қилди!

Ефим аёл ақлига буйсунди.

«Ростдан ҳам қара – инсон шунча ҳаракат қилса-ю, мен чўчкага ухшаб худди...»

-У, албатта, мен билан ичмайди, сабаб у одамлар куз унгидаги киши...

- Олиб борсанг-чи, чўчка ёғини.

- Олиб бораман! Ундай одам учун ҳеч нарсани қизганмайман, балки унга озроқ пул ҳам бериш керакдир?.. Пулни олмайди. Пул олса, унга ҳайфсан эълон қилишади, чўчка ёғи эса – бу бор-йўғи болаларига совға, холос.

Ефим қазноққа кириб, чўчка ёғининг гуштлироқ, қалин жойидан бир булак кесиб олди. Хотинининг топқирлигидан қувонди. «Бунчалик эсли булишмаса, қарғиш теккурлар», деб уйларди узича хотинлар ҳақида. Ефим чўчка ёғини тоза латтага ураб олди-да, таёғини туқиллатиб яна қишлоқ кенгаши томонга кетди. У кетиб бораркан, узича хурсанд бўларди, мана энди судьянинг кунглини оладиган бўлди. «Нима сабабдан бу ҳаётда

булмагур нарсалар куп: бир киши бошқа бир кишига яхшилик қилса-ю, иккинчиси бунга жавоб қайтариш урнига ашқол-дашқолини йиғиштириб, чапла қайтиб кетса, номини ҳам эсдан чиқарса. Ахир, яхшиликка бирор-бир нима билан жавоб қайтаришинг керак-ку. Булмаса-чи, одам бир яхшилик қилади, икки қилади, сен унга, ҳатто, бирор оғиз яхши гап айтмасанг, албатта, шундан кейин унда кимгадир яхшилик қилиш истаги йуқолади. Кейин ниқобга ураниб яшаш қийин. Масалан, сен ҳам бор-да, биронтасига яхшилик қил. Дейлик, манови кургур чучқа ёғи, ачинмайсан-ку... аммо шуни бериш кераклиги нимага дарров ёдингга келмайди».

Ҳозир Ефимга қандай қилиб судьянинг ёнига ҳурмат билан бориб, фаросатли киши эканлигини кўрсатишни уйлаш ёқимли эди.

У очик ҳавода анча вақт булганидан, кайфи ҳам тарқаганди: қандай тез маст булса, шунча тез кайфи ҳам тарқарди. Судья ҳали-ҳамон қишлоқ кенгашида эди, кетмоқчи булиб турганди.

- Бир дақиқага, уртоқ судья, – чақирди Ефим. – Юринг хонага кирайлик... Мана бу ёққа, бу ёққа, бу ерда ҳеч ким йуқ экан. Уйгами?

Судья чарчагандай (булар нимадан бунча чарчашади? Нахотки судьялик шунчалик кийин булса) унга қаради.

– Болалардан борми?

– Мендами?

– Ҳа.

– Бор. Нима эди?

– Мана олинг, уларга олиб боринг, қишлоқники. Гуштлироқ жойидан танлаб кесиб олдим, шаҳарликлар гуштлисини яхши қуришади. Бизникиларга жисмоний оғир меҳнатдан кейин чучқа ёғининг туйимлироғи керак, сизларга эса унчамас, нимага денг? – Ёфим латтани ечишга уринар, аммо уддалай олмасди, шошилар, эшик томонга қараб қуярди. – Сизларга мазалироқ жойи керак... шунақа. Нимага бунча ураб ташлабди-я!

– Ҳой, сиз нима қилаяпсиз?

– Чучқа ёғи, болаларингизга оборасиз... – Судья ҳам беихтиёр эшикка қараб қўйди. Кейин Ёфимга тикилиб қолди...

– Нима? – суради у.

– Болаларингизга дегандим... оборасиз...

– Керак эмас, – деди аста судья.

– Э, йўқ, мен бунини суд туфайли эмас, у утиб кетди-ку. Мен уйлагандимки, болаларга

обориш мумкин. Нима қилибди. Бу, ахир, пул эмас-ку, мен пул ҳам...

- Керакмас деялман! Чик, бу ердан! - Судья шундай деди-да, бурилиб чиқиб кетди. Ефим қўлтиқтаёғига суянганча эшик олди-да туриб қолганди, қўлида чўчқа ёғи. У мана энди - курагининг ости оғригандан кейингина чўчқа ёғини олиб келмаслиги кераклигини тушунганди. У нима қилишни билмай, чўчқа ёғига қараб турарди.

Хонага судья бош суқди.

- Бу томонга келишаяпти... Кет! Чўчқа ёғингни ураб ол, куриб қолишмасин. Тезроқ!

Фақат кўчага чиққандан кейингина Ефим нима қилиши кераклигига ақли етди. «Бораман-да, Марьянинг сочларини юламан - куйдирги! »

ОНА ҚАЛБИ

Витька Борзенков туман марказидаги шаҳарча бозорига бориб, чучқа ёғини юз эллик сумга пуллади (у уйланмоқчи, пул жудаям зарур эди), вино сотиладиган дукончага кириб, томоғини ҳуллади, бир-икки стакан қизилидан урди. Дукончадан чиқиб, чека бошлади...

Ёшгина бир қиз келди-да, суради:

– Ёндириб олишга рухсат бер.

Витька унга чекаётган папироскини узатди, ўзи эса қизиқиш билан қизни томоша қила бошлади – ёшгина, юзи шишинқираган, бармоқлари эса титрарди.

– Бош оғриқми? – туғридан-туғри суради Витька.

– Ҳа, – қиз ҳам туғри жавоб қайтарди «Беломор» папиросининг тутунини маза қилиб тортаркан.

– Бош оғриғини қолдириш учун эса ҳеч вақонг йўқ, – фикрини давом эттирди Витька 93 билганича, аҳволи чатоқ одамнинг ҳолатини тушунишидан ўзинча мамнун бўлиб.

– Нима, сенда борми?

(У, бу қиз унинг чучқа ёғи сотаётганида атайлаб кузатганини, бу ерда, дуконча ёнида эса пойлаб турганини хаёлига ҳам келтира олмасди).

– Юр кетдик, у ёқ-бу ёғингни туғрилаб ол. Қиз Витькага ёқиб қолганди, чиройли, қадди-қомати келишган... Унинг купчиган юзи ва, айниқса, узининг пулсиэлигини очик тан олганлиги уни ҳаяжонга солиб қуйганди. Очикқина экан. Улар дукончага киришди... Витька бир шиша вино ва иккита стакан олди... Узи бир ярим стакан ичди, қолганини бағрикенглик билан қизга қуйиб берди. Улар ташқарига чиқиб чека бошлашди. Иккаласининг ҳам кайфи чоғ эди.

– Шу ерда яшайсанми?

– Ҳуз анави ерда, – ишора қилди қиз. – Раҳмат, анча енгил тортдим.

– Балки яна хоҳларсан?

– Ёмон булмасди... Фақат бу ерда эмас.

– Қаерда?

– Балки меникига борармиз, уйда ҳеч ким йук.

Витьканинг куксида ёқимли нимадир бир нарса ғимирлагандай булди. Ҳали эрта эди, Витька қишлоғига етиб олиши учун авто-

бусда бир ярим соат юриши керак, ҳаммасига улгуриши мумкин.

– У ерда менинг дугонам ҳам бор, – сўз қотди қиз, Витька қанча олиш кераклигини чамалаётганда. Шундан сунг у ичкиликнинг битта оқидан, иккита қизилидан олди.

– Газакни бир амаллармиз, – деган қарорга келди у. – Газак топиладими?

– Топамиз.

Бозордан худди эски кадрдонлардай чиқиб кетишди.

– Нимага келгандинг узи?

– Чучқа ёғи сотдим... Уйланмоқчиман, шунга пул керак...

– Ростданми?

– Ҳа, уйланаман. Бас, етар шунча ишлаганим.

Қизиқ, Витька қайлиғига нисбатан яхши иш қилмаётганини, ҳатто хаёлига ҳам келтирмасди, аксинча, қандайдир нотаниш қиз билан қаёққадир кетаётганидан кайфияти чоғ эди, қайлиғига нисбатан бу қиз қизиқарлироқдай...

– Яхши қизми?

– Сенга нима десам бўлади? Уйим-жойим дейдиган. Яхши хотин бўлади.

– Севги масаласи қандай?

– Нима десам экан?... Олдингидай қандайдир қайноқ бир нима йуқ юракни уйнатадиган. Шунчаки... Қачондир уйланишим керак-ку, ахир!

– Янглишиб қолма тагин. Кейин юрасан пушаймон булиб... Боғланмагансан-ку итга ухшаб.

Улар шу руҳда гаплашиб, қизнинг уйига етиб келишди (уни Рита деб аташарди).

Витька қаердан, қайси жин кучалардан юриб қизнинг уйига етиб келганини сезмади ҳам.

Шунчаки уйга ухшаган уй экан, эскигина, қорайган, аммо яна етмиш йил турса ҳам қилт этмайдиган. Хоналар (улар учта эди) тозагина, пардалар илинган, столга дастурхон тушалган, щинамгина.

Витьканинг кайфияти янаям кўтарилди. «Ялтир-юлтир ярқироқ фа-ла-ля», дерди у доимо ҳаёт қандайдир хурсандчилик ваъда қилганда.

– Қани, дугонанг қаерда?

– Мен ҳозир уни чақириб келаман. Утириб турасанми?

– Утираман. Фақат тезроқ, майлими?

– Хув ана, радиони қўй, зерикиб қолма. Мен тез қайтаман.

Нега Витька бу қиз билан осонгина яхши чиқишиб кетди? Танишганларига беш дақиқа ҳам бўлгани йўғ-у, аммо... Эҳ, ҳаёт! Қизнинг кўзлари ғамгин, уйчан, ақлли эди. Витька қизга гоҳ ачинар, гоҳ уни бағрига босиб олгиси келарди.

Рита кетди. Витька хонада у ёқдан-бу ёққа юра бошлади, радиони қўймади, радиосиз ҳам юраги қувончдан дукурлаб ураётганди.

Витька кейин эслади: Ританинг дугонаси келди – ёши каттароқ, хунукроқ, шираси қочиб, эзгилаб ташланган, тулкироқ. Кела солиб валақдай кетди, йул-йулакай қачонлардир циркда ишлаганмиш, «резин» бўлиб. Кейин ичишди... Витька шу ернинг узидаёқ Ритадан буса ола бошлади, дугонаси эса буни маъқуллагандай куларди. Рита булса номигагина уни итариб қўлига урар, аммо узи буйнидан қучоклаб суйкаларди.

«Мана буни ҳаёт деса бўлади!» Витьканинг калласи қизигандан-қизирди. «Мана куйдир-гучи офатижон. Мен қандай зурман». Кейин кайфи тарқалгач, Витька ҳеч нарсани эслолмади. Оқшом маҳали қандайдир тахта девор тагида кузини очди. Узининг қаердалигини, қандай ҳодиса юз берганини анча вақтгача англолмади... Калласи ғувиллар, икки чакка-

си луқиллаб, худди ёрилиб кетгудай булиб оғирди. Оғзи қуриб қолган, кунгли айнирди.

Рита деган қизни аранг эслади. Ва тушунди: унга нимадир ичиришган-у, маст қилишган ва, албатта, пулини уғирлашган. Пул ҳақидаги уй хаёлини тиниқлаштирди. Базур урнидан турди-да, барча чунтакларини ковлаб чиқди: ҳа, пул йуқ эди. Витька тахта деворга суянди, у ёқ-бу ёққа қаради. Яқин уртада Ританинг уйига ухшаш бирор уй куринмасди. Ҳаммаси бошқа, умуман бегона уйлар эди. Витьканинг куринмайдиганроқ жойда яширин чунтаги булиб, унда ун сумлик булиши керак эди. Пулни у ҳар эҳтимолга қарши, деб бозордалигидаёқ чунтакка солиб қуйганди. Ковлаштирди – ун сумлик жойида эди. Витька таваккал қилиб биринчи одамни учратгунга қадар юра бошладди. Қандайдир қариядан автобус бекатининг қаердалигини суради. Унча узоқ эмас экан: туғрига, кейин чапга, оралиқ куча буйлаб унг томонга юриш керак экан. «Автобус бекатининг ўзидан чиқасиз», – деди қария. Витька йулга тушди. Автобус бекатига боргунча Витьканинг шаҳарлик баъзи қаланғиларга нисбатан ғазаби ошиб, улар-

ни шу даражада ёмон куриб борардики, хатто бош оғриғи ҳам пасайиб, юрагида уч олиш истаги пайдо булди.

– Майли, майли, – ғулдирарди у, – мен сизларга курсатиб қуяман...

У ҳали нима қилмоқчи эканлигини аниқ билмасди, билгани шу эдики, бу яхшилик билан тугамасди.

Автобус бекати ёнидаги дуконча қоронғи тушгунча ишлар, у ерда ҳамиша одамлар гавжум буларди. Витька бир шиша қизилидан олди-да, туғридан-туғри бир кутаришда ичиб тугатди, шишани эса хиёбон томон улоқтирди... Ёнида қандайдир кайфи бор киши турарди.

Биттаси унга деди:

– У ерда, ахир одамлар бўлиши мумкин!

Витька денгизчилар камарини ечди, бир учини қулига уради, чуқмордек оғир туқаси бор томонини буш қолдирди. Бу учаласи запдуч келишган эди-да, унга.

– Қани улар? – деди ҳайратланиб Витька. – Наҳотки, одамзод бор булса? Ахир, бу битлиқи шаҳардаям одамлар яшайдими?

Учовлон бир-бирига қараб олишди.

– Сенингча, бу ердагилар ким булмаса?

– Қанжиқлар! Сенлар ҳам одаммисанлар?

Учаласи унга, Витька эса уларга қараб ташланди. Биттаси бошига тушган оғир туқанинг зарбидан дарров қулади, қолган иккаласи Витькани тегишга ҳаракат қилишар, қуллари билан урмоқчи бўлишар, бошларини эса эҳтиёт қилишарди. Кейин улар: «Бизникиларни уришаяпти!» – деб бақира бошлашди.

Яна беш-олти киши югуриб келди... Витька ҳам зарбалардан бебаҳра қолмаётганди, кимдир орқадан келиб шиша билан бошига туширди, аммо шиша сирғаниб теккани учун у оёқда тик туриб қолди. Унинг ҳақоратланган қалби таскин топгандай бўлди.

Ҳужум қилаётганлар сукинишар, тудаланишиб купроқ бир-бирларига халақит беришар, чувиллашишарди. Витька эса бундан фойдаланиб, уларни урарди. Шу пайт милиция ходимлари етиб келишди. Ҳаммалари бир бўлиб Витькани дуконча билан девор орасидаги бурчакка қисиб боришди. Витька ҳамон қулочкашлаб урарди. Милиция ходимларини олдинга ўтказишди, Витька ақлини егандай, милиция ходимларидан бирининг бошига оғир туқа билан тушириб қолди. Витьканинг туқаси яна шуниси билан

даҳшатли эдики, унинг ички қайрилган ерига қўрғошин қуйилганди. Милиция ходими... Ҳамма оҳ-ҳ.. деб юборди ва орқага тисланди. Витька иш расво бўлганини тушунди, энди туғрилаб бўлмайдиган ҳодиса юз берганди, камарни ташлади... Витькани вақтинчалик сақлаш ҳибсхонасига олиб кетишди.

Витьканинг онаси бу кўнгилсизлик ҳақида эртаси кунни эшитди. Ҳудуд инспектори эрталаб уни чақириб, угли шаҳарда қандайдир тўполонга аралашиб қолганини айтди.

- Вой, авлиё отахонларим-а! – қўрқиб кетганди она. – Энди уни нима қилишади?

- Қамоқ. Аниқ, қамоқ. Милиция ходими жароҳат олган, шифохонада ётибди. Бунақа иш учун - фақат қамоқ. Беш йилча беришлари мумкин. Нима, у эсини еганми?

- Авлиё отам, сен Худонинг фариштаси, - ялинарди она, - ёрдам бер, бирор йулини топ.

- Э, сен нима деяпсан! Мен қандай ёрдам бераман?

- У ичган бўлса керак, ичгач ақлдан озади...

- Ахир, мен ҳеч нарса қилолмайман. Тушунгин! У ҳозир ВСХда, унга аллақачон иш очган бўлсалар керак.

– Унда ким ёрдам бериши мумкин?

– Ҳеч ким. Ким эмиш? Хуп, ана булимга бор, нималар булганини аниқла. Аммо у ерда ҳам... Улар ҳам нима қила оларди?

Витьканинг онаси – озғин, оёғи чаққон, пишиққина аёл қишлоқда тентираб юрарди.

Қишлоқ кенгашининг раисига учрашди, у ҳам қўлларини ёзиб:

– Мен қандай ёрдам қила олардим? Хуш, тавсиянома ёзиб беришим мумкин, барибир, ёзишимга тўғри келади. Хуп, майли, яхшилаб ёзаман.

– Ёз, ёз, яхшилаб ёз, сен бизнинг ақлли бошчимизсан. У мастликда қилган бу ишни, соғ пайти чивинга ҳам озор бермайди деб ёз...

– Ахир, у ерда сурашмайди-да, маст булганми, маст булмаганми, деб. Биласанми, сен нима қиласан: уша милиция ходимининг ёнига бор, балки у унчалик қаттиқ урмагандир. Яна ким билади дейсан...

– Раҳмат сенга, фариштамизсан, вай, раҳматлар булсин сенга.

– Э, нима деяпсан, арзймайди бу ...

Витьканинг онаси туман маркази томон отилди. У бешта бола туққан, эрта бева қолганди (1942 йилда отасидан қора хат келганида Витька ҳали эмизикли гудак эди).

Унинг катта ўғли ҳам 1945 йилда урушда ҳалок бўлганди. Қизи эса 1946 йилда очликдан улган. Кейинги икки ўғли омон қолди, ҳали ёшликларидаёқ ФЗУ чақириғига илинишди, энди улар турли жойларда яшашарди. Витькани онаси охирги кучини сарфлаб катта қилганди. Ҳамма нарсасини сотди, аммо ўғлини улғайтирди.

Ажойиб, киришимли, оқкунгил, бақувват бўлиб ўсди ўғли.

Ҳаммаси яхши эди-ю, ичса аҳмоқнинг аҳмоғи бўлиб қоларди, худди отасига ухшаб. Жойинг жаннатда булгур, у ҳам қишлоқдаги бирорта тепалашишдан четда қолмасди.

Она бўлимга айнан кеча бекатда рўй берган ҳодисани муҳокама қилишаётганда етиб келди. Витька милиция ходимини бошлаб туширганди, у шифохонада экан. Витьканинг туқасидан зарар курган иккита пиёниста ҳам бор эди. Туқани қизиқиш билан томоша қилишарди.

- Аблахнинг калласига келганини қаранг!.. Уйлаб кўрсанг оддий, камардака камар. Бироқ, туқаси нақ чукморнинг узи! Яхшиямки, қирраси билан тегмабди...

Худди шу пайт Витьканинг онаси кириб келди... Бусағадан утгани ҳамон тиз чукди-ю, увиллаб йиғлаб, ёлвора бошлади:

– Вой, менинг азиз фаришталарим, оҳ сиз менинг ақлли бошлиққиналарим! Вой, сизларнинг хафагарчиликларингиз босилсин илоё, кечиринглар, унга қарғиш текканми! Маст булганда у.. Ичмаган пайти у қули очик, охирги куйлагини ҳам ечиб беради, туғилгандан бери соғ пайти у ҳеч кимга озор бермаган.

– Сен, кечиринглар дейсан. Ахир, у уч кишини шифохонага тикди. Бири хизмат вазифасини бажараётган вақтида. Узинг уйлаб кўр, қандай қилиб мана шунча қилғиликдан кейин уни кечириб мумкин?

Она қалби фарзандига бирор кўргилик, ғам соя солса, зирқираб кетади. Уғлининг айбини унга мантиқан аниқ қилиб тушунтириш бефойда эди...

– Айланай, болажонларим! – йиғлаб юборди у. – Ичганда ҳар нарса бўлиши мумкин-ку! Маст булгандан кейин уришгандир... Раҳмингиз келсин унга!..

Онага қараш оғир эди. Унинг ноласида шунчалик алам, ғам-қайғу зоҳир эдикн, киши узини йўқотиб қўярди. Бу ердагиларга раҳмдиллик бегона булса-да, ҳаммаси узини ноқулай сезарди. Кимдир тескари угирилиб олди, кимдир чека бошлади.

– Ёлғиз уғлим. Менга қарайдиган ҳам, боқадиган ҳам шу. Яқинда уйланмоқчи эди. Агар уни қамашса, қизгинанинг ҳоли не кечади? Қиз эса жудаям оққунгил. Бинойидек оиланинг фарзанди, эсиз. У кутмайди.

– У нима учун шаҳарга келганди? – суради бошлиқ.

– Бозорга чучқа ёғи сотгани келувди. Пул улгур керак-да, туй тараддудиди эдик.

– Унда ҳеч қанақа пул йуқ экан.

– Вой, Худойим! – Она қурқиб кетди. – Булмаса қаерда улар?

– Буни ундан сураш керак.

– Ҳа, уғирлашган бўлса керак-да! Уғирлашган! Ҳа, уғилгинам-а, мана шу сабабли тепалашган бўлса керак-да, унинг пулини уғирлашган. Уғрилар олиб қуйишган...

– Уғрилар олишган бўлса, бунга бизнинг ходимимизнинг нима алоқаси бор, уни нима учун урган?

– Э, қули қичиганда туғри келиб қолганда.

– Агар ҳамиша қули қичиганларга дуч келаверса, унда булимда ишлайдиган одам қоладими, уғлингиз дастидан. Жудаям қизиққон экан, хаддан ташқари. – Бошлиқ қатъийлашди. – Бу ишлар учун гуноҳидан

кечиб булмайди, қонун буйича у ўз жазосини олади.

– Вой гиргиттонларим, яхши одамлар, – яна ялина бошлади она, – ҳеч булмаса, менга, қари кампирга раҳм қилинглар, мен энди рушнолик кура бошлагандим. У меҳнатдан қочмайдиган йигит, уйланса янаям қуйилиб қолади. Менинг ҳам невара боққим келади...

– Гап буида эмас, онахон, тушунинг. Прокурор ҳам бор! Хуш, биз уни қуйиб юборсак, нимага асосланиб уни қуйиб юбординглар, деб биздан сурайди-ку. Бизнинг ҳаққимиз йуқ. Бунақа ҳуқуқ йуқ бизда. Унинг урнига мен утирмайман-ку.

– Балки уша ходимларингни бирор йул билан рози қилиш керакдир? Менда гиламча бор, узим туқигандим! Ҳаммасини унга атаб қилаётгандим...

– Эй, у сендан ҳеч нарса олмайди! – Энди бақира бошлади бошлиқ, – Сен одамларни ноқулай аҳволга солиб қўйма, азбаройи... Ахир бу жиян-жиян билан жанжаллашиб қолибди, дегани эмас-ку!

– Энди мен қаерга борайин, уғилларим? Сизлардан каттароқ кимлардир бордир ё йуқми?

- Прокурорга учрашиб курсин, - утирганлардан кимдир маслаҳат берди.

- Мельников, уни прокурорнинг олди-га кузатиб қўй, - деди бошлиқ. Ва яна онага қараб ўгирилди-да, унга худди карга ёки умуман бир зехни паст одамга тушунтиргандай гапира бошлади: «Прокурорга бор, у биздан юқорироқ! Иш ҳам энди унга ўтган. У сенга тушунтирсин: бизлар бирор нима қила ола-мизми, йўқми? Сени ҳеч ким алдаётгани йўқ, тушунгин». Онахон Мельников билан бирга прокурорга учрашгани кетди. Йўл бўйи улар гурунглашиб боришди.

- Ўғлим, нима, уни ёмон урганми?

Мельников уйлаганча жим борарди.

- Агар суд қилишса, унга неча йил бери-шади?

Сержант жимгина қадамини тезлаштирди.

Онахон бу найновнинг ёнида ҳамон пил-дираб борар ва уни суҳбатга тортишга ури-ниб, юзига тикиларди.

- Ўғлим, менга тушунтириб берсанг-чи, жим юрмай. Сенинг ҳам онанг бордир, ме-нимча, бор. Сизларга ачинамиз-да, ахир, шун-даям ачинамиз, мана, ҳозир гапираяпман-у, ҳар бир сўзга юрагимни қушиб бераяпман. Унга қўп беришадими?

Мельников дуд пуркагандай мужмал жавоб қайтарди.

- Мана, масалан, қабрларни безашади: четини тўсиқлар билан ўрашади, гулчамбарлар қуйишади. Бу нима, улганлар учун керакми? Бу тириклар учун керак. Улганларга энди барибир.

Онахон шундай даҳшатга тушдики, тухтаган жойида эси оғаёзди.

- Нега бундай дейсан?

- Кетдик, юр. Мен буни шунинг учун айтаяпманки, албатта, суд қилишади. Кечиришлари ҳам мумкин эди. Ичган, пул ўғирлашган: инсонни хафа қилишган. Аммо, барибир, бошқаларга ибрат булсин деб суд қилишади. Ахир ўзинг айтаяпсан-ку, маст булган деб. Бу энди ҳисобга кирмайди. Ҳеч ким уни зўрлаб ичиргани йўқ, ўзи ичган. Бу бошқаларга дарс бўлади. У энди барибир қамалади, бошқалар эса уйлаб қолишади. Булмаса, сизларни ҳеч қачон қайта тарбиялаб бўлмайди.

Она тушунди, манави найнов ҳам унинг ўғлига қарши фикрда, шу сабабли гапирмай қуйди.

Прокурор бир қарашда онахонга маъқул бўлди - эътиборли, мулойим. Онани диққат билан тинглади, у ўғли Витькани қандай

яхши, оққунгил эканлиги, соғ пайти чивинга ҳам озор бермаслиги, узи энди ёлғиз қандай қилиб кун кечириши ҳақида узундан-узоқ ва чалкаштириб гапирди. Унинг қайлиғи Витъ-кани кутмаслигини, бунақа қизларни куз очиб юмгунча бошқалар илиб кетишини, боёқишнинг оққунгил қизлигини ҳам эслатиб қўйди.

Прокурор эса ҳамон уни диққат билан тинглар, бармоқлари билан столни чертиб турарди... У гапни узоқдан, салмоқдаб бошлади:

– Мана сен, деҳқонсан, оилада куплашиб вояга етгандирсизлар-а?

– Ун олтита, отагинам. Ун тўрттаси тирик қолган, иккитаси ҳали мурғаклигидаёқ ўлиб кетган. Павел ўлди, ундан кейин яна бир ўғил, уни ҳам Павел дейишарди. Мана қара, ун олтита.

– Бутун бошли кичик бир жамият. Бошлиқ – ота. Туғрими?

– Ҳа, отагинам, шундай. Отамизга қулоқ солардик.

– Мана курдингми? – Прокурор онани уз галидан тутди. – Қулоқ солишарди! Хуш, нима учун! Биттаси туполон қилса, ота туполончини камар билан... Ота туполончини

қандай жазолаётганини ака ёки сингил куради-да, уйлаб қолади: у ҳам туполон қилсинми ёки йуқ? Шундай қилиб, катта оилада тартиб ушлаб турилган. Фақат шу йул билан. Агар ота биттасини кечирса, иккинчисини кечирса – оилада нима булади? Бузилиш. Мен сени тушунаман, сенга раҳмим келаяпти...

Агар билсанг мен ҳам ачинаман, у ер курорт эмас, ҳодисани ҳисобга олсак, у ёққа уғлинг бир йилга кетмайди. Одамгарчилик юзасидан ҳаммаси тушунарли, аммо юқори даражадаги тартиблар бор, бу ерда бизнинг кучимиз етмайди. Суд қилганда қанча беришади, билмайман, буни суд ҳал қилади.

Она тушундики, бу ҳам унинг уғлини ёқтирмай қолган. «Уз одамлари учун куюнапти».

– Отагинам, сендан юқорироқда ҳам биров борми?

– Қанақасига? – дарров тушунмади прокурор.

– Энг каттаси сенми ёки каттароқ кимдир яна борми?

Прокурор, кейин ўзига ноқулай бўлди-ю, беихтиёр кулиб юборди.

– Бор, онахон, бор. Улар кун!

– Қаерда экан улар?

– Қаерда?.. Хуш, улка ташкилотлари бор... Сен, нима, у ерга бормоқчимисан? Маслаҳат бермайман.

– Менга яхши одамлар айтишди; энг яхшиси ҳозир чиқариш керак эмиш, ҳали суд булмасдан туриб, кейин қийин буларкан.

Уша яхши одамларга айтгинки, улар... яхши эмас экан. Улар четдан туриб қарагандагина яхши одамлар... Яхшигина одамлар. Ким бундай маслаҳат берди?

– Ҳа-а, айтишди-да...

– Хуп майли, борақол. Бекорга пулингни сарфлаганинг қолади. Натижа барибир уша-уша булади. Мен сенга тамоман расмий тарзда айтаяпман: суд қилишадн. Суд қилмаслик мумкин эмас, ҳаққимиз йуқ. Ва ҳеч ким бу судни бекор қилолмайди. Онанинг қалби озорланди. У прокурордан хафа булганди, шу сабабли, оёғида аранг турган булса ҳам унинг олдида гурсиллаб йиқилмаслик ва овозини чиқариб йиғлаб юбормаслик учун сир бой бермади.

Унинг оёқлари чалкашиб кетаётганди.

– Ҳеч булмаса, уғлим билан учрашувга рухсат берарсан...

– Буни иложи бор, – дарров рози булди прокурор. – Айтишларича, унинг анчагина пули булган экан, шундайми?

– Ҳа...

Прокурор қоғозга нималарнидир ёзиб онага узатди.

– Булимга бор.

Милицияга йулни онанинг узи топиб борди... Одамлардан суриштирди. Улар йул курсатишди. Онанинг куз олдини туман қоплаб олгандек эди. У жимгина йиғлар, куз ёшларини румолининг учи билан ар-тар, аммо одатига кура тез юрар, баъзида йулакчада чиқиб қолган тахталарга қоқилиб кетарди. Билардики шошилиши, уғлини суд қилмасларидан олдин улгуриши керак. Булмаса, кейин чиқариб олиш қийин булади. У бунга ишонарди. У бутун умри давомида ҳамиша йул юриб, куз ёшларини румолининг учи билан артиб, ғам билан мана шундай ку-рашган эди. Унинг юрагида яхши, оққунгил одамларга нисбатан енгиб булмас ишонч яшарди: улар ёрдам қилишади! Манавилар эса – майли, уз одами учун хафа булишибди, қолганлар эса – нарироқдагилар, улар ёрдам беришади.

Наҳот ёрдам беришмаса?

У ҳаммасини уларга гапириб беради – ёрдамларини аяшмайди. Қизиғи, она бирор марта ҳам уғлининг жиноят содир этгани тўғрисида уйламасди. У бир нарсани билардики: уғлининг бошига катта кулфат тушган. Онадан бошқа ким ҳам уни бу кулфатдан қутқара оларди? Ким? Вой Худойим-эй, уша ўлка ташкилотларига пиёда юриб бўлса ҳам боради, кечаю-кундуз юрса ҳам. Уша яхши одамларни у, албатта, топади.

- Хуш? - суради ундан бўлим бошлиғи.

- Ўлка ташкилотларига боришимни айтди, - ёлғонлади она. - Мана бу учрашув учун. - У ёзилган қоғозни узатди.

Бошлиқ буни сездирмасликка ҳаракат қилса ҳам, бирмунча ҳайрон бўлди. Қоғоздагини ўқиди. Она унинг ҳайрон бўлганини сезди ва уйлади: «Ҳа», у озроқ енгил тортганди.

- Мельников, кузатиб қўй.

Она улар анча узоқ йўл юришади, олдида темир эшиклар очилади, уғлини у панжара ортида кўради ва ўғли билан пастдан туриб, оёғининг учига кутарилиб олиб гаплашади... деб уйлаганди. Унинг ўғли эса шу ерда.

наста, ертулада утирарди. У ердаги йулакда боши қирилган эркаклар ниманидир уйнаб утиришарди. Улар онага ва сержантга қараб қолишди. Уларнинг орасида Витька йуқ эди.

– Ҳа, онахон, – суради уйнаб утирганлардан ёши улуғроғи, – сенгаям ун беш кун беришдимки?

Кулишдилар.

Сержант онани йулак буйлаб жойлашган булмалардан бирининг ёнига олиб келди ва эшикни очди... Булма катта, тахта катлар эса энли эди. Витька тахта катда ётарди... Мельников кирганида ўрнидан турмаган Витька, унинг ортидан онасини куриб, сакраб ўрнидан туриб кетди.

– Суҳбатлашиш учун ун минут, – огоҳлантирди найнов. Ва чиқиб кетди. Она тахта кат чеккасига ўтирди-да, румолининг учи билан шоша-пиша кузларини артди.

– Қара-я, ерни ости булса ҳам, қуруқ илиққина экан, – деди она.

Витька жим эди, қуллари билан тиззасини кучоқлаб утирарди. Эшикка қарарди. Бир кечада соқоли ушиб, кузлари киртайиб қолганди, худди атайлабдай. Унга қараш оғир эди. У хиёл титрар ва бор кучи билан ҳеч

Наҳот ёрдам беришмаса?

У ҳаммасини уларга гапириб беради – ёрдамларини аяшмайди. Қизиги, она бирор марта ҳам уғлининг жинойт содир этгани туғрисида уйламасди. У бир нарсани билардики: уғлининг бошига катта кулфат тушган. Онадан бошқа ким ҳам уни бу кулфатдан қутқара оларди? Ким? Вой Худойим-эй, уша улка ташкилотларига пиёда юриб бўлса ҳам боради, кечаю-кундуз юрса ҳам. Уша яхши одамларни у, албатта, топади.

– Ҳуш? – суради ундан булим бошлиғи.

– Улка ташкилотларига боришимни айтди, – ёлғонлади она. – Мана бу учрашув учун. – У ёзилган қоғозни узатди.

Бошлиқ буни сездирмасликка ҳаракат қилса ҳам, бирмунча ҳайрон бўлди. Қоғоздагини ўқиди. Она унинг ҳайрон бўлганини сизди ва уйлади: «Ҳа», у озроқ енгил тортганди.

– Мельников, кузатиб қўй.

Она улар анча узоқ йул юришади, олдида темир эшиклар очилади, уғлини у панжара ортида куради ва уғли билан пастдан туриб, оёғининг учига кутарилиб олиб гаплашади... деб уйлаганди. Унинг уғли эса шу ерда,

пастда, ертулада утирарди. У ердаги йулакда боши қирилган эркаклар ниманидир уйнаб утиришарди. Улар онага ва сержантга қараб қолишди. Уларнинг орасида Витька йуқ эди.

- Ҳа, онахоң, - суради уйнаб утирганлардан ёши улугроғи, - сенгаям ун беш кун беришдимми?

Кулишдилар.

Сержант онани йулак буйлаб жойлашган булмадардан бирининг ёнига олиб келди ва эшикни очди... Булма катта, тахта катлар эса энли эди. Витька тахта катда ётарди... Мельников кирганида урнидан турмаган Витька, унинг ортидан онасини куриб, сакраб урнидан туриб кетди.

- Суҳбатлашиш учун ун минут, - огоҳлантирди найнов. Ва чиқиб кетди. Она тахта кат чеккасига утирди-да, румолининг учи билан шоша-пиша кўзларини артди.

- Қара-я, ерни ости булса ҳам, қуруқ, илиққина экан, - деди она.

Витька жим эди, қуллари билан тиззасини қучоқлаб утирарди. Эшикка қарарди. Бир кечада соқоли усиб, кузлари киртайиб қолганди, худди атайлабдай. Унга қараш оғир эди. У хиёл титрар ва бор кучи билан ҳеч

булмаганда шуни онасига сездирмасликка уринарди.

– Күриниб турибди, пулингни уғирлашган, шундайми? – сўради онаси.

– Ҳа.

– Хуп, уғирлашган бўлса, садқаи сар эди уша пуллар, нима учун шуни деб тепалашдинг? Пул бизни эмас, биз уни топамиз-ку, болам.

Витька ҳеч қачон, ҳеч кимга қандай вазиятда пулини олиб қўйишганини айтмасди, уяларди. Иккита ифлос... оғир шармандалик! Яна онасига ҳам ачинарди. У онасининг ҳар қандай қонунларни босиб, янчиб бўлса ҳам келишини биларди, у буни кутар ва қурқарди.

Онанинг қалби эса шу дақиқаларда бутунлай бошқа бир ҳолатда эди. У оламда суд, прокурор, милиция, қамоқ деганлари борлигини бутунлай унутганди. Унинг ёнида боласи, ёрдамга муҳтож, айбдоргина боласи утирарди... Боласини ким тортиб ололарди ундан – уғлига фақат у, бошқа ҳеч ким керак эмас, фақат у керак?

– Билмайсанми уни... ёмон урмабманми?

– Унчаликмас, туқанинг текис томони тегибди... Аммо ётибди, тургани йуқ.

– Экспертиза қилишгандир, албатта. Бюл-
летень олади... – Витька онасига қаради, –
етти йилгача туғрилайдилар.

– Ё муқаддас Авлиёлар! – Онанинг юраги
орқага тортиб кетди. – Нега бунча куп бери-
шади?

– Етти йил!.. – Витька тахта катдан сакраб
турди, булмада у ёқдан-бу ёққа юра бошла-
ди. – Ҳаммаси ҳавога учиб кетди! Тамом, бу-
тун ҳаёт ағдар-тунтар булади энди! Боласи
қалбини қайғу тоқатсиз эзаётганини она-
нинг доно қалби сизди.

– Нима, сени суд қилиб кесишдимми? –
деди она уғлига уқрайиб. – Дарров ҳаётим
ағдар-тунтар дейсан.

– Бу ерда бошқа нимани ҳам курардинг?
Ҳаммаси маълум...

– Буни қаранглар, ҳаммаси маълум эмиш!
Сен аввал ҳеч булмаса сурасанг буларди, мен
қаерларда булдим, нималарга эришдим?..

– Қаерда булдинг, – Витька тўхтаб қолди.

– Прокурорнинг олдига бордим...

– Ҳуш! У нима деди?

– Ҳаҳ, сен олдин нима деди, деб сура. У
булса дарров ҳаёт тугади эмиш... Нимага бун-
ча кучсизсизлар... Ҳали ҳеч вақо булгани йуқ-

ку, унинг булса... калласида нима бор, Худо билади.

– Хўп, прокурор нима деди?

– Шуниси... Ҳозирча у ич-этини емай турсин, калласидаги ҳар хил булмағур ҳаёлларни чиқариб ташласин, деди...

Биз узимиз бу ерда ҳеч нарса қила олмаймиз, чунки ҳаққимиз йўқ. Сен эса вақтни йўқотмай, улка ташкилотларига бор. Агар бизларга у ёқдан буюришса, биз хоҳласак-хоҳламасак уни қўйворамиз. Шунда одамларимиз олдида виждонимиз пок бўлади: суд қилмоқчи эдик-ку, аммо булмади, деймиз. Улар бу ерда ҳаммасини уйлаб қўйишган. Мен ўзим ҳам унга ачинаман. Аммо биз кичкина одамлармиз. Улка ташкилотларига бор, у ердагиларга булган ҳамма воқеани тулиқ тушунтир... деди Сенда қанча пул бор эди узи?

– Юз эллик.

– Вой, фаришта отахонлар! Қўллари исибди...

Эшикдан найнов милиционер муралади.

– Тугатинглар.

– Ҳозир, ҳозир, – деди шошилиб она, – биз ҳаммасини гаплашиб булдик... Мен ҳозир

уйга бораман, Мишка Бичков сенга тавсиянома ёзади... яхшилаб ёзаман деган.

– У ерда.. ҳалиги.. жомадонимда ҳар хил фахрий ёрлиқлар ётибди, хизматдан, ҳар эҳтимолга қарши уларни ҳам ол.

– Қанақа фахрий ёрлиқлар?

– Уша ерда курарсан. Балки, ёрдами тегар.

– Оламан. Кейин идорага кираман, у ердан ҳам тавсиянома оламан... Қуруқ қул билан бормайман. Балки гидамчаларимни сотарман, Сергеевна оламан деганди?

– Нега?

– Ахир узим билан пул олсам яхши-да, балки кимнингдир оғзини мойлаш керакдир.

– Керакмас. Қайтанга ишнинг пачавасини чиқарасан.

– Хуп, майли, қарайман.

Милиционер яна эшикдан муралади.

– Вақт будди.

– Кетаяпман, кетаяпман, – деди она яна шошилиб. Эшик ёпилгандан кейин, қўйнидан пишган тухум ва жигар олди:

– Ма, еб ол. Сен жудаям куп уйлайверма, ҳали ҳаммаси яхши булади. Яхши одамлар ёрдам беришади. Энг катта бошлиқлар яхши одамлар булишади, улар қўрқишмайди. Булар

эса қурқишади, ҳеч кимдан қурқмайдиганлар
эса уэлариға-уэлари хужайин. Мен уларнинг
олдига киришга-ку, кираман. Сен узингни
қулга ол-да, яхши нарсалар ҳақида уйла.
Хохла, Верка ҳақида... Верка ҳам жуда эзилиб
куймоқда. Эшитган заҳоти югуриб келди.

– Ҳуш?

– Қийналяпти.

Витьканинг кунгли қайлиғи куйганини
эшитиб ҳам негадир илимасди.

– Биласанми яна нима... – онаси шивирлаб
деди. – Сен хаёлан Худога сиғингин. Ҳечқиси
йуқ, сен чуқинтирилгансан. Ҳар томондан
ураб, ҳаракат қиламиз. Мен уйдан эртароқ
чиқаман-да, поезд келгунча югуриб бориб
Ҳазрат Николайга атаб шам ёқиб келаман,
ундан ҳам сиғиниб сурайман. Ҳечқиси йуқ, у
меҳр курсатади. Отангининг қора хатини ҳам
оламан...

– Сен акаларимга... бу... ҳозирча хабар бер-
май тур.

– Хўп, хабар бермайман. Нимага керак
уларнинг кунглини ортиқча безовта қилиб.
Энг муҳими, сен ҳаммаси тугади, деган уйни
каллангдан чиқар. Агар беришсаям, бир йил-
ярим йил кўздан холи қилиш учун беришар.

Лекин етти йил эмас. Агар кимга бир йил беришса, қарабсанки, у ярим йилдан кейин чиқиб келаяпти, ким яхши ишласа, уни эртароқ чиқариб юборишади. Балки, ҳали бир йил ҳам беришмас.

Милиционер хонага кириб келди-ю, энди қайтиб чиқиб кетмади.

– Вақт, вақт...

– Кетдим. – Она тахта катдан турди, милиционерга елка томонини угириб бурилди-да, уғлини тезгина чуқинтириб, фақат лаблари билан шивирлади: Исонинг узи сақласин сени.

Она булмадан чиқди. Йулак буйлаб кетиб борар экан, йиғидан кузлари курмасди. Уғли Витькага ачинарди, жудаям ачинарди. Боланг бетоб бўлиб қолса ачинасан, бу ерда эса ачиниш бошқачароқ, бу ерда одамлардан ёрдам сураб ялинсанг, тескари қараб олишади, кузингга қарашолмайди. Баъзан даҳшатга тушасан. Аммо, она ҳаракат қилаётганди. Хаёлан у аллақачон қишлоғида эди, биринчи навбатда қилиниши керак бўлган ишларни мулжалларди, жунаб кетишдан олдин энг аввал кимнинг олдига бориши ва қандай қоғозларни олиши кераклигини

уйларди. Тагин уша «Оқхунгил одамлар, яхши одамлар»нинг ёрдам беришига булган ишонч уни яна ва яна олға чорлар, ҳеч қаерда тараддудга тушмас, ҳатто туйиб йиғлаб олиш ҳам, бу ҳалокат булиши мумкинлигини биларди. У ҳаракат қиларди.

Кун оққандан кейин, соат учларда, у яна қишлоғидан чиқиб, улка ташкилотлари томон йулга тушди.

«Худойим, ёрдам бер! Отахонларим! – деган сузлар тилидан тушмасди. – Шундай қилгинки, уғлимнинг хаёлига ёмон фикрлар келмасин, унга ақл берсин. У озроқ ҳовлиқмароқ, ўзига бирон-бир нарса қилиб қўймасин», деган сузлар хаёлида тинимсиз айланарди.

Тун оққанда, у поездга утириб жунаб кетди.

«Ҳечқиси йуқ, меҳрибон одамлар ёрдам беришади».

Ёрдам беришларига она ишонарди.

ВИЖДОНСИЗЛАР

Қария Глухов олтмиш саккиз ёшида кампиридан айрилди. Кампирини дафн қилганидан сунг маросимларини ўтказди. Йиғлади, сиқтади. «Энди қандай яшайман-а?» Суққа бош... Бева қолган ҳамма қариялар нима деса, у ҳам шундай дерди. Ростдан ҳам унга қийин бўлди, жудаям қийин, қайғули, аммо у «энди қандай яшаши» ҳақида уйлаб кўрмасди. Аччиқ ва оғир ҳислар оғушида эди: тамом-вассалом. Олдинга назар ташламасди.

Аммо вақт утиб борарди, бир йилдан сунг, ростдан ҳам қарияга қийин бўлиб қолди. Гуёки зерикиб, соғиниб қолгандай... Йўқ, ростдан кампирини кўмсарди. Ҳувиллаган катта уйда ёлғизликдан ёнвойилашиб қолганди. Унинг ўғли бор эди, кичиги (катталарини уруш домига тортганди), аммо у шаҳарда яшарди, у кам келар, келганда ҳам картошка, тузланган карам, бодринг, боаларига деб асал (қария олти қути асалари боқарди) олгани, чўчқа ёғи олиб кетгани келарди. Бу камнамо келишлар қарияга ёқмас, қайтанга жаҳлини чиқарарди. Йўқ, у чўчқа ёғини ҳам, асалу бодрингни ҳам қизғанмасди.

Ахир... фарзанди фарзандидай эмас, шунчаки келиб-кетар кишидай эканлигидан хафа булар, алами келиб ғамга чукарди. У уғлига чучқа ёғи, карам... илинар экан, яхшироғини беришга уринарди. У гапирмас, кунгли озорланса ҳам нолимасди. Хуш, Ванька нима десин? Нима ёрдам қила олади? Балки, бирга қушилишиб уф тортар, бир шншани иккаласи юмалатишар. Ва кетади у жомадонини кутариб, узининг шаҳар-маҳарига, оиласи ёнига. Мана шунақа.

Шу сабабдан қария уйланмоқчи бўлди. Ҳа. Ва келини ҳам мулжаллаб қўйди. 9 май – Ғалаба куни эди. Ҳар доимгидай урушда ҳалок бўлганларни ёдга олиш учун бутун қишлоқ қабристонга йиғилди. Қишлоқ кенгашининг вакили рўйхат бўйича ўқий бошлади:

– Гребцов Николай Митрофанович.

Гуляев Илья Васильевич.

Глухов Василий Емельянович.

Глухов Степан Емельянович.

Глухов Павел Емельянович.

Кейинги учаласи – қария Глуховнинг ўғиллари эди. Ҳар доим рўйхатни ўқишганда қария Глуховни ғам чулғаб олар, гуё томоғини шафқатсиз кучли бармоқлар қаттиқ сиқар, ҳаво етмай, нафас олиши қийин бўлиб

қоларди... У ерга қараганча турар, йиғламас, аммо кузлари ҳеч нарсани курмасди. У шу ҳолатда узоқ турарди. Қишлоқ кенгаши вакили эса руйхатни уқишдан тухтамасди:

– Оларин Семён Сергеевич.

Попов Иван Сергеевич.

Попов Михаил Сергеевич.

Попов Василий Иванович...

Қабристондагилар жимгина йиғлардилар. Айнан жим, индамай ипак румоллар учига, кафтларига секингина оҳ уришар, гуёки одамлар ушбу дамда лозим булган жимликни бузиб қўйишдан қўрққандай, жим турардилар. Қария энди сал бушашиб атрофга қаради. Хаёлидан ҳар сафаргидай бир уй утди: «Қанчалаб одамнинг ёстиғини қуритди бу уруш!» Худди шу ерда, одамлар орасида турган кампир Отавинага назари тушди. Бу ерда анчадан бери яшаса ҳам, Отавина асли бу ерлик эмасди, Глухов уни танирди.

Бу қайғули руйхатда Отавина кампирнинг ҳеч кими йуқ булса-да, у ҳамма билан биргалликда жимгина йиғлар ва чўқинарди. Глухов Худога ишонадиганларни ҳурмат қиларди. Чунки улар қувғинга учрасалар ҳам, устиларидан қулишсалар ҳам... иймонли инсонлар

булганликлари учун чидашар, букилмас эдилар.

У Отавинани зимдан кузатди. Кампир қирғийбурун, гавдали, ҳали кучдан қолмаган, томорқа юмушларини бажариш, карам тузлаш, печка ёқиш, нон ёпиш каби ишларни бемалол эплай оларди. Қария «Ҳукуматнинг ноки»ни – дукондагини ея олмасди. Ва бирдан хаёлига: «У ҳам ёлғиз, узи қийналаётган булса керак... шундай эмасми?» – деган фикр келди.

Глухов уйига қайтгач, уғиллари хотираси учун ичди. Кейин астойдил уйлай бошлади: «Кампир ўзининг уйини сотса-да, меникига кўчиб ўтса, яшагани. Пулини эса дейлик, майли ўз номига, дафтарчасига қўйсин. Майли, меникида яшайверсин, ҳар ҳолда, уй буш турмайди. Ҳеч булмаса, одамга ўхшаб ҳаммомга кириб, кейин беташвиш ётардик. Столга нарсаларни қўйиб «Емельян, утир», дейдиган одам буларди. Уйда тириклик нишонаси кўринармиди! Ахир кимдир печканинг ёнида ниманидир даранглатса, таомдан буғ кутарилиб турса, бошқача булади-да. Ёки дейлик, кечаси уйқунг қочса, секин гаплашиб ётсанг... Дейлик, масалан, хўжалик бригадирини буралатиб сукиш мумкин. Туғри,

Отавина диндор, бошқача сузларни топсам бўлади, албатта, сукиниш шарт эмасдир. Узи-ку, ишинг орқага қараб кетаётган бўлса, турингдан гуринг яқин, етар шунча сукинганларинг. Йўқ, у келса, ростдан ҳам ҳаммаси яхши бўлади. Гални у ёққа айлантирсам ҳам, бу ёққа айлантирсам ҳам – уйга бир аёл керак. Аёл – аёл-да!» Қария шундай уйларди. Ҳатто, ҳаяжонланиб ҳам қўйди. Шундай қилиб якшанба кунларининг биряда, у Ольга Сергеевна Малишеваникига – у ҳам кампир, аммо Отавинадан ёшроқ, каллаи саҳардан жунади. Мана шу Ольга Сергеевнани қария Глухов, қачонлардир пинҳона қаттиқ севарди. Ушанда, навқирон йигитлик даврида, чиройли ва қувноқ Ольгани севиб қолганди. Малишевларникига совчи юборишни хаёл қилиб турган бир паллада инқилоб бошланиб қолди. Қишлоқда қандайдир бир энчил комиссар пайдо бўлди-ю, ана-мана дегунча шу ақллигина Ольганинг бошини айлантириб, кейин узи билан олиб қаёққадир жунаб кетди. Олиб кетишга кетди-ю, аммо узи қаергадир ғойиб бўлди. Урушда улгандир балки. Ольга Сергеевна эса қишлоққа қайтиб келди ва шундан буён ёлғиз яшаб келади. Ушанда, ёшлик йиллари, бир куни Емельян

Глухов, гарчи уйланган булса-да, Ольга Сергеевнани хонасига қамаб олиб (у қишлоқ кенгашида котиба булиб ишларди) юрак дардини унга очди. Бундан Ольга Сергеевнанинг жаҳли чиқди, йиғлади ва узининг лочин комиссаридан кейин бирон-бир кимсани ҳеч қачон яқинига йулатмаганини айтди. Глухов унга ҳеч қандай ёмон нияти йўқлигини, шунчаки севиб қолганлигини тушунтирмоқчи булганди {ширакайф эди у}. Севиб қолган булса, бунинг нимаси ёмон? Ольга Сергеевнанинг баттар жаҳли чиқиб, барча эркак зоти йиғилиб, унинг унутилмас комиссари тирноғига ҳам арзимаслигини қайта-қайта такрорлади. Шундай қилиб, у барчага узининг комиссарини пеш қидавериб бошқаларниям чўчитиб юборди, натижада ҳеч ким унинг яқинига йуламай қўйди. Аммо куп сувлар оқиб ўтди, ҳаммаси унутилди, ўтди-кетди, бу кўҳна заминда энди уларникига ухшамаган, бошқача муҳаббат куйи янгради. Қария Глухов ва нафақахур Ольга Сергеевна ғалати бир тарзда дўстлашиб қолишди. Қария ёлғиз қўл аёлга хўжалик ишларида ёрдамлашиб, қишда қорини курар, утинини ёрар, супургисига дастак қўйиб, томини тузатиб берарди. Бирга ўтириб суҳбат қуришар, Малише-

ва столга чоракталик қўярди... Глухов ундан ҳамон озроқ чучиб турар, шу боис шуро ҳукуматини мақташга уринарди...

– Қара, қандай ажойиб ҳукуматимиз бор! Илгари қандай эди: кексалар қариб-чириб қолсаям биров қайрилиб қарамас, улар ҳеч кимга керак эмасди. Энди-чи – нафақа оласан. «Нима учун менга ҳар ойда йигирма сўм беришади?» – деб сурагинг келади. Уз уғлим келиб қолса, беш сўм беради, баъзан эсидан чиқади шуям. Ҳукумат эса – канда қилмайди, мана ол!.. Комиссарлар эса ушанда буни билишган. Улар ёрқин ҳаёт учун уз жонларини қурбон қилишди. Мен, Ольга Сергеевна, уларнинг ёрқин хотирасини урнимиздан туриб ёд этишни таклиф қиламан.

Ольга Сергеевна эса бундан норози бўлгандай деди:

– Утир. Энди нимага керак? Энди керакмас. Аёл энди у комиссарни камдан-кам ёдга олар, кечалари уни нимадир «босмоқчи»дай бўлаётганини гапирарди.

– Мана шундоқ, босади-босади тамом, ажалим етдими, деб уйлайман...

– Қаерингни босади у? Куксингними?

– Э-э, ҳамма жойимни. Мана шундоқ келади-да, мана шундоқ эзи-иб, бўлди, та-

мом, улдим деб уйлайман. Кейин секин қўйиб юборади, на қўл, на оёғим қимирлайди. Қаергадир сузи-иб кетаётгандай буламан. Су-завераман, сузанераман.

– Ҳа-а, – раҳми келди Глуховнинг. – Бу шунақанги ишки, бир кунмас бир кун охири сузи-иб кетиб қолишинг мумкин.

Хотинини тупроққа топширганидан кейин қария Глухов энди Малишеваникига янаям купроқ келадиган бўлиб қолганди. Хужалик ишларига қарашар, купроқ айвонда бирга утириб асалли чой ичишни яхши курарди. Қария ёғоч хурмачада асал кутариб келарди. Гаплашиб ўтиришарди.

– Кампирингни соғинасанми? – қизиқиб сурарди Малишева. Глухов нима дейишини билмас, агар билмасдан ноўринроқ нимадир деб қўйса, Малишева уни уялтиришидан курқарди. У купинча, гарчи мулзам қилмаса ҳам, қариянинг ёши етмишни қоралаётган бўлишига қарамай, ҳамон унинг гапларига купроқ қулоқ солиши, у эса жимгина тинглаши лозимлигини писанда қиларди.

– Соғинасанми?

– Шундай... – ноаниқ жавоб қиларди Глухов. – Ачинасан, албатта. Ҳар ҳолда, биз у билан эллик йил бирга яшагандик.

– Ёиргалиқда юз йил ҳам яшаш мумкин... маъни булдимиди?.. Филлар икки юз йил яша-шади, нима маъно бор?

Глуховнинг жаҳли чиқди.

– Менинг учта уғлим урушда ҳалок булди! Сен эса менга бунақа сузларни айтасан...

– Мен ҳеч нарса деганим йуқ, – сал юм-шайди Малишева. – Улар Ватан деб ҳалок булишган.

– Соғинаман, албатта, – деди сал дадил-лашиб Глухов. – Бечора мен билан қандай кунларни бошидан утказмади-я!.. Чидарди. Ёшлигимда сал аҳмоқроқ эдим, қуполроқ... Ҳаммасига чидарди, меҳрибон эди. Ачинаман.

– Ақлини қаранг, буларнинг ақлини, – уф тортди Малишева. – Теша олиб тарашлаш керак сиздақаларни! Яна икки юз йил та-рашлаш лозим, шундагина сизлар одамга ухшасаларинг керак. Мана сен, у билан эллик йил бирга яшадинг. Хуш, нима бупти? Арзи-гулик ҳеч нарса айтиб беролмайсан. Мана, менинг томорқамда қичитқи усади... уям усаепти. Ёнида эса қулупнай. Фарқи борми?

– Сен нимага жаҳл қиялпсан ўзи? – Тушун-масди Глухов

– Фарқи борми деяман сенга?

– Бузоқни такага ухшатдинг...

– Ухшатаманам! Чунки биров ёниб яшайди, бошқаси эса тутаб. Кимдир узгаларни уйлаб, кимдир фақат ўзини уйлаб яшаб ўтади. Айғирлар.

– Ҳаммаям комиссар булавермайди! – «айғир» деган суздан хафа булиб жавоб қайтарди Глухов.

– Эллик йил бирга яшабдилар, – масхара қилди Малишева. – Хуш, ундан бир ҳафтагагина етгулик маъно-мазмун чиқадими?

– Худога шукр, маъно-мазмун етарли бўлган. Ошиғи билан.

– Ҳа, кўриниб турибди! – Малишева лабларини ўрдакникидай чўччайтирди. – Айғирлар.

Глухов нима биландир унинг жаҳлини чиқараётганини ҳис этар, аммо у нима эканлигини ҳеч тушунмасди. Лекин у, барибир, Малишеваникига келишни канда қилмади. Баъзида мана шунақа ғижиллашиб қолишар, баъзан эса тинчгина хайрлашишарди. Қарабсизки, оқшомлар сезилмасдан ўтиб турарди.

Бу якшанбада у Малишеваникига қуруқ қўл билан – болта, аррасиз келди. Гаплашгани келди. Маслаҳатлашгани. Ёрдам сураб келди.

– Сергеевна, мен бир маслаҳат билан келдим. Ёрдам берсанг.

– Қандай ҳодиса содир бўлди? – сергак тортди Малишева. У маслаҳат беришни ёқтирарди.

– Сен Отавина кампирни биласан-а?

– Хуш?..

– Уша билан бир гаплашиб кўрсанг, менинг уйимга кучиб ўтишга рози булармикан. Узининг уйини, майли сотсин. Ёки бундай қилса ҳам бўлади: ҳозирча майли, тамбалаб ташласин, курамиз, агар яшаб кетолсак, унда сотсин. Бекорга таваккал қилишнинг нима кераги бор. Нима деб уйлайсан? У билан гаплашишга ўзимнинг журъатим етмайди, сенинг эса қўлингдан келади. Мен уни хафа қилмайман... Тўрт оёқда ҳар қалай, олдингидай бўлмаса-да, маҳкамроқ туриш осонроқ бўлади. Нима деб уйлайсан? – Глухов ўзига хос бўлмаган тарзда куп ва тез бидирларди, ўзини ноқулай сезарди. – Уйлай- уйлай, шундай фикрга келдим. Ёлғизлик жонга тегди, жин урсин. Унгаям, менимча, анча енгил бўлади. Нима деб уйлайсан?

Малишева лол қотди. Шунчалик ҳайратга тушдики, дабдурусдан жуяли бирор суз айтишга тили айланмай қолганди.

- Уйлангилари келдими?

- Э, уйланиш... бу... қанақасига уйланиш бўлсин? Шундоқ - иккаламиз учун ҳам енгил булармиди...

- Ҳуқуқий жихатдан, бу барибир уйланиш. Нега думингни ликиллатасан?

Глухов шошиб қолди.

- Ҳўп, ана уйланиш бўла қолсин. Нима, бу мумкин эмасми?

Малишева диққат билан, қандайдир бе-
гонасираб, яширин ғанимлик билан қарияга
тикилиб қаради.

- У узи розими? Ҳа, айтмоқчи, сен ҳали
гаплашганинг йўғ-а, у билан...

- У буни билмайди! Сендан шуни сураб
келдим-да, гаплашиб курсанг булармиди.
Гаплашиб кур, кундир уни. У художуй кампир,
бу гуноҳ дейиши ҳам мумкин. Бундоқ уйлаб
курулса, қанақасига гуноҳ булиши мумкин?
Ахир, мен ёлғизман, уям ёлғиз.

- Шаҳарда унинг қизи бор.

- Э, нима бупти!.. Ана, шаҳарда менинг ҳам
уғлим бор. Улардан ҳозир нима фойда. Бизлар
эса қолган умримизни бирга яшаб ўтардик
дейман-да. Ким олдин улса, кумадиган одам
буларди.

- Ахир, сизларнинг болаларингиз бор-
ку! - бирдан асабий овози янгради Мали-

шеванинг. – Нимага узларингни қозонлик сағирларга ухшатасизлар?

Глуховнинг уни учди. Уз навбатида, у ҳам жаҳли чиқиб Малишевага диққат билан тикилди. Нима сабабдан у бунча ғазабланаяпти? Нега мунча буғилади?

– Сенга нима бўлди, Сергеевна? – суради у.

– Менга ҳеч нарса бўлгани йўқ. Сизлар-ку, турмуш қурмоқчи бўлаётган. Яна нима бўлди деб мендан сурайсан? Менга ҳеч нарса бўлгани йўқ.

– Нимага жаҳлинг чиқаяпти?

– Ҳечам-да! Қаранг, мени жаҳлим чиқармиш. Турмуш қурасизларми? Отавина билан гаплашиб берайми? Гаплашаман! – Энди Малишева қилпанглаб бидирлай бошлади. – Уни чақираман-да, гаплашаман, менга қийин жойи йўқ. Билиб бераман, розими ёки йўқми? Кулишса, сиз масхарабозларнинг устингиздан кулишади, меникидан эмас.

– Қанақасига?

– Нима?

– Нега устимиздан кулишади?

– Нима, хурсанд бўлишади, деб уйловдингми?

– Ахир кексалар ҳам топишиб, бир ёстикқа бош қуйишади-ку.

– Булиши мумкин, булиши мумкин. Бупти, эртага чошгоҳда кел... Мен уни олдинроқ чақириб оламан-да, аввал гаплашиб кураман, сен эса кейинроқ, туш пайти келасан. Шунақаси булади. Хоҳлаганча топилади! Сен безовта булма, мен гаплашаман. Албатта гаплашаман!

Қария Глухов Малишеванинг уйидан муж-мал ҳиссиёт билан қайтди. Кунгли қандайдир тушунарсиз қитмирликни сезгандай бўлди. Малишева ғалати кампир-да, Худо ҳаққи. Нима учундир ҳамиша жаҳли чиқиб, асабий бўлиб юради. Ҳаммани қайтадан ясаб, йулга солгиси келади. Ҳаммага қандай яшашни ургатмоқчи, ҳаммага қозилик қилмоқчи булади. Қария, ҳатто, бирпас иккиланди: қайтиб бориб, ҳеч қандай ёрдами керак эмаслиги, узи бир бало қилиб эплаб, гаплашиб олишини айтмоқчи ҳам бўлди. Ҳатто, тухтаб анча туриб қолди. Охири яна қул силтаб: эй жин урсин, гаплашса гаплаша қолсин, деган қарорга келди. Узи, барибир, эплаб гапира олмайди. Жаҳли чиқса чиқаверсин, ишни бажарса бўлди-да. Эртаси куни кампирлар – Малишева ва Отавиналарнинг учрашуви бўлиб утди. Отавина Малишеваникига келгач, биринчи навбатда, уйининг бурчагига

(чуқиниш учун санам бор ёки йўқлигига) каради, қимтинибгина бахмал тушалган диваннинг чеккасига утирди. Ҳол-аҳвол сурашдилар.

– Биласанми, сени нимага чақирдим, – дарров муддаога утди Малишева. – Қария Глуховни биласан-а?

– Емельян Егоричними? Албатта, биламан. Унинг учта уғли ҳалок бўлган...

– Уша сенга уйланмоқчи, – деди Малишева сузлари худди чучвара туккандек жимжимадор оҳангда. – Сен розимисан?

– Ё тавба, ё тавба! – чуқинди Отавина. – Унга нима бўлган узи?!

– Нима бупти? – ҳатто, қандайдир шуҳчанлик билан ясама овозда давом этди Малишева. – Иккалаларинг ҳам ёлғизсиэлар... Уйлаб кур, сен аввал уйлаб, кейин жавоб бер. У ҳам худди бошқа эркакларга ухшаб тақанинг ўзи, аммо қолган умрингда ёрдами тегади. Узинг нима деб уйлайсан? Уйни, ҳозирча сотмай турсин, агар яшаб кетолсак, кейинчалик сотиб пулини омонат дафтарчасига қўйиши мумкин, деяпти. Нима дейсан?

– Мен нима деб айтишим мумкин? – Отавина ростдан ҳам нима дейишни билмасди. – Ҳамма уй-хаёллар бошимдан учди-кетди.

Қандай қилиб, худди томдан тараша тушгандек, бирданига эрга тег... – Отавина самимий жилмайди. – Бунақада эсдан оғиб қолиш ҳам ҳеч гап эмас. Келин буларканман-да!

– Шунақа, у ҳам куёв булади. Бошқаларга ўхшаган.

– Шошмасанг-чи, Сергеевна, жим тур, салпал узимга келиб олай.

– У ҳозир келиб қолади. Жавобингни эшитгани.

– Вой-бу! – Отавина урнидан даст туриб эшик томонга қараб қўйди. Яна қайта жойига утирди. Мана сенга жумбоқ!

– Қараб турсам, сен деярли розига ўхшайсан.

Отавина кампир дарров жиддий уйлакиб, деди:

– Мен сенга айтсам, Сергеевна, у, умуман олганда, ёмон одам эмас, ичмайди, шаккоклик қилмайди, деб эшитаман... Фақат... – Отавина совчига қаради. – Ҳаммаси шунақа-ю, аммо бу... Тўғри, қариялар баъзан узаро келишиб яшашлари бор гап...

– Бор гап.

– Мабодо у кечалари тирғалиб қолса-чи?

Малишеванинг бу гапдан, ҳатто, оғзи очилиб қолди.

- Қанақасига?

- Шунақасига-да? Биласанми, улар қанақанги булади! Аввал бошданоқ мен шуни хоҳлайманки, у кечаси менга тегажоглик қилмаслиги керак. Сукинмаслиги керак. Тамаки чекиши... Хуп, майли бунисига чидаш мумкин, ҳамма эркак ҳам чекади... бунитаққидолмайсан...

- Демак, сен розисан-а? - деди ҳайратланиб Малишева.

- Э, отни қамчилагандай нега бунча шошилтирасан? Демокчиманки, унга қуядиган шартларим кўпайиб кетмаяптимики. У мумкин эмас, бу мумкин эмас деяверсам... Қария уйлаб куриб, айтмайдими: «Унда нима мумкин?», деб. Шунда бу унаштирув ҳам уз-уздан барҳам топади-қуяди. - Отавина яна майин жилмайиб қуйди. - Қара-я, хаёлингда йуқ, тушингда йуқ... Вой Худойим-эй, Худойим-эй. Хуп шундай булса, нима булади? Ана, менинг Буланихадаги қадрдон дугонамнинг, ёшликда бирга усганмиз, худди шундай ёнига бир қария келибди-да, у дебди, бу дебди, хуллас, охирида: «Кел, Кузмовна, бирга яшаймиз», дебди. Ва яшашди. Туғри, икки йил аввал чол қазо қилибди... Дугонам эса унинг уйида яшаяпти. Яхши яшашди, би-

ламан. Қанча дейсанми? Беш йилча бирга яшашди. Уни ҳечам хафа қилгани йўқ. Умрининг охирида одамлар эсли-хушли бўлиб қолишади. Ҳозир эса қара... ҳозиргиларга қарасанг... ё тавба, ё тавба! Қарайсан-у, бирор нима деёлмайсан. Уйлаб кўрсам, мен ҳам тинчгина, иссиққина жойда яшагим келади... Уйим эса эскириб қолган, қиш утганидан хурсанд бўлиб юрибман, уйимни иситиш жуда қийин. Утин ёқаверасан, ёқаверасан – фойдасиз, иссиқ тирқишлардан чиқиб кетаверади.

– Нега қизингникига кетмайсан?

– Қандай қилиб! Узлари каталакдек жойда аранг яшаётган бўлишса. Яшагандим. Невараларим кичик пайтда яшагандим. Қийналиб кетдим. Жудаям қийналгандим. Худога шукр, энди катта бўлиб қолишди, мактабга боришяпти. Менга ҳозирги уйни сотиб олиб беришганда жудаям севиндим. Буланихадаги уз уйимни сотгандимда. Қизим турмушга чиққанда сотгандим. Мустақкам уй эди, яна юз йил турарди. Нима қилайин, сотишга туғри келди. Улар кооператив уй олишлари учун пул керак бўлди, қаердан олишарди? Куёвим энди армиядан келган, қизим эса техникумни тугатган пайт эди. «Она, уйни сотамиз, сенга эса, агар

биз билан яшагинг келмай қолса, кейинроқ бошқа уй сотиб олиб берамиз», дейишди. Шундай қилиб, бирга яшай бошладик, невараларимга қарадим, катта бўлишгач, энди кичкинагина бўлса ҳам менга уй сотиб олиб беринглар, дедим. Шаҳарга куниколмадим, кунглимга утирмади. Уриниб-суриниб мана шу кичкина уйга лойиқ пул топишди. Буланихада уйлар қиммат, бу ерда эса арзонроқ экан, мана шундай қилиб мен бу ерга келиб қолдим. Шундай қилиб, агар... ёмон бўлмасдику-я, қариганингда... иссиққина жойда яшасанг. Шуниси тузукмиди-ей.

Қария Глухов кампирлар гаплашаётганини билса ҳам натижаси қандай тугашини билмасди. У ҳар эҳтимолга қарши янги камзулини кийди, бир шиша қулбола ароқ, идишчада асал олди ва Малишеваникига қараб йулга тушди.

Келди... Саломлашди. Нимагадир унғай-сиэланганча шиша ва асал солинган идишчани столга қўйди. Тамаки халтасини олиш учун чунтагини ковлаштира бошлади.

– Сен шошилма, шишани столга қўйишга шошилмай тур, – деди Малишева. – Ҳовлиқма.

Қариянинг юраги шув этди. Ахир, у Отавина билан бирга яшашларига қаттиқ умид

қилаётган, хаёлан кул нарсаларни уйлаб қуйган эди, ҳаммаси яхши кетаётганди. Нима бўлди экан-а?

– Иккалаларингни ҳам эшитиб курдим. Албатта, қовушишларинг мумкин, бу шахсий ишларинг. Бу ишларингдан одамлар эсдан оғишади. Лекин, ҳечқиси йуқ. Аммо, барибир, сурамоқчиман: виждон борми узи сизларда, а? – Мальшева бу сўзларни қария Глухов ва Отавинанинг юзига тик қараб айтди. Қандайдир тушунтириш қийин бўлган қаҳр билан, йиллар давомида юрагида йиғилиб қолган сирли оғриқни намойиш қилгандай қилиб айтди. Айтаверди, айтаверди, «виждонини йуқотган» келин-куёв эса қизариб-бузариб, жойларида типирчилаб тураверишди.

– Шу гапдан кейин сизлар қайси юз билан ёруғ дунёда юрасизлар, а? Одамлар бир умр ёлғиз яшашади... Мен, мана йигирма уч ёшимдан буён ёлғизман. Нима, менга совчи қуйишмаганми? Қуйишган. Кечалари деразани тақиллатишмаган деб уйлайсизларми? Келишган, тақиллатишган. Мана сен, Глухов, қишлоқ кенгашига келиб, сенсиз яшай олмайман, деб айтмаганмисан? Келганмисан? Қани гапир.

Глухов ерга кириб кетгудай булиб утирарди.

– Мен аҳмоқлик қилиб... кайфим бор эди, – буйнига олди у. – Мен совчи юбормаганман. Бекордан-бекорга нега ундай дейсан? Мен, ҳалигидақа.. уша йиллари, қачонлардир...

– Аҳмоқлик қилгансан! Нима, энди ақлли бўлиб қолдингми? Етмиш ёшида уйлангилари келиб қолибди. Вой, доно-ей! Сенчи, сен!.. Нима дединг... «Қарайман, уйлаб кураман... иссиққинада яшасам». Ургилдим сендақа художуйдан. Сенам ушаларга ухшайсан... Бошқаларга бармоғингки бигиз қиласан, гуноҳ деб. Узинг эса... Ёшларга қанақасига урнак курсатаяпсизлар! Бу ҳақида уйлаб курдиларингми? – Малишева қоқсуяк бармоқлари билан столни тақиллатди. – Сизлар халқ олдидаги жавобгарликни уйлайсизларми? Йўқ, уйламайсиз, худбинлар. Халқ уз кучини аямай ишляпти, меҳнат қилаяпти, сизлар эса туй қилмоқчи буласизлар... одамларни ичкиликка чорламоқчисиз, енгилтак муносабатларга ургатасиз. Виждонсизлар.

– Қанақанги туй?! – бақириб юборди Глухов. Отавина эса гунг бўлиб қолганди. – Шундоқ, оддийгина турмуш курамиз, бўлди, тамом. Қанақа туйни айтаялсан?

- Нима, худди... девор тагидагилар каби-
ми, булмаса? Тф-у-у! Ҳайвонлар.

- Ҳой, сен!.. Биласанми? - Портлади
қария. - Бор-э, уша... - қаттиқ сукинди чол.
Онасини сукди. Кейин эшикни қарсиллатиб
ёпди-да, чиқиб кетди.

Унинг ортидан изма-из Отавина ҳам
чикди. Худди биров қувлагандай отилиб
чиқишди. Дарвозадан чикдилар-у, бир-
бирларига қарамасдан, иккаласи икки томон-
га қараб кета бошлашди, аслида айрилишга
қадар йуллари битта эди.

Қария Глухов қишлоқни роса айланиб уйи-
га келди. Сукинар ва тупурарди, узини қўйгани
жой тополмасди. Ҳатто, қизишганидан «Иф-
лосни ёқиб юбораман», деган хаёлга ҳам бор-
ди. Малишевани ёқиб юбормади, албатта.
Аммо энди уникига қадам босмади. Мабодо
уни куча-қуйда учратиб қолса ҳам тескари
бурилиб олар, саломлашмасди.

Отавина эса шаҳарга бориб, черковда тав-
ба-тазарру қилди. Кампир жуда ҳам изтироб
чекди, Малишеза билан учрашиб қолишдан
узини олиб қочарди.

Малишева эса бу ноёб соячилик туғрисида
қишлоқдаги биронта одамга ҳам оғиз очмади.
Глухов ҳам, Отавина ҳам у ҳаммага айтиб бе-
ради, деб кутгандилар. Йўқ, бундай булмади.

МЕТИН ОДАМ

«Гигант» хўжалигининг учинчи бригадаси учун янги омбор биносини қуриб беришди. Эски омбор – черковдан буш бочкалар, цемент солинган қоплар, шакар ва туз солинган қоғоз халтачалар, от-улов учун мулжалланган бир уюм айил, юган-абзаллар (бригадада бор-йўғи бешта от булса ҳам, анжомлар ун бештача отга етарди. Бу-ку, майли-я, ортиқчаси зарар қилмайди, аммо ер ютгур сичқонлар... Маргимуш сениб асраб-авайлашса ҳам, барибир, кемираверарди), супургилар, хаскашлар, белкураклар олиб келинди. Шундай қилиб, энди ҳеч кимга кераги булмаган черков бушаб қолди. Унчалик катта булмаса ҳам, черков бир пайтлар қишлоққа файз бағишлаб турарди. Бригада бошлиғи Шуригин Николай Сергеевич черковга тикилганча уйга чумди. Деворига яқин келди-да, қулига илинган темир чукич билан унинг ёштларини чуқилаб курди, чекди ва яна бир муддат уйланиб турди-да, кейин уйи томон кетди.

– Черков ҳам энди бушаб қолди... – деди орадан икки кун утиб хужалик ранси билан учрашган Шуригин.

- Хуш?

- Уни нима қиламиз?

- Қулфлаб қуй, тураверсин. Нима эди?

- У ердан анча-мунча ғишт чиқади, мен уни чўчкахона қуришга ишлатган булардим, узоқдаги заводдан ташиб юргандан кура.

- Уни бузиб олиш учун беш киши ярим ой овора бўлиши керак. У ерда ғиштни теришмаган, гуё худди қуйма қилиб қуйишган. Жин урсин, қандай қилиб буни уддалашган, билмайман!..

- Мен уни ағанатаман.

- Қандай қилиб?

- Шундай. Учта тракторга боғлаб тортаман, куз очиб юмгунча ағанайди.

- Бўпти, унаб кур-чи.

Якшанбадан бошлаб Шуригин ҳаракатга тушди. Учта трактор олиб келди... Черковни ҳар хил баландликда учта йўғон пулат арқон билан ураб боғлади, арқонлар тагидан деворнинг уртаси ва бурчагида туққизта ёғоч устунларни жойлаштирди...

Аввалига Шуригин бошқа ишларни қандай бошқарса, бу ишни ҳам худди шундай: бақириб-чақириб, сукиниб бошқара бошлади. Аммо кейин, бу ерга одамлар чопиб келиб, оҳ-воҳ қилишиб, черковга ачиниб қарай бош-

лаганларида Шуригин бирдан узини чекланмаган ваколатларга эга арбобдай ҳис қила бошлади. Сўқинишни тўхтатди, аммо одамларга қарамади, гуё уларни курмаётгандай, сузларини эшитмаётгандай эди.

– Николай, сенга буйруқ беришдими ёки узингдан чиқдими? – сурашарди одамлар. – Узинг уйлаб топдингми ё?!

– Нима, сенга халақит бераётганмиди? Озроқ ичиб олган омбор мудирини Михайло Беляков пулат арқон тагида туриб олди-да, Шуригинга:

– Колька, нега бунақа қилаяпсан? – деб суради.

Шуригин чинакамига дарғазаб булиб, оқариб кетди:

– Йуқол, бу ердан, ароқхур чучқа!

Михайло хайрон булиб бригадирдан нарироққа кетди. Атрофда турган бошқалар ҳам хайратланиб жим булиб қолишди. Ичишга Шуригиннинг ҳам суяғи йуқ эди, ҳеч кимни ҳеч қачон «ароқхур чўчқа» деб сукмасди. Унга нимадир булганми?

Бу орада ёғоч устунлар жилслашиб, пулат арқонлар туғриланди... Ҳозир тракторлар укира бошлайди ва қишлоқда кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ҳодиса юз беради – чер-

ков қудайди. Катта ёшдаги одамларнинг бари шу ерда чуқинтирилган, ота-боболарнинг жанозаси шу ерда уқилган, осмонни ҳар куни қандай қуришган бўлса, черковни ҳам ҳар куни худди шундай қуришга ўрганиб қолишганди... Яна қайтадан овозлар янграй бошлади:

– Николай, ким буюрди?

– Э, унинг ўзи! Курмаяпсанми, юзига қара, шайтоннинг ўзи!

– Шуригин, бас қил ўзбошимчаликни!

Шуригин парво ҳам қилмади.

Юзида худди аввалгидек қатъийлик, қарашида аниқлик акс этиб турарди. Тудадан Шуригиннинг хотини – Кланькани туртиб, итариб чиқардилар... Эрига нимадир бўлганини қуриб турган Кланька журъатсизгина унга яқинлашди.

– Коля, нима учун ағдармоқчи бўлаяпсан?

– Кет, бу ердан! – буюрди Шуригин. – Бурнингни суқма!

Тракторчиларнинг ёнига ҳеч бўлмаганда вақтни чузиш учун бордилар, кимдир туманга кунғироқ қилиш учун, кимдир қишлоқ уқитувчисининг уйига югуриб кетди. Шуригин тракторчиларнинг ҳар бирига бир

шишадан оқидан ва «бажарилган иш» учун мумайгина ҳақ тулашни ваъда қилганди.

Қишлоқда ҳамма ҳурмат қиладиган ёш ўқитувчи тезда етиб келди.

– Дарҳол тухтатинг! Бу кимнинг буйруғи? Бу ун еттинчи аср!..

– Узингники бўлмаган ишга аралашма, – деди Шуригин.

– Бу менинг ишимми? Бу халқ иши! Ўқитувчи ҳаяжонланар, шу сабабли керакли сузларни тополмаганидан қизариб-бўзариб қичқирарди. Сизнинг ҳаққингиз йўқ! Унга, ҳатто душманларимиз ҳам тегишмаган!.. Ёввойилар! Мен буни юқорига ёзаман!

Шуригин тракторчиларга ишора қилди... Моторлар укира бошлади. Пулат арқонлар тараंगлашди. Оломон даҳшатга тушиб аста оҳ тортди. Ўқитувчи илкис жойидан қўзғалди, югуриб черков ағанаши керак бўлган томонга утиб, девор тагига бориб туриб олди.

– Қотиллик учун жавоб берасан! Телба...

Тракторлар тухташди.

– Қоч! – деб букирди Шуригин буйин томирларини бурттириб.

– Черковга тега курма! Агар тегсанг!

Шуригин ўқитувчининг ёнига югуриб борди-да, уни ғуладай қучоқлаб, черков-

дан нарига кутариб олиб кетди. Нимжонгина уқитувчи типирчилаб, унинг кучоғидан кутулишга ҳаракат қилар, аммо Шуригиннинг қўллари жуда бақувват эди.

– Бошла! – деди у тракторчиларга.

– Девор тагига бориб туринглар! – дея қичқирарди уқитувчи одамларга. – Бориб туринглар!.. Улар ботинишолмайди! Мен вилотга чиқаман, улар буни тақиқлашади!

– Бошла, нимага бақраясанлар? – бақирди Шуригин тракторчиларга қараб. Тракторчилар ричагни ишлата бошлашди...

– Девор тагига бориб туринглар! Ҳамма турсин!..

Аммо ҳеч ким жойидан силжимади. Шуригиннинг тийиқсиз ғзаби ҳаммани ҳушсизлантириб қўйганди. Ҳамма гунг. Кутиб турарди. Пулат арқонлар таранглашди... ғичирлади, қисирлади, овоз чиқарди... Ёғочлардан бири қарсиллаб кетди, бурчакка қапишган арқон балалайка торидай диринглаб овоз чиқарди. Ажабланарлиси, буларнинг ҳаммаси учта трактор кучини курсатиб, бор овози билан ўкираётганига қарамасдан, аниқ ва яхши эшитилиб турарди. Черковнинг тепа қисми силкинди. Черков ағанаши керак бўлган жойнинг қарама-қарши томонидаги девор бирдан бутун эни-

га ёрилиб кетди. Оппоқ девордаги қоп-қора, қурқинчли ёриқ кенгая бошлади. Черков гумбазининг учи энгаша-энгаша, гурсиллаб пастга қулади. Ер худди снаряд портлагандай зириллаб кетди, атрофни чанг-тузон қоплади.

Шуригин ўқитувчини қуйиб юборди ва у бир оғиз ҳам суз демай черковдан нарига кетди. Иккита трактор ҳамон занжирли оёқлари билан кучаниб ерни тирнарди. Уртадаги пулат арқон деворни қирқиб ботган ва тобора чуқур кириб бораркан, бекорга ғиштларни майдалаб эзаётган эди...

Шуригин тракторларни тухтатди. Пулат арқонларни яна қайтадан ураб чиқишди.

Одамлар тарқала бошлашди. Фақат ҳар нарсага қизиқувчан болаларгина қолишганди. Уч соатлардан кейин ҳаммаси тугади, черковдан унча баланд бўлмаган бир уюм қинғир-қийшиқ асос қолганди. Черков шаклсиз чиқиндилар уюмидай бўлиб ётарди.

Тракторлар кетишди.

Терлаб, чанг-тузонга беланган Шуригин дукондаги телефондан хужалик раисига хабар бериш учун жунади.

– Қуйиб битди! – деб қичқирарди у телефон гушагига. Раис бу қичқириқдан нима қуйиб битганини англамаган бўлса керак.

– Черков-да! Ҳаммаси куйиб битди. Ҳа. Ҳаммаси жойида. Уқитувчи сал-пал шовқин солди. Йуқ. Уқитувчи, ундан баттар қария кампирлар. Э, йуқ, ҳаммаси жойида. Анча терлаб-пишдик. Анча нарса, ҳа. Улар шунақаки: уч-турттаси булак-булак. Уларни энди қандай ажратамиз, билмадим. Темир билан уриб парчалашга ҳаракат қилдик, жуда ҳам мустаҳкам экан лаънати, элаб бўлмади. Ҳақиқатан ҳам, қуйма. Хуп. Саломат бул. Ҳечқиси йуқ.

Шуригин гушакни қуйди. Сотувчининг ёнига келди, уни ярим тунда, тумандан меҳмонлар балиқовига келганларида ва хуроз икки қичқиргунча улфатчилик қилганларида ўрнидан кўп марталаб уйғотарди.

– Курдингни, черковнинг суробини қандай туғриладик? – деди Шуригин мамнун ҳолда тиржайганича.

– Аҳмоқона иш қилиш учун ақл керак эмас, – деди сотувчи аёл қаҳрини яширмай. – Бунинг тиржайишини қаранг...

– Нима учун аҳмоқона бўларкан? – Шуригиннинг юзида кулгидан асар ҳам қолмаганди.

– Нима, у сенга халақит бераётганмиди, турганди-ку?

– Нега у бекордан-бекорга туриши керак экан? Ҳеч бўлмаганда ғиштини оламиз...

– Сен шўрликка ғишт оладиган жой қолмабди-да, бошқа. Овсар.

– Вайсақи! – Шуригиннинг ҳам жаҳди чиқди. – Ақлинг етмаса, индамай утир.

– Мени яна ярим тунда уйғотиб кур-чи, мен сени уйғотиб юбораман. Вайсақи...

– Бу галинг учун башарангга туширишим ҳам мумкин. Ҳозир мана бу қадоқ тош билан биқинингга ўхшатиб бир тушираман, ушанда биласан, вайсақи қандай булишини.

Шуригин яна нималардир деб сукиб, эси йуқ сотувчини ҳақорат қилмоқчи бўлаётган эди, ҳамма ерда ҳозир у нозир хотинлар кириб келишди.

– Бир шиша бер!

– Бор-бор, томоғингни ҳўллаб ол, – чувиллашди ортидан. – Чанқаб кетгандирсан?

– Албатта-да, чангдан кейин!

– Қўли қичиб қолган бу иблисни...

Шуригин аёлларга ўқрайиб қаради, улар кўпчилик эди, ҳаммасини бақириб енголмасди. Шу билан бирга, улардаги ғазаб ҳам нодатий, бошқачароқ эди. Кузларида нафрат чақнарди. Шишани олди-ю, дўкондан чиқди. Остонага етиб бориб, қайрилди-да:

– Мен ҳали думларингни қисиб қўймасамми! – деди ва тез юриб чиқиб кетди. У кетиб бораркан, жаҳли чиқарди: «Ахир, барибир, ибодат қилишмасди-ку, тириктовоилар, энди эса томоша курсатишяпти». Қулаган черков ёнидан утиб бораркан Шуригин тухтади, ғиштларни ковлаштираётган болаларга узоқ вақт қараб турди. Қараб тураркан, узини овутарди:

«Улар катта булганларида черковни бизнинг давримизда ағдаришган деб эслашади. Мана мен, Васька Духаниннинг, черков гумбазидан хочни қандай қилиб суғуриб олганини эслайман. Бу ерда эса бутунлай ағдарилди. Албатта, эслаб қолишади. Улар уз болаларига Шуригин амаки қандай қилиб пулат арқон билан черковни ураб...» Худди шу пайт кунглини ғаш қилиб ёдига сотувчи аёл тушди, Шуригин ғазабланиб «кузга чуп тушгандай» унинг бу ерда туришининг «ҳечам кераги йуқ эди», деб хаёл қилди. Уйида уни ғирт машмаша кутиб турарди: хотини кечки овқат тайёрламай, қушниларникига чиқиб кетган, печка устида ётган бемор онаси қарғишини бошлади:

– Колька, бадбахт, тентак, қандай гуноҳга ботганингни биласанми?! Индамай

юргандинг-ку, иблис... Ҳеч булмаса бирор нарса деб оғиз очганингда яхши одамлар сенга ақлингни еб қўйганингни тушунтиришарди. Вой, пешонаминг шўри булмай ҳар боло булгур, одамлар кузига энди қандай кўринасан!.. Ахир сенга лаънат ёғилади энди, лаънатлайдилар!.. Энди бу бошингга қандай балолар ёғилишини ҳам сезмай қоласан-ку: энди ё уйингда ёлғизликда тарракдай қотасан, ё чангалзорда бирор офатга йулиқасан...

– Нега энди мени лаънатлашаркан. Қиладиган ишлари йўқлигиданми?

– Ахир, бу гуноҳи азим-ку!

– Васька Духанинни ҳам лаънатлаган эдилар, у хочни ечиб олганди. Қайтанга, у катта одам булиб етишди-ку...

– У пайтлари бошқа замон эди. Ким сенга уни буз деб ургатди? Ким? Иблис қулингдан тортдими? Ҳали шошмай тур, ҳукуматнинг узи бу қилмишинг учун адабингни бериб қўяди. Ана, уқитувчи ёзади, керакли жойга етказди, ушанда биласан. Бунини қаранглар, манави пайдо булмагунча жойида турганди. Бадбахтсан сен, бадбахт.

– Майли, унда ётавер касал були-иб.

– Одамлар кузига қандай кўринасан энди?

- Биров бориб ибодат қилган бўлса ҳам майли эди! Қаққайиб турганида ҳеч ким қарамасдиям...

- Нега қарамасдилар дейсан! Одамлар бирор узоқроқ жойдан келаётганларида у доимо куриниб турарди, аввал уни кўрардилар. Қанчалик ҳориган бўлсалар ҳам уни кургач, одамларда куч-қувват пайдо буларди, узларини уйларига етиб келгандек сезардилар. У одамларга куч берарди...

- Куч берармиш... Нима, ҳозир биров пиёда юрармиди?! Тушунсанг-чи, ҳозир атом асри, улар бўлса черковга ачиниб утиришибди. Мана, қишлоқда ҳозиргача клуб йўқ, бировнинг демайди, бунга эса куйинишларини қаранг-а. Улиб қолмайди ҳеч ким.

- Сен улмагин! Уятдан куриб қақшайсан энди...

Шуригин онасининг вайсашларини эшитмаслик учун меҳмонхонага утди, стаканни тулдириб ароқ куйди-да, ичиб юборди. Чека бошлади.

- Ёштга энди бирортаям иблис қўл теккизмаса керак, - уйлади у. - Бульдозер билан тудалаб суриб ташлайман, менга деса қичитки босиб ётмайдими.

Хотини алламаҳалда қайтди. Шуригин шишани бушатиб улгурганди. Яна ичгиси келди, аммо сотувчи аёлнинг дарғазаб юзини қуришни хоҳламасди.

– Бориб бир шиша олиб кел, – деди хотинига.

– Шайтон олсин! Энди у сенга дуст.

– Илтимос, бориб кел...

– Сендан суровдилар, сен қулоқ солдингми? Энди бошқалардан ҳам сўрама. Аҳмоқ.

– Овозингни учир. Сенам ушалар билан...

– Ушалар билан. Қаерда оққунгил одамлар бўлса шулар биланман. Наҳотки сендай уятсиз чучқа томонда бўлсам? Илтимос қилишди, ҳамма бир бўлиб сендан илтимос қилди, йуқ! Кузингни бақрайтириб...

– Жим бўл! Бўлмаса сочингдан судраб...

– Судрайсан?! Қулингни теккизиб кўр-чи, уятсиз чучқа... Тегиб кўр!

«Йуқ, энди бу ғавғо тун буйи тинмайди. Одамлар эсдан оғишган». Шуригин ҳовлига чиқди, мотоциклни ўт олдирди...

Туман марказигача ун саккиз километр, у ерда дукон бор, у ерда хужалик раиси бор, у ҳам метни эркак, манови бурни оқиб юрганлардан эмас. Биргаликда ичиш мумкин, суҳбатлашиб утирамыз. Айтмоқчи, унга бу

ерда қанақа ғалаён кутарганларини гапириб бераман. Ҳеч бўлмаганда, бир кулишамиз.

Кўчанинг муюлишида мотоцикл чироқлари ёруғида бир уюм ғишт эласланиб қуриниб кетди, ертуланинг безовта қилинган биқсиқ руҳи изғирди.

«Ун еттинчи аср, – ёдига тушди Шуригининг. – Мана сенга ун еттинчи аср! Ёзармишлар. Ёзавер, ёзавер» Шуригин тезликни оширди... Ва бор овози билан қушиқ айта бошлади. Билиб қўйсинлар, ҳар хил қарғиш, лаънатлар унга писанд эмас, унинг кайфияти аъло даражада.

Мотоцикл қишлоқдан бурилиб чиқди-да, кўзининг ўткир ярақлаган нури билан қоронғуликка тиғдай санчилиб, текис ва ра-вон йўлдан туман маркази томон елиб борарди.

Шуригин елдек учириб ҳайдашни яхши куради...

МУНДАРИЖА

Иккинчи сеансга чипта.....	3
Кузда	20
Ёлғиз узлари	41
Стёпка	55
Яшагинг келади	79
Чаппа	125
Олдидан ва ёнидан	145
Уйлар	165
Бурилар	177
Суд	191
Она қалби	206
Виждонсизлар	235
Метин одам	257

Шукшин, Василий

Ш 91 Иккинчи сеансга чилта [Матн]: ҳикоялар/В. Шукшин; таржимон У. Ҳайдар. – Тошкент: «O'zbekiston» НМНУ, 2016. –272 б.

ISBN 978-9943-28-562-0

УЎК: 871.512.133-3

КБК 84(2Рос=Рус)

Адабий-бадний нашр

Василий Шукшин

ИККИНЧИ СЕАНСГА ЧИПТА

Ҳикоялар

Мухаррир У. Турдиева

Расм-дизайнер Р. Маликов

Техник муҳаррир Л. Хижова

Мусахҳиҳ С. Салоҳиддинова

Кичик муҳаррирлар: Д. Холматова, Г. Ералиева

Саҳифаловчи Л. Абкеримова

Нашриёт лицензияси АИ № 15В, 14.08.2009.

Босишга 2016 йил 4 июлда рухсат этилди.

Офсет қоғози. Бичими 70х90¹/₃₂

«Cambria» гарнитурасида офсет усулида босилди.

Шартли босма табоғи 9,95. Нашр табоғи 7,82.

Адади 3000 нусха. Буюртма № 16-366.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг

«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи.

100011, Тошкент, Навоий кучаси, 30.

e-mail: uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz

www.iptd-uzbekistan.uz

11

13100 gmu

Василий Шукшин

ИККИНЧИ
СЕАНСГА
ЧИПТА

«O'ZBEKISTON»

ISBN 978-9943-28-562-0



9 789943 285620